

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК  
Тошкент темир йўл мухандислари институти

С. Сайфиддинов, Н.Б. Шоумаров

ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАР

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2009

## **УДК 624.15.**

Мазкур ўқув қўлланма «Замин ва пойдеворлар» фани дастури асосида ёзилган бўлиб, бино ва транспорт иншоотлари замин ва пойдеворларини лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг асосий қоидалари берилган.

Бино ва транспорт иншоотлари заминларининг деформацияланиш масалалари ва чўкишни аниқлаш усуллари кўриб чиқилган.

Табиий заминда саёз жойлашган, қозиқли ҳамда кўприк таянчлари қурилишида ишлатиладиган қозиқсимон ва устунсимон, шунингдек чуқур жойлаштириладиган пойдеворларни лойиҳалаш усуллари келтирилган.

Бу фаннинг мақсади – талабалар томонидан замин ва пойдеворлар соҳасида билимларини мукаммал эгаллашдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабалар томонидан назария ва амалиётнинг савияларини ифодаловчи билимлар мажмуасини эгаллаш, Ўзбекистон Республикасидаги темир йўл кўприк таячнлари замин ва пойдеворларини лойиҳалашни билишдан иборатdir. Фанни ўрганиш талабаларда олинган билим кўникма (малака)ларни бино ва кўприк иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш соҳасида амалий масалаларни эркин ечишга йўналтирилган бўлиши керак.

Ўқув қулланма 5580200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши (Транспорт қурилиши)” ва 5580600 – “Сунъий иншоотлардан фойдаланиш” таълим йўналишлари талаблари учун мўлжалланган.

Чизма 53 та, жадвал 18 та, адабиёт 15 та.

Муаллифлар: С.Сайфиддинов – т.ф.н., доц.,  
Н.Б. Шоумаров – т.ф.н., доц.

Тақризчилар: И.И. Усмонхўжаев, т.ф.н. (ЗПЛИТИ).  
Ч.С. Раупов, т.ф.н. доц. (ТТЙМИ)

Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг ўқув – услугий комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган.

## **МУҚАДДИМА**

Мустақил Ўзбекистонимизнинг олий ўқув юртларида дарслар давлат тилида олиб борилиши муносабати билан бинокорлик ва меъморчиликнинг барча тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлашда етакчи фанлардан бўлмиш “Замин ва пойдеворлар” фани ҳозирги вақтда ниҳоятда кенг миқёсдаги турли геология, гидрогеологияга оид табиий ва сунъий шароитларда бунёд этиладиган ҳар хил бино ва иншоотлар лойиҳалари, ҳамда уларни ҳисоблашга доир мураккаб назарий ва амалий билимларни ўз ичига олади.

Мазкур фаннинг назарий қисмини ифодаловчи “Грунтлар механикаси” қисми билан талабалар З-босқичда танишадилар. “Замин ва пойдеворлар” фани илгари олган билимларни амалиёт билан боғловчи ва шу билан бирга талабадан фан кўрсатмаларини чуқурроқ ўзлаштиришни талаб этади.

Ушбу фанда турли муҳандислик-геологик шароитларни назарда тутиб ҳисоблаш масалалари, замин ва пойдеворларнинг турлари, иқтисодий жиҳатдан самарали ва техник жиҳатдан асосланган замин ва пойдевор қурилмаларини, уларни ҳисоблаш ва лойиҳалашга оид муқобил масалалар ҳал этилади. Бунда бино ва иншоотларни мустаҳкамлигини, турғунлигини ва узоқ муддат ишлашини таъминловчи бирдан бир йўл унинг чўкиш қийматини ва бир неча пойдеворлар орасидаги чўкиш фарқини излашдан иборат.

Замин ва пойдеворлар фани талабаларга қуйидаги масалаларни ҳал этишларини қўяди:

- ҳар хил муҳандислик геологик шароитларда замин ва пойдеворларни барпо этиш;
- лойиҳалаш ва ҳисоблашнинг замонавий усулларини қўллаш, замин грунти билан пойдеворнинг биргаликда ишлашини ҳисобга олиш.

Ушбу қўлланмани тайёрлашда Ўзбекистонда ва хорижда охирги йилларда нашр этилган дарслик, ўқув қўлланма, Қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан фойдаланилган.

## **I БОБ. ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШДАГИ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАР.**

### **1.1. Замин ва пойдеворларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари**

Бино ва иншоотлардан тушаётган юкни заминга узатадиган бино ва иншоотларнинг ер ости ёки сув ости қисми пойдевор деб аталади.

Пойдевор – бино ва иншоотларнинг мустаҳкамлик, турғунлик, технологик тўзилиш, узоқ муддат ишлатиш, ҳамда иқтисодий талабларига жавоб берниши керак.

Бино ва иншоотлар қандай мақсадларга мўлжалланганлигига қараб қўйидагиларга бўлинади (1.1-жадвал).

#### **1.1-жадвал**

#### **Бино ва иншоотларнинг таснифланиши**

<b>Бино ёки иншоот тури</b>	<b>Қандай мақсадга мўлжалланганлиги</b>	<b>Бино ёки иншоотнинг номи</b>
<b>Бинолар</b>	Туар-жой	Мехмонхона, ётоқхона, дам олиш уйлари, аҳоли яшайдиган уйлар
	Жамоат	Маъмурий, ўқув, маданий, маърифий, спорт, савдо, коммунал-хўжалиқ, кино-театрлар ва ошхоналар
	Саноат	Заводлар, фабрикалар, сув иситиш қозонлари, электр станциялар
	Транспорт	Ангарлар, саройлар, вокзаллар, деполар
	Кишлоқ хўжалиги	Чорвачилик комплекслари, иссиқхоналар, ғалла сақлаш омборлари, паррандачилик фабрикалари ва бошқалар.
<b>Иншоотлар</b>	Курилмалар	Кўприклар, тўғонлар, суюқлик сақлаш иншоотлари, миноралар, аэродромлар, сув бўйи иншоотлари ва бошқалар

Бино ва иншоотлар заминининг деформацияланиши Қурилиш меъёрлари ва қоидаларида чекланган микдордан ортиб кетмаслиги керак. (Илова 1.1-жадвал.) [9].

Ҳозирги вақтда қабул қилинган қоидаларга асосан барча бино ва иншоотлар бикрлиги бўйича уч турга бўлинади:

1. Нисбатан бикр иншоотлар (турли мўрилар, темир эритиш ўчоқлари, моёклар, сув кўтаргич иншоотлари, кўприкларнинг таянчлари, тўғонлари ва ҳоказо.); булар турли чўкишдан кам зарарланган ҳолда, улар учун бурилиш, шакл ўзгариши ахамиятлидир.

2. Бикр иншоотлар (ром ва яхлит ҳолдаги темир-бетон буюмлар, саноат ва жамоат бинолари темир бетон синчли йирик ва яхлит

қурилмали бинолар ва ҳоказо), бу иншоотлар учун эгилиш ва букилишга оид шакл ўзгариши хавфли.

3. Эгилувчан иншоотлар (сув сақловчи идишларнинг остки қисмлари, темирдан ишланган қурилмалар, бўлинмалар ва ҳоказо), булар учун буралиш, эгилиш ва букилишга оид шакл ўзгаришлар маълум қийматдан ошиб кетмаслиги кифоя.

Ҳозирда замин ва пойдеворлар лойиҳаси асосини грунт, пойдевор ва иншоот қурилмаларини биргаликда қараш қабул қилинган.

Шунинг учун замин ва пойдеворларни лойиҳалашда асосий масалаларни ҳал этиш лозим:

- биринчиси, иншоотнинг тегишли мустаҳкамлиги ва турғуналигини таъминлаш;

- иккинчиси, ашёлар сарфи, иш ҳажми ва уларнинг таннархи нуқтаи назардан иқтисодий арzon турини танлашдан иборат.

Заминлар деформацияларини ҳисоблашда пойдеворлар турини арзонлаштирадиган бирдан-бир йўл, заминнинг юк кўтариш қобилиятини тўла ҳисобга олиш. Бунинг учун бино ва иншоотдан заминга таъсир этувчи юқори босимни ҳисобга олиш лозим. Юқори босим қиймати эса, иншоот учун йўл қўйиш мумкин бўлган деформацияга боғлиқ бўлмай, балки заминнинг ўлчамлари, грунт қатламларининг турлари ва уларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқдир.

Агарда заминнинг нотекис деформацияси ривожланиш характеристини, бино ва иншоотлар бикрлигини ҳисобга олсак, у ҳолда деформация ва силжишни қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

1. Оғиши пойдевор иккита нуқтасини улар орасидаги масофага тегишли абсолют чўкиши фарқи сифатида қаралади (1.1-расм).

2. Бино ва иншоотни қийшайиши – битта кўндаланг ёки бўйлама ўққа жойлашган улар орасидаги масофага тегишли иккита ёки бир нечта пойдевор чўкишининг фарқи (1.2-расм):

$$i = \frac{s_n - s_l}{L} \quad (1.1)$$

Бунда:


$s_n$  ва  $s_l$  - узлуксиз ёки иккита пойдевор четки нуқталарининг чўкиши.

3. Бино ёки иншоотнинг нисбий эгилиши ёки эгилиш йўлини бинонинг эгилган қисми узунлигига ва эгилган қисми эгрилигига нисбати билан баҳоланади (1.3-расм):


$$f = \frac{2s_2 - s_1 - s_3}{L} \quad (1.2)$$

4. Буралиш деганда иншоотни узунлиги бўйича бир хил бўлмаган оғиши бўлиб, айниқса ушбу ҳолатнинг ривожланиши унинг иккита кесимида ҳар хил томонга қараб юз бериши тушунилади.


5. Пойдеворларни горизонтал силжиши қурилмадан сезиларли горизонтал куч таъсир қилганда юз беради.



1.1-расм. Пойдеворнинг тузилиши: 1 – бинонинг ер усти қисми; 2,3 – мосравиша тўшама ва грунт сатҳи отметкалари; 4 – пойдевор; 5 –пойдевор асоси сатҳи отметкаси



1,2- расм. Пойдеворнинг оғиши



1,3-расм. ишоотнинг нотекис чўкиши

## 1.2. Пойдеворлар заминини юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисоблаш

Заминларни юк кўтарувчанлик хусусияти бўйича ҳисоблашдан мақсад – заминларнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш, шунингдек, пойдеворнинг тавони бўйича силжиш ва ағдарилишига йўл қўймаслик. Ҳисоблашда қабул қилинадиган заминнинг бузилиш схемаси (унинг чегаравий ҳолатга етишида) пойдевор ёки иншоотнинг ушбу таъсири ва конструкцияси учун ҳам статик, ҳам кинематик жиҳатдан мос бўлиши лозим.

Заминларнинг юк кўтарувчанлик хусусияти бўйича ҳисоблаш қўйидаги шартдан келиб чиқиб бажарилади:

$$F \leq \frac{\gamma_c \cdot F_u}{\gamma_n} \quad (1.3)$$

Бунда:

$F$  – заминга тушадиган ҳисобий юк;

$F_u$  – заминнинг чегаравий қаршилик кучи;

$\gamma_c$  – иш шароити коэффициенти, қўйидагича қабул қилинади:

қумлар учун чангсимонларидан ташқари  $\gamma_c=1,0$ ;

чангсимон қумлар, шунингдек чангсимон-лойли барқарор ҳолатдаги грунтлар  $\gamma_c=0,85$ ;

қоятошли грунтлар учун: нураганлари  $\gamma_c=0,9$ ;

жуда нураганлари -  $\gamma_c=0,8$ ;

$\gamma_n$  – иншоотнинг вазифаси бўйича ишончлилик коэффициенти; I, II, ва III синф конструкциялари учун 1,2; 1,15 ва 1,10 га teng деб қабул қилинади.

Қоятошли грунтлардан иборат замин чегаравий қаршилик қучларининг вертикал ташкил этувчиси  $N_u$ , кН (тк), пойдевор қандай чуқур-ликда қўйилганидан қатъий назар, қўйидаги формуладан ҳисобланади:

$$N_u = R_c \cdot b' \cdot \ell' \quad (1.4)$$

Бунда:

$R_c$  - қоятошли грунтнинг бир ўқли сиқилишига мустаҳкамлик чегарасининг ҳисобий қиймати, кПа ( $\text{тк}/\text{м}^2$ );

$b'$  ва  $\ell'$  - пойдеворнинг мос равишда келтирилган эни ва узунлиги, м, қўйидаги формуладан ҳисоблаб топилади:

$$b' = b - 2e_b; \quad \ell' = \ell - 2e_\ell \quad (1.5)$$

Бунда:

$e_b$ ,  $e_l$  - пойдеворнинг кўндаланг ва бўйлама ўқлари йўналиши юкламаларнинг тенг таъсир этувчиларини қўйиш эксцентриситетлари, м.

Мувозанат ҳолатдаги ноқоятош грунтлардан иборат замин чегаравий қаршилик кучи; бутун сирпаниш юзлари бўйича меъёр  $\sigma$  ва г уринма кучланишлар орасидаги (заминнинг чегаравий ҳолатига мос) боғланиш қўйидагича аниқланади:

$$\tau = \sigma \cdot \operatorname{tg} \varphi_I + c_I \quad (1.6)$$

Бунда:

$\varphi_I$  ва  $c_I$  – мос равиша грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги ва солиширига боғланиш кучининг ҳисобий қиймати.

Мувозанат ҳолатдаги қоятош бўлмаган грунтлардан иборат заминнинг чегаравий қаршилик кучи вертикал ташкил этувчиси  $N_u$  (1.7) формуладан аниқланади:

$$N_u = b' \cdot \ell' \cdot (N_\gamma \cdot \xi_\gamma \cdot b' \cdot \gamma_I + N_q \cdot \xi_q \cdot \gamma'_I \cdot d + N_c \cdot \xi_c \cdot c_I) \quad (1.7)$$

Бунда:

$b'$  ва  $\ell'$  – белгилар (1.4) формуладан олинган бўлиб, бунда  $b$  белгиси билан пойдевор асосининг мустаҳкамлиги йўқолади деб тахмин қилинаётган йўналишдаги томони белгиланади;

$N_\gamma$ ,  $N_q$ ,  $N_c$  – юк кўтарувчанлик хусусиятининг ўлчамсиз коэффициентлари; грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги ва пойдевор таг сатҳида заминга тушадиган тенг таъсир этувчи ташқи юкламанинг вертикалга эгилиш бурчаги ҳисобий қийматларига қараб [9], 7–жадвалдан аниқланади.

$\gamma'$  ва  $\gamma'_I$  – грунтлар солиширига оғирлигининг ҳисобий қийматлари,  $\text{KN/m}^3$  ( $\text{tc/m}^3$ ) пойдевор асоси сатҳидан пастда ва юқорида кўпчиш призмаси пайдо бўлиши эҳтимоли бор чегараларда олинади (ер ости сувлари мавжуд бўлганда, сувнинг муаллақ тутиб туриш таъсири ҳам ҳисобга олинади);

$C_I$  – грунтнинг солиширига боғланиш кучининг ҳисобий қиймати;

$d$  – пойдеворни жойлаштириш чуқурлиги, м (пойдеворнинг ҳар хил томондан вертикал қўшимча кучлар бир хил таъсир қилмаган ҳолда энг кичик қўшимча кучга тўғри келади, масалан, ертўла томондан таъсир қиладиган қиймат  $d$  қабул қилинади);

$\xi_\gamma$ ,  $\xi_q$ ,  $\xi_c$  – пойдевор шаклларини ҳисобга олиш коэффициентлари; қўйидаги формулалардан аниқланади:

$$\xi_\gamma = 1 - 0,25/\eta; \quad \xi_q = 1 + 1,5/\eta; \quad \xi_c = 1 + 0,3/\eta \quad (1.8)$$

Бунда:

$\eta = \ell/b$ ,  $\ell$  ва  $b$  – пойдевор кенглиги ва узунлиги; (1.5)  
формулалар бўйича аниқланадиган келтирилган қийматлар  $b'$  ва  
 $\ell'$  га тенг таъсир этувчи юкни марказдан ташқарига қўйиши  
ҳолларида қабул қилинади.

Агар  $\eta = \ell/b < 1$  бўлса, (1.8) формулаларда  $\eta = 1$  деб қабул қилиш  
керак. Заминга тушадиган ташқи юк тенг таъсир этувчисининг  
вертикал қиялик  $\delta$  бурчаги қуидаги формуладан аниқланади:

$$\operatorname{tg} \delta = F_h / F_v \quad (1.9)$$

Бунда:

$F_h$  ва  $F_v$  – мос равишда пойдевор асоси сатҳидан заминга  
тушадиган ташқи юкнинг горизонтал ва вертикал ташкил этувчиси;

Куидаги шарт бажариладиган тақдирдагина (1.7) формула  
бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади:

$$\operatorname{tg} \delta \prec \sin \varphi_I \quad (1.10)$$

Демак, пойдеворнинг ҳар томонидан бир хил бўлмаган қўшимча  
юклар таъсир этадиган ҳолларда горизонтал юклар таъсирида  
грунтнинг фаол босимини ҳисобга олиш лозим.

### 1.3. Пойдевор лойиҳаси учун зарур бўладиган материаллар

Иншоот замини ва пойдеворини лойиҳалашдан олдин, қурилиш  
майдонида муҳандислик-геологик қидирув ишлари ўтказилиб,  
қурилиш паспорти тузилади.

«Қурилиш паспорти» деб бир турдаги лойиҳаларни, турли  
жамоат, саноат ва ер ости иншоотларининг бир-бири билан боғлаш  
учун хизмат қиласиган техник ҳужжатлар жамламасига айтилади.

«Қурилиш паспорти» қуидаги техник маълумотларни ўз ичига  
олади:

- қурилиш майдонининг 1:500 ва 1:2000 масштабда чизилган  
режаси. Унда лойиҳадаги иншоот ўлчамлари ҳамда, бургуланган  
жойлар ўрни ва шурф қазилган ерлар аниқ кўрсатилган бўлиши шарт;

- қурилиш майдонининг тузилишига оид қирқим;
- грунт қатламишининг физика-механик хоссалари;
- қурилиш майдонининг гидрогеологик хусусиятлари;
- грунт сувларининг кимёвий хоссалари ҳақида маълумот;

- қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик шарт-шароитлари ҳамда, замин ва пойдеворларни лойиҳалаш шартлари тўғрисида умумий маълумотлар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ташқари пойдевор лойиҳасини тузишдан олдин мавжуд бўлган бино ва иншоот лойиҳаси тўғрисида тўлиқ маълумот, шунингдек доимий – иншоот оғирлиги ва вақтинча таъсир этувчи кучлар (тебранма ва ҳ.к.) тўғрисида айтиб ўтилган бўлиши керак.

Пойдеворларни лойиҳалаш учун одатда геодезик ишларни амалга ошириш талаб қилинади. Бунинг учун қурилиш майдонида ва унинг атрофидаги майдонларнинг ер устки сатҳи ва унинг кўриниши тасвирланган 1:500 ва 1:2000 масштабдаги харитаси керак бўлади. Агар қурилиш майдони шаҳар ичida ёки бошқа аҳоли яшайдиган жойларда бўлса, унда 1:500 масштабдаги чизмаси амалдаги ва лойиҳадаги йўллар қизил чизиқлар билан белгиланади. Бундан ташқари, бу чизмада барча амалдаги ва лойиҳалаштирилаётган ер ости иншоотлари (сув, чиқинди ва газ қувурлари, электр ва телефон симлари, сув оқими йўллари ва ҳ.) чуқурлиги ҳамда қувурлар ўлчовлари ёритилган ҳолда кўрсатилган бўлиши лозим. «Қурилиш паспорти» ни тузиш жараёнида тегишли ташкилотларнинг лойиҳада кўзда тутилган ер ости иншоотларини амалдагиларга ўлчашга рухсат этилган хулосалар тўпланади. 1:2000 чизмада эса, лойиҳаланаётган бинонинг чегараси кўрсатилади ва унда ер ости иншоотларини улаш жойлари белгиланади.

Қурилиш майдонининг геологик тасвири.

Пойдеворларни лойиҳалаш қўйидаги тартибда олиб борилади:

- 1) замин грунти юк кўтариш қобилиятини аниқлаш;
- 2) пойдевор қўйилиш чуқурлиги  $d_f$  ни аниқлаш;
- 3) пойдеворнинг энг муқобил тури ва материалини аниқлаш;
- 4) пойдеворнинг горизонтал юк таъсирига турғунлигини текшириш;
- 5) пойдевор остидаги грунтнинг кучланганлик ҳолатини аниқлаш;
- 6) пойдеворнинг чўкишини ҳисоблаш;
- 7) пойдеворни мустаҳкамликка ҳисоблаш;
- 8) иш юритишнинг рационал турини танлаш.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун пойдеворни лойиҳалаш учун зарур бўлган асосий маълумотлар бўлиши шарт.

Бу маълумотлар асосан қўйидаги З гурухга бўлинади:

- 1) қурилиш майдони таснифи: майдон рельефи, геологик ва гидрогеологик маълумотлар;

- 2) қурилаётган бино ёки иншоот чизмалари, таснифи, юклар ва маҳаллий шароитлар;
- 3) пойдеворни қуриш учун керак бўладиган материаллар, транспорт харажатлари таннаҳи.

#### **1.4 Пойдевор чуқурлигини белгилаш**

Пойдевор чуқурлиги қўйидагиларни ҳисобга олиб қабул қилинади: лойиҳалаштирилаётган иншоотнинг вазифаси ва конструктив хусусиятлари, пойдеворга тушадиган юклар ва таъсиrlар; ёндош иншоотлар пойдеворларининг чуқурлиги, шунингдек мұхандислик коммуникацияларини ўтказиш чуқурлиги; иморат қуриладиган худуднинг мавжуд ва лойиҳаланаётган рельефи; қурилиш майдонининг мұхандислик-геологик шароитлари (грунтнинг физик-механик хоссалари, қатламланиш характеристи, сирпанишга мойил қатламларининг мавжудлиги, ўпирилган чуқурчалар, карст бўшлиқлар ва бошқалар бор-йўқлиги); майдоннинг гидрогеологик шароитлари ҳамда иншоотнинг қурилиши ва фойдаланиши жараёнида уларнинг ўзгариши эҳтимоли; дарё ўзанларида қуриладиган иншоотлар (кўприклар, қувурлар ўтган жойлар ва х.к) таянчлари атрофидаги грунтнинг ювилиб кетиши эҳтимоли; грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлиги.

Грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигининг ҳисобий қиймати  $d_f = d_1 \cdot KMK$  га асосан [9] қўйидаги формула ёрдамида аниқланади, м:

$$d_f = k_h \cdot d_{fn}, \quad (1.11)$$

Бунда:

$k_h$  – иншоотнинг иссиқлик режими таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент; у иситиладиган иншоотнинг ташқи пойдеворлари учун; иситилмайдиган иншоотларнинг ташқи ва ички пойдеворлари учун  $k_h = 1,1$  (ўртача йиллик ҳарорат манфий бўлган жойлар бундан мустасно);

$d_{fn}$  – грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлигининг меъёрий қиймати.

Кўп йиллик қузатувлар маълумотлари бўлмаган тақдирда  $d_{fn}$  ни иссиқлик техник ҳисоблар асосида аниқлаш лозим. Музлаш чуқурлиги 2,5 м дан ошмайдиган жойларда унинг меъёрий қийматини ушбу формуладан аниқлашга рухсат берилади:

$$d_{fn} = d_0 \sqrt{M_t}, \quad (1.12)$$

Бунда:

$M_t$  – ўлчамсиз коэффициент, сон жиҳатидан қурилиш иқлимшунослиги бўйича КМК га мувофиқ аниқ қурилиш пункти ёки жойи учун маълумотлар бўлмаса, қурилиш жойидаги шароитга ўхшаш шароитда жойлашган гидрометрология станцияси натижаларига мувофиқ қабул қилинадиган ушбу жойдаги қишки ўртача ойлик манфий ҳароратлар мутлақ қийматлари йиғиндисига тенг;

$d_0$  – қуйидагиларга тенг деб олинадиган катталик, м: қумоқ тупроқли ер ва лойлар учун – 0,23;

қумлоқ тупроқли ер, майда ва чангсимон қум учун – 0,28;

шағалли қумлар, йирик ва ўртача ўлчамли қумлар – 0,30;

йирик бўлакли грунтлар – 0,34.

Бир жинслимас грунтлар учун  $d_0$  қиймати музлаш чуқурлиги чегарасида ўртача муаллақ сифатида аниқланади.

Қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шароитларининг пойдеворнинг қўйилиш чуқурлигига таъсири  $d_2$  КМК 2-жадвалдан аниқланади [9].


Пойдевор қўйилиш чуқурлигига бино конструкциясининг таъсири, ертўла, ҳар хил жиҳозлар пойдеворлари, олдиндан мавжуд бўлган бино ва иншоотлар пойдеворлари, ер ости коммуникациялари ва б.  $d_3$  1.4-расмда изоҳланган.

Унда  $L$  устуннинг сериясига, турига, краннинг мавжудлигига боғлиқ (1.5-расм).


Пойдеворнинг якуний қўйилиш чуқурлиги  $d$ ,  $d_1$ ,  $d_2$ ,  $d_3$  ларнинг энг каттаси бўйича қабул қилинади.

Чуқур хандақдан юқоридаги пойдевор асоси сатҳига ўтиш  $n:L=1:2$  нисбатда бажарилади (1.6<sup>a</sup>- расм).


Тасмасимон пойдеворларда поғонанинг баландлиги  $0,5 \div 0,6$  м қабул қилинади (1.6<sup>b</sup> - расм).



1.4-расм. Пойдеворнинг қўйилиш чукурлигини аниқлаш.



1.5- расм. Ишшоотнинг нисбий чўкиши ёки кўтарилиши.



1.6-расм. Ҳар хил чуқурлиқдаги пойдеворларнинг ўтиш жойи: а) алоҳида турувчи пойдеворларда; б) девор остидаги тасмасимон пойдеворларда.


### 1.5. Пойдевор турлари

Бинокорликда ишлатиладиган пойдеворлар қуидаги турларга бўлинади: табиий заминда саёз жойлашган пойдеворлар; қозиқли пойдеворлар; чуқур жойлаштириладиган пойдеворлар (ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар, йиғма темирбетон қобиқлар ва кессонлар); машина ва ускуналар пойдеворлари.

Пойдеворларнинг асосий турларига қуидагилар киради:

#### а) Яхлит ҳолдаги оғир пойдеворлар.

Бундай пойдеворлар жуда оғир бўлган иншоотлар остида қўлланилади. (кўприк устунлари, бетондан ишланган сув омборлари, тутун мўрилари ва х.). Улар асосан бетон ва темирбетондан тайёрланади.



1.7- расм. Устин остига қўйиладиган йиғма пойдевор.  
а – фасад; б – ён томондаги кўриниши; 1 – блокли пойдевор; 2 – йиғма пойдевор.

#### б) Алоҳида турувчи пойдеворлар.

Бундай пойдеворларнинг олдингидан фарқи ҳажми  $50 \text{ m}^3$  гача боради. Улар асосан бетондан, темирбетондан ва йирик тошли бетондан ҳосил қилинади. Алоҳида пойдеворларни кўп юк кўтариш


қобилиятига эга бўлган заминларда ёки пойдеворга унча оғир бўлмаган юк таъсир этганда қўллаш мақсадга мувоффиқдир. Бундай пойдеворлар кўпинча поғона шаклида лойиҳалаштирилади.

**в) Яхлит ҳолатдаги юпқа пойдеворлар.**

Бундай пойдеворлар ўзига хос хусусиятларидан бири, жуда катта майдон юзасини эгаллаб ва ниҳоятда кичик баландликка эга бўлишидир. Бундай пойдеворлар асосан темирбетондан тайёрланади ва бўш грунтларда, юқори миқдорда юк узатувчи иншоотлар қурилишларида ишлатилади.

**г) Тасмасимон пойдеворлар.**

Бундай пойдеворларнинг асосий хусусиятлари кўндаланг кесими кичик бўлиб ва бир томонга узлуксиз давом этишидир. Тасмасимон шаклдаги пойдеворлар йирик тошлардан, йирик тошли бетондан, бетондан ва темир-бетондан ясалиши мумкин. Кўндаланг кесими поғона (зина) ва трапеция шаклида лойиҳаланади.




1.8 -расм. Тасмасимон йиғма пойдевор.

а – яssi; б-ораси очик; 1 – девор; 2 – гидроизоляция; 3 – ертўла девори блоклари; 4 – пойдеворнинг остки қисми.

**д) Ўзаро кесишган (чорраҳа) пойдеворлар.**

Бундай пойдеворлар асосан тасмасимон пойдеворларнинг ўзаро кесишувидан ҳосил бўлади. Асосан темирбетондан қилинади ва юк кўта-риш қобилияти кам грунтларда қўлланилади. Кичик ўлчовли биноларда қўллаш ҳам бундай пойдеворларга хос хусусиятлардан биридир. Нотекис деформацияга сезгир бўлган, ҳамда мураккаб мұхандислик-геологик шароитларда қўлланилади.



1.9-расм. Тасма шаклидаги ўзаро кесишган пойdevорлар.

**с) Ром шаклидаги пойdevорлар.**

Бундай пойdevорлар асосан сув инишоти қурилишида ишлатилади. Тик устун ҳамда ётиқ ҳолдаги түсинлардан фойдаланилади. Түсин темир-бетондан, устун бетондан қилинади. Юқорида қайд этилган пойdevорлардан ташқари қурилиш тажрибасыда ниҳоятда күп турли - туман шаклдаги ва қўринишдаги пойdevорлар мавжуд бўлиб, улар турли саноат корхоналари биноларидаги машиналар ва ускуналар, ҳамда бошқалар асосида ишлатилади.

Яхлит қўйма ва йиғма алоҳида турувчи пойdevорлар махsus темир-бетон заводларида тайёрланган қисмлардан йиғилади.

Пойdevорлар бикр ва эгилувчан бўлади. Пойdevор учун (ҳарсангтош) ҳарсангтошбетон (бутбетон), бетон, темирбетон, ғишт иложи бўлмаган ҳолларда ёғоч ва металлл ишлатилади.

## **II БОБ. ТАБИЙ ЗАМИНДА САЁЗ ЖОЙЛАШГАН ПОЙДЕВОРЛАР.**

### **2.1. Табиий заминда саёз жойлашган пойдеворларни лойихалашнинг умумий қоидалари**

Бундай пойдеворлар олдиндан тузилган ҳандақларга ўрнатилади. Табиий заминда саёз жойлашган пойдевор чукурлиги одатда 1-5 метргача бўлади.

2.1-расмда табиий заминда саёз жойлашган пойдевор чизмаси тасвирланган бўлиб, унинг асосий қисмлари қуидагилардан иборат: пойдеворни иншоотдан ажратиб турувчи сатҳ пойдевор устки поғонаси (а-а), уни заминдан ажратиб турувчи сатҳ эса пойдевор таг юзаси (б-б), пойдеворнинг ён юзлари (а-б), унинг қирралари деб аталади. Ер сатҳидан пойдевор таг сатҳигача масофа пойдевор чукурлиги ( $d_f$ ) дейилади. Пойдевор усти поғонасидан (а-а) билан таг юзаси (б-б) оралиғи баландлиги (h) дейилади.

Пойдевордан узатилувчи босимни қабул қилувчи грунт қатлами **замин** деб аталади. Заминлар икки турга бўлинади: табиий ва сунъий. Табиий заминда грунт қандай ҳолатда бўлса, ҳеч қандай ўзгартирилмай фойдаланилади, сунъий заминда эса иншоот барпо этилгунга қадар грунт усуллар ёрдамида зичланади ёки сунъий қотирилади. Бинолар учун замин, баъзи иншоотлар учун эса ашё сифатида фойдаланиладиган тоғ жинси **грунт** деб аталади.

**Конструктив кўрсатмалар.** Қандай грунтга қўйилишидан қатъий назар (қоя тошлардан ташқари) пойдевор остига:

- агар яхлит бетон пойдевор бўлса қалинлиги 100 мм В 3,5 синфли бетондан тўшама;
- агар йиғма пойдевор бўлса, ўртacha йириклидаги қумдан 100 мм тўшама қилинади.

Агар қоя тошларга пойдевор бунёд этиладиган бўлса, замин устига В 3,5 синфли бетондан текисловчи қатlam қилинади. Пойдевор устки поғонаси сатҳи тўшама (пол) сатҳидан 150 мм паст қабул қилинади. Марказий юклangan пойдеворлар режада квадрат шаклда, номарказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворларда эса тўғри тўртбурчак қабул қилинади (тўғри тўртбурчак томонлари 0,6...0,85).

Ишчи арматуранинг энг кичик ҳимоя қатлами: йиғма пойдеворлар ва яхлит (подколонник) устун қўйгич – 30 мм, яхлит пойдеворлар учун – 35 мм. Яхлит пойдеворларни поғона шаклида лойихалаш тавсия этилади (2.2-расм, 2.1-жадвал). Пойдевор баланлиги ва режадаги ўлчамлар 300 мм га карраги бўлинадиган

қабул қилинади. Яхлит пойдеворлар учун синфи В 12,5 дан, йиғма пойдеворлар учун эса синфи В 15 дан катта бўлган бетон ишлатилади.

## 2.1-жадвал

### Пойдевор поғонаси баландлиги

Пойдевор плита қисмининг баландлиги, $H$ , мм	Поғона баландлиги, мм		
	$h_1$	$h_2$	$H_3$
300	300	-	-
450	450	-	-
600	300	300	-
750	300	450	-
900	300	300	300
1050	300	300	450
1200	300	450	450
1500	450	450	600

### 2.2. Марказий юк таъсиридаги бикр пойдеворлар таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш

Пойдевор ҳисоби асосини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш ташкил этади. Заминаларни деформация бўйича ҳисоблаш чизиқли деформацияланувчи муҳит назариясига асосан амалга оширилади. Пойдевор остида босимнинг тарқалиши шартли равишда текис тарқалган деб фараз қилинади. Бундай босимни замин грунтининг ҳисобий қаршилиги дейилади. Замин грунтининг ҳисобий қаршилиги  $R$  пойдевор кенглиги ва қўйилиш чуқурлигига боғлиқ бўлганлиги учун ҳар бир пойдевор учун алоҳида аниқланади:

$$P \leq R \quad (2.1)$$

Бунда:

$P$  - пойдевор остидаги ўртача босим, кПа;

$$P = (N_{0''} + N_{\phi''} + N_{rp''}) / (b \cdot \ell) \quad (2.2)$$

Бунда:


$N_{0''}$  – пойдевор устки поғонасига таъсир этадиган ташқи юк (2.3-расм), кН;

$N_{\phi''}$  – пойдевор хусусий оғирлигига ҳосил бўлган юқ, кН;

$N_{rp''}$  – пойдевор поғоналари устидаги грунтдан ҳосил бўлган юқ, кН;


$b$  – пойдевор кенглиги, м;

$\ell$  –  $N_{0''}$  юк таъсир этаётган пойдевор узунлиги, м;



2.1 - расм. Саёз жойлашган пойдеворлар:

а – устун ости алоҳида турадиган; б – девор остида алоҳида турадиган; в-узоқ - узоқ тасмасимон; г....ж – тасмасимон пойдеворларнинг кўндаланг кесимлари; г- бут тошдан қилинган; д-яхлит бетон; е-йиғма блоклар; ж-йиғма девор панелидан қилинган; з, и – устун ости пойдевор кўндаланг кесимлари; к- ўзаро кесишган тасмасимон пойдеворлар; л....н – ясси пойдеворлар; л, м – ясси тўшама; н – кутисимон; о - домна печи остидаги яхлит ҳолдаги оғир пойдевор; 1– отмостка; 2 – гидроизоляция; 3 – йиғма темир бетон девор блоклари; 4 – арматураланган бикир белбоғ; 5 –тасмасимон пойдеворнинг остки қисми; 6- қовурғали девор панели; 7-устун остидаги пойдевор; 8,10-устун; 9-йиғма рандбалка; 11- йиғма тасмасимон остки қисми; 12 – темирбетон тўшама; 13,17 – пойдевор остидаги бетон тўшама; 14 – иссиқликка чидамли бетон; 15 – иссиқликка чидамли ғишт; 16 – темирбетон.



2.2-расм. Яхлит пойдеворлар:

а – алохіда устун жойлаштирилдиган қисмли;

б – түшама қисмлардан;

1 – түшама қисмли;

2 – устун ўрнатгич;

3 – стакан;

4 – устун;

Бино пойдеворини ҳисоблашда қуидагиларни ёзиш мүмкін:

$$N_{\Phi''} + N_{\text{гр}''} = b \cdot \ell \cdot d \cdot \gamma_{\text{пг}} \text{ ўрт.} \quad (2.3)$$

Бунда:

$\gamma_{\text{пг}} \text{ ўрт.}$  – ABCD ҳажмидаги грунтнинг ва пойдевор материалининг ўртача солишиштирма оғирлиги,  $\text{kH/m}^3$ ;

Унда ( 2.2 ) ифода қуидаги бўлади:

$$P = \frac{N_{0_n}}{b \cdot \ell} + \gamma_{n_{\text{з}} ypm} \cdot d_f \quad (2.4)$$

R – замин грунтнинг ҳисобий қаршилиги, КМК 2.02.01 – 98. (2.5) ифодадан аниқланади.

$$R = \frac{\gamma_{c1} \cdot \gamma_{c2}}{k} [M_{\gamma} \cdot k_z \cdot b \cdot \gamma_H + M_q \cdot d_I \cdot \gamma'_H + (M_q - 1) \cdot d_b \cdot \gamma'_H + M_c \cdot C_H], \quad (2.5)$$

Бунда:

$\gamma_{c1}$  ва  $\gamma_{c2}$  – З-жадвалдан қабул қилинадиган иш шароитлари коэффициентлари;

$k$  – агар грунтнинг мустаҳкамлик кўсаткичлари ( $\phi$  ва  $C$ ) бевосита синашларда аниқланган бўлса,  $k = 1$ ; агар улар тавсия қилинган биринчи илованинг 1-3 жадвал бўйича қабул қилинган бўлса,  $k = 1.1$  деб қабул қилинадиган коэффициент;

$M_\gamma, M_q, M_c$  З-жадвал бўйича қабул қилинадиган коэффициент;

$k_z$  – ушбуларга тенг деб қабул қилинадиган коэффициент  $b < 10$  м да  $K_z = 1$ ,  $b \geq 10$  м да

$$K_z = Z_0 | b + 0.2 | \text{ (бу ерда } Z_0 = 8 \text{ м);}$$

$\gamma_{II}$  – пойдевор товонидан пастда жойлашган грунтларнинг солиширма оғирлигининг ўртача ҳисобий қиймати (ер ости сувлари мавжуд бўлганда сувнинг муаллақ тутиб турувчи таъсирини ҳисобга олиб аниқланади),  $\text{kN/m}^3$  ( $\text{tk/m}^3$ );

$\gamma'_n$  – шунинг ўзи, лекин пойдевор таг сатҳидан юқорида ётган грунтлар учун;

$C_{II}$  – бевосита пойдевор остида ётган грунтнинг солиширма боғланиш кучининг ҳисобий қиймати,  $\text{kPa}$ , ( $\text{tk/m}^3$ );

$d_I$  – ертўласиз иншоотлар пойдеворининг текисланган майдон сатҳидан ўлчанадиган жойлаштириш чуқурлиги ёки ички ва ташқи пойдеворларнинг ертўла тагидан ўлчанадиган келтирилган жойлаштириш чуқурлиги; у қуйидаги формуладан аниқланади:

$$d_I = h_a + h_{cf} \cdot \gamma_{cf} \cdot \gamma_{II} \quad (2.6)$$

$h_a$  – ертўла томондан пойдевор томонидан юқоридаги грунт қатламиининг қалинлиги, м;

$h_{cf}$  – ертўла поли конструкциясининг қалинлиги, м;

$\gamma_{cf}$  – ертўла поли конструкциясининг солиширма оғирлиги ҳисобий қиймати,  $\text{kN/m}^3$  ( $\text{tk/m}^3$ );

$d_b$  – ертўла чуқурлиги – текисланган майдон сатҳидан ертўла полигача бўлган масофа, м; (эни  $B \leq 20$  м ва чуқурлиги 2 м дан ортиқ бўлган ертўлали иншоотлар учун  $d_b = 2$  м ертўланинг эни  $B > 20$  м бўлганда  $d_b = 0$ )

### **Марказий юкланган пойдеворлар ҳисоби**

Марказий юкланган пойдевор деб ташқи юкларнинг тенг таъсир этувчиси унинг таг сатҳи оғирлик марказидан ўтадиган пойдеворларга айтилади.

Марказий юкланган пойдеворларни лойихалашда қуидаги комплекс текширишларни бажарилиши талаб қилинади:

$$P \leq R; \quad S \leq S_u; \quad S_{abc} \leq S_{u, abc}; \quad \Delta S \leq \Delta S_{pr}$$

бунда  $P$  – пойдеворнинг хусусий оғирлигидан, ҳамда пойдевор токчасидаги грунт ва ташқи юклардан пойдевор остида ҳосил бўлган ўртача босим;

$R$  – замин грунтининг ҳисобий қаршилиги ҚМК 2.02.01-98 (7) формуладан аниқланади;

$S$  – заминнинг чўкиши;

$S_u$  – зами деформациясининг чегаравий қиймати;

$S_{abc}$  – пойдеворнинг абсолют чўкиши;

$S_{u, abc}$  – пойдеворнинг абсолют чўкишининг чегаравий қиймати;

$\Delta S$  – пойдеворнинг нотекис чўкиши;

$\Delta S_u$  – ҚМК да белгиланган нотекис чўкишининг чегаравий қиймати.

Пойдеворнинг чўкишини ҳисоблаш учун унинг таг юзаси ўлчамларини билиш талаб этилади.

$$N_H + G = Q, \quad (2.7) \quad \text{бунда} \quad G = A \cdot d \cdot \gamma_{ypr}, \quad (2.8); \quad Q = R_0 \cdot A, \quad (2.9)$$

2.7 ифодага 2.8 ва 2.9 ифодаларни қўйиб ҳисоблаймиз

$$N_H + A \cdot d \cdot \gamma_{ypr} = R_0 \cdot A, \quad (2.10)$$

Бунда:

$R_0$  – пойдевор асосининг майдонига акс таъсир кўрсатувчи грунт босимининг қиймати;

$G$  – пойдевор ва унга устки юк томонларидан тушаётган грунтининг оғирлиги;

$Q$  – грунтининг юк кўтариш қобилияти.

$$A = \frac{N_H}{R_0 - d_f \cdot \gamma_{ypr}}, \quad (2.11)$$

Агар пойдевор асосининг юзаси квадрат шаклида бўлса,  $A = b = \sqrt{A}$ ;


м, агар тўртбурчак шаклида бўлса  $b = \frac{A}{\ell}$ ; қабул қилинган пойдевор узунлиги бўлади.

Пойдевор таг сатҳи ўлчамлари, грунтининг ҳисобий қаршилигини ҚМК 2.02.01-98 (7) ифода орқали қайта ҳисоблаганидан сўнг қайта аниқланади ва ушбу шарт  $P \leq R$  текширилади. Бу усул кетма-кет яқинлашиш усули дейилади. Пойдеворнинг қабул қилинган охирги

ўлчамлари пойдеворни иккинчи чегаравий холат бўйича ҳисоблагандан кейин аниқланади.

### 2.3. Номарказий юк таъсиридаги бикр пойдеворларнинг таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш

Номарказий юкланган пойдеворларда, юқоридан тушаётган юкнинг teng таъсир этувчиси қўйилган нуқта пойдевор асосининг оғирликлари маркази билан тўғри келмайди. У ҳолда пойдевор асоси ўлчамлари номарказий юкланган деб аниқланади.



2.3-расм. Номарказий юкланган пойдевор четларидағи босим эпюраси ва пойдевор асоси чизмаси

Бундай пойдеворлар ҳисоби кетма-кет яқинлашиш усулида амалга оширилади. Грунтнинг шартли ҳисобий қаршилиги ва пойдевор юзининг бошланғич ўлчамлари худди марказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворлар каби аниқланади. Эксплуатацион юкнинг миқдорига қараб, олинган асос юзининг ўлчамлари 10-20% орттирилади. Кетма-кет яқинлашиш усулига асосан қуйидаги шартларнинг бажарилиши текширилади:

Пойдевор остидаги ўртача босимга қуйидаги ифода ёрдамида эришиллади:

$$P \leq R \quad (2.12)$$

Пойдевор мувозанат бўлиши учун пойдевор носимметрик қилиб жойлаштирилади. Одатда пойдеворни қуидаги масофага силжитилади.

$$C_\ell = 0,5 (\ell_{\max}'' + \ell_{\min}'') \quad (2.13)$$

бунда  $\ell_{\max}''$  ва  $\ell_{\min}''$  – эксцентриситетнинг максимал ва минимал қийматлари.

Катта эксцентриситет таъсир этган ҳолларда пойдевор асосини узайтирилган шаклда қилиш мақсадга мувофиқдир, одатда  $\ell/b$  нисбати 3:1 дан катта бўлмаслиги керак. Қайта ҳисоблаш ишларини камайтириш мақсадида  $R_1$  ва  $P_{\max}''$  биринча марта топилганидан кейин пойдевор таг юзаси қуидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$A_{\phi_2} = \frac{N_{II}}{A_\phi} \cdot \frac{P_{\max}''}{1,2R_1} \quad (2.14)$$

$A_{\phi_2}$  бўйича пойдевор ўлчамлари  $b$  ва  $\ell$  ни аниқлаб  $R$  қуидаги формула (7) орқали қайта ҳисобланади [9].

Пойдевор (2.12), (2.13), (2.14) шартлар қаноатлантирилганидан сўнг пойдевор деформацияга, буралишга ва юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисобланади.

Максимал чегаравий босимларга қуидаги ифодалар ёрдамида текширилади:

$$P_{\max}'' \leq 1,2 R \quad (2.15)$$

Пойдевор қирраси остидаги максимал босимга

$$P_{\max}'' \leq 1,5 R \quad (2.16)$$

Пойдевор таг сатҳининг грунтдан ажралишига рухсат этилмайди ва қуидаги шартга амал қилган ҳолда эришилади:

$$P_{\min}'' \geq 0 \quad (2.17)$$

У ҳолда пойдевор асоси бўйича кучланишнинг тарқалиши қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$P_{\max''_{\min''}} = \frac{N_{II}}{A_\phi} \pm \frac{M_{x''}}{I_x} \pm \frac{M_{y''}}{I_y} \quad (2.18)$$

Бунда:

$P_{\max''}, \min''$  – пойдевор асосининг қарама-қарши ён томонидаги кучланишлар;

$N''$  – пойдевор таг сатҳига қўйилган вертикал ҳисобий юк, кН;

$A_\phi$  – пойдевор асоси юзаси,  $m^2$ ;

$M_x^H$  ва  $M_y^H$  – хисобий юқдан пойдевор бош инерция ўқларга нисбатан моментлар, кНм;

$I_x$  ва  $I_y$  – пойдевор асосининг  $x$  ва у ўқлариға нисбатан инерция моментлари;

$N^H$  қуидагича аниқланади:

$$N^H = N_o^H + N_{\phi}^H + N_{gp}^H \quad (2.19)$$

Бунда:

$N_o^H$  – II чегаравий ҳолат бўйича пойдевор устига қўйилган юк, кН;

$N_{gp}^H$  – пойдевор токчаларидаги грунтнинг хисобий оғирлиги, кН;

$$P_{max^H, min^H} = \frac{N_H}{A_\phi} \cdot \left( 1 \pm \frac{6e_x}{\ell} \pm \frac{6e_y}{b} \right), \quad (2.20)$$

Эксцентриситетлар қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:


$$e_x = \frac{M_{x^H}}{N_H} ; \quad e_y = \frac{M_{y^H}}{N_H}$$

Агар момент битта бош инерция ўқига таъсир этса, (2.18) формула қуидагича ёзилади:

$$P_{max^H / min^H} = \frac{N_H}{A_\phi} \cdot \left( 1 \pm \frac{6e}{b} \right) \quad (2.21)$$


Бунда:

$$e = \frac{M_H}{N_H} \quad b – \text{момент таъсири бўйича пойдевор узунлиги};$$



2.4 - расм. Номарказий юкланган пойдеворлар таг сатҳи остидаги босим чизмалари

2.5 – расм. Носимметрик пойдевор схемаси



2.6 - расм. Иккита асосий ўққа нисбатан номарказий юкландган пойдевор схемаси

#### **2.4. Эгилишга ишлайдиган пойдеворларни лойихалаш асослари**

Бикр пойдеворлардан ташқари, эгилувчан пойдеворлар ҳам кенг қўлланилади.

Пойдевор баландлиги унинг узунлигига нисбати 1/3 дан катта бўлса мутлоқ бикр, кичик бўлса эгилувчан деб ҳисобланади. Бундай пойдеворларга тасмасимон темирбетон яхлит тўшама ва бошқалар киради.

Ҳозирги замонда эгилувчан пойдеворлар асосан иккита усулда ҳисобланади:

1) бино ва иншоотларнинг фақат пойдевори остидан деформациясини ҳисобга оладиган, маҳаллий эластик деформация усули;

2) фақат юкландган майдон эмас балки, унинг ташқарисидаги чўкишларини ҳам ҳисобга оладиган умумий эластик деформация усули.

Биринчи усул ўта чўкувчан сиқилувчан, қатlam қалинлиги унча катта бўлмаган грунтларга пойдеворлар барпо этишда, иккинчиси эса, майдоннинг ўлчамлари унча катта бўлмаган ва мустаҳкам грунтларга пойдеворлар барпо этишда қўлланилади.

Агар пойдевор ўлчамлари жуда катта ва чўкмайдиган жинслар ер сатҳига яқин жойлашган бўлса, чегаравий эластик қатlam назарияси яхши натижалар беради ( $H=4\ell$ , бунда  $H$  – қатlam қалинлиги,  $\ell$  – тасмасимон пойдевор узунлигининг ярми.)

Винклер (1867 й.) таклиф этган «Маҳаллий эластик деформация» назарияси босим билан маҳаллий деформациянинг ( $Z$ ) тўғри пропорционаллигига асосланган:

$$P_y = C_z Z \quad (2.22)$$

Бунда:

$P_y$  - реактив босим;

$C_z$  - заминнинг эластик сиқилиш коэффициенти;

$Z$  – пойдевор чўкиши.

### **Умумий деформация усули**

Бу усул замин грунти ва пойдеворнинг биргаликда ишлашини аниқлашда эластиклик назарияси ечимларига асосланган. Грунт эластик жисм деб қаралади.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, пойдевор остидаги реактив босим аниқланади. Грунт чизиқли деформацияланувчи деб қаралгани учун эластиклик назариясининг мос келган тенгламасини қўллаш мумкин.

Замин грунтини чўкувчанлигини «чўкувчанлик модули» характер-лайди. Замин реакциясини ҳар - хил усуллар билан аниқлаш мумкин.

### **И. А. Симвулиди усули**

Пойдевор таг сатҳи остидаги пассив босим момент ва кесувчи кучлар оддий тенгламалар орқали баён этилган юклар балканинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишида тенгламанинг мос қисмлари қўшилади ёки ажралади.

Ҳисоблаш тартиби: грунтнинг хусусиятлари аниқланади; пойдевор ўлчамлари белгиланади; тенгламанинг параметрлари ва қўшимча аъзоларини, ҳамда пойдевор таг сатҳи остидаги пассив босим, момент ва кесувчи куч; пойдевор конструктив ҳисоби амалга оширилади.

И.А.Симвулиди томонидан кўпчилик юклангандик ҳолатлари учун жадваллар тузилган.

### **Б. Н. Жемочкин ва А. П. Синицин усуллари**

Пойдевор узунлиги бўйича қисмларга бўлинади, қисмлар қанча кўп бўлса, натижа шунча аниқ бўлади. Реактив босимнинг эгри чизиқли эпюраси ҳар бир қисм учун тўғри чизик билан алмаштирилади. Кейин ҳар бир қисмдаги кучланиш эпюраси ҳажмига

тeng бўлган реактив босим teng таъсир этувчи билан алмаштирилади. Тенг таъсир этувчи тўсин стержини таянчи кучланиши деб қабул қилинади. Бунда стерженлар кесилиб,  $x_1, x_2 \dots$  кучлари билан алмаштирилади. Каноник tengлама тузилади. Тенгламани ечиб, стерженлардаги зўриқишлиар кейин пойдевор остидаги реактив босим ва пойдевор кесимларидаги кучланишлар аниқланади.

Саёз пойдеворлар тайёрланадиган материалининг ишлашига боғлиқ равишда бикр ва эгилувчан турларга бўлинади. Бикр пойдевор деганда уларнинг материаллари фақат сиқилишга ишлайдилари тушунилади.

Эгилувчан пойдеворларда эса уларнинг материаллари нафақат сиқилишга, балки эгилешга ҳам ишлайди.

Эгилувчан пойдеворлар таг сатҳи ўлчамлари бикр пойдеворлар учун берилган ифодалар ёрдамида аниқланади. Бундан ташқари бу пойдеворларда баландлиги  $h$ , остики поғонасининг баландлиги  $h_n$  ҳамда, темир ўзак кесимининг ўлчамлари аниқланади:

$$h = \frac{N}{4 \cdot d \cdot R} \quad (2.23)$$

Бунда:

$d$  - устуннинг диаметри;

$R$  - ҳисобий қаршилик.

Пойдеворнинг бикрлиги қуйидаги шартдан аниқланади:  $b \leq B_2$

$$B_2 = b + 2h \cdot \operatorname{tg} \alpha \quad (2.24)$$

Бунда:

$B_2$  – пойдеворнинг чегаравий эни;

$b$  – пойдевор эни;

$h$  – пойдеворнинг баландлиги;

$\alpha$  – пойдеворнинг босим тарқалиш чизиги.

$\alpha$  нинг ашёларнинг ташкил топганлигига қараб қуйидагича бўлиши мумкин.

Масалан, йирик тошли пойдеворлар - 0,67, бетон пойдеворлари - 0,75, темир бетон пойдеворлар – 1

Агар пойдевор таг юзаси тасмасимон бўлмай тўртбурчак шаклида бўлса, у холда унинг кичик эни  $b$  қуйидагича аниқланади:

$$b = \sqrt{\frac{N}{(R_0 - \gamma_{nэyл} \cdot d_{fn}) \cdot x}} , \quad (2.25)$$

Бунда:

$x = \frac{a}{b}$  тенг түртбүрчак шаклидаги  $b_{\text{пр}} > b$  пойдеворга хос.

### Остки погона баландлигини аниқлаши

Шаклда бүйлган трапеция сиқилишга ишлайди. Пойдевор остки погонаси баландлиги мазкур қурилма учун энг хавфли бүлган I-I кесим бүйича аниқланади. Чунки бу кесим энг юқори зўриқиши чегарасидан ўтади.

$$h_n = \frac{P_{ep} [B - b - 2(h - a)]}{1,8 R_{ck}}$$

Бунда:

$$P_{ep} = P_{ypr} - P_x \quad (2.26)$$

Темир ўзак кесимининг ўлчови II-II кесмаси бүйича аниқланади, чунки бу кесмада энг кучли таъсир эгувчи момент ҳосил бўлади:

$$A_s = \frac{M_{II-II}}{0,9 \cdot h_0 \cdot R_s} \quad (2.27)$$

Бунда:

$h_0$  - пойдевор баландлиги (ишчи);

$R_s$  – темир ўзакнинг ҳисобий қаршилиги.

### **2.5. Ертўла пойдеворини ҳисоблаш**

Ертўла девори пойдеворининг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, бунда грунтнинг пойдевор четки қисмига нисбатан босими турлича бўлиб, ертўла девори эса ётиқ босим таъсири остида бўлади.

Бундай ҳолларда ертўла устидаги томнинг унинг девори билан бикр боғланганлиги ва бу томнинг ерга нисбатан жойлашишига қараб ҳисоблаш мумкин (2.4-расм). Расмда ертўла томи унинг деворига қаттиқ ўрнашган бўлиб, у ер юзасига яқин жойлашган. Бундай ҳолатда грунтнинг ётиқ босими ертўла томи ва унинг остки қисмининг акс таъсири натижасида мувозанатда бўлади. Бу вақтда грунтнинг пойдеворга нисбатан ётиқ босими ҳисобга олинмайди, балки унинг ертўла деворига нисбатан босимиғина аниқланади. Бу аниқлаш икки четидан тиргович деворга ўрнатилган тўсин шаклида материаллар қаршилиги қонунга асосан олиб борилади:

$P_1$  – бинонинг юқори қаватларидан тушаётган юк, (кН/м);

$G_d$  – ертўла девори оғирлиги, кН;

$G_p$  – пойдевор оғирлиги, кН;

Бундан ташқари девор остидаги замин ва пойдеворга номарказий юк ҳам таъсир этади:

$P_2 - e_2$  эксцентриситет билан таъсир этадиган, ертўла ёпмаси оғирлиги;

$G_{tp} - e_1$  эксцентриситет билан таъсир этадиган грунт босими;

$G_z$  – грунтнинг тўшама коэффициенти;

Тик тенг таъсир этувчи юк  $R = P_1 + P_2 + G_o + G_n + G_{ep}$ .

Девор пойдеворга бикр маҳкамланган ҳолдаги момент қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$M_0 = -\left(\frac{q_1 \cdot \ell^2}{8} + \frac{q_2 \cdot \ell^2}{15}\right) + 0,5 \cdot P_2 \cdot \ell_2, \quad (2.28)$$

Бунда:

$q_1$  – ертўла деворининг бирлик узунлигига таъсир этувчи текис тарқалган юк;

$q_2$  – ертўла деворига учбуручак юкнинг максимал ординатаси;

$\ell$  – оралиқ ёпма остидан пойдевор остигача бўлган масофа.

Пойдевор оғирлик марказига нисбатан момент

$$M = M_0 + G_{ep} + e_1, \quad (2.29)$$

Бунда:

$M_0$  - эластик маҳкамланган ҳолдаги эгувчи момент;

$G_{tp}$  -  $e_1$  эксцентриситет орқали таъсир этадиган грунт босими;

Ертўла томи бутунлай бўлмайдиган ёки бўлганда ҳам у ертўла деворига эркин ҳолда ўрнатилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ер юзасига яқин жойда томнинг ҳеч қандай таъсири бўлмайди ва натижада ертўла девори тиргович деворнинг пойдевори сифатида ҳисобланади.

### **III БОБ. ҚОЗИҚЛИ ПОЙДЕВОРЛАР.**

#### **3.1. Қозиқли пойдеворлар турлари**

Қозиқ деб грунтга ўрнатилган ёки грунтга қоқилған, грунтда тайёр ясалған ва иншоотдан тушаётгандың заминга узатадиган пойдеворнинг устунсимон қисмiga айтилади.

Қозиқли пойдеворлар ишлатиладиган материаллар бўйича ёғоч қозиқлар, бетондан ишланған қозиқлар, аралаш қозиқлар, темирбетон қозиқлар, металл қозиқларга бўлинади.

#### **Бетон қозиқлар**

Асосан қуйма қозиқлар тоифасига киради, яъни қурилиш майдонида тайёрланади.

Тайёрлаш жараёнида мос равишда бетон қозиқлар қуидагича бўлинади.

а) Грунт ичида қолувчи юпқа қобиқлар ёрдамида тайёрланувчи қозиқлар. Бунда қалинлиги 3-4 мм ли қобиқлар маҳсус ускуналар ёрдамида лойихада кўрсатилган чуқурликка тусирилади, сўнгра уларнинг ичи бетон билан тўлдирилиб қозиқ ҳосил қилинади.

б) қалин деворли қобиқлар ёрдамида ҳосил бўлувчи қозиқлар. Бунда юпқа қобиқ ўрнида қалинлиги 10-20 мм ли қобиқлар ишлатилиб бетонлаш жараёнида аста-секин суғуриб олинади.

#### **Металл қозиқлар**

Металл пўлатдан қилинган қозиқлар қувур шаклида жуда кўп ишлатилади. Айрим ҳолларда қўштавр ва мураккаб шаклдаги қозиқлар қўлланилади. Тошкент метроси қурилишида ҳам қўлланилган.


#### **Ёғоч қозиқлар**

Ёғоч қозиқларнинг афзалликлари – уларнинг катта бўлмаган оғирлиги, юқори мустаҳкамлиги ва тайёрланишининг соддалиги ҳисобланади. Ёғоч қозиқларни грунтга қоқиши ёки тебратиб ботказиши услубида жойлаш мумкин. Ёғоч қозиқлар йирик заррали ва шағалли қумларга қийин қоқилади, шағал ва майда шағалларга эса деярли қоқилмайди.

Ёғоч қозиқларнинг камчилиги намлиги ўзгарувчан худудда сув сатхидан юқори жойлашган қозиқлар чириб кетиши мумкинлигидадир. Буни олдини олиш учун доимий иншоотлардаги қозиқлар боши ҳар доим энг пастки сувлар сатхидан камида 0,5м пастроқ жойлашиши шарт. Ёғоч қозиқларнинг яна бир камчилиги тўсинлардан тайёрланганда уларнинг ўлчамлари чегараланганлигидадир ва шундан келиб чиқсан юк кўтариш қобилиятининг пастлигидадир. Одатда пойдевордаги қозиқлар сони қўпроқ бўлади.

Қозиқлар тайёрлаш учун диаметри 18...40см гача, узунлиги 4,5...16м гача бўлган игнабаргли дараҳт турларидан фойдаланади (қарағай, арча, қора қарағай). Грунтга жойлаштиришни енгиллашиш учун қозиқнинг пастки қисмига найза шаклида ишлов берилади (10.14, а-расм). Грунт таркибида шағал, майдо тош ва бошқа қаттиқ жисмлар бўлган бўлса, қозик учига металл қоплама (башмак) кийдирилади (10.14, б-расм). Қозик устки қисмига, қоқиш вақтида шикастланиш олдини олиш учун, металл қалпоқдан фойдаланилади (10.14, в-расм).

Ёғоч қозик ўлчамларини катталаш учун пакетли ва елимланган қозиқлар ишлатилди (7.14, г-е расм).




3.1.-расм. Ёғоч қозиқлар конструкциялари.

Пакетли қозиқлар тўсинларининг туташиш жойлари олди-қочди жойланади ва металли накладкалар билан тусилади. Тўсинлар бир бирига металл болтлар орқали маҳкамланади. Пакетли қозиқларнинг камчилиги улаш учун қўп металл сарфланиши ва тайёрлаш жараёнининг қийинлигидадир.

1. Грунтда ишлаш шароитига мос равиша қозиқлар – осма қозиқлар ва устун қозиқларга бўлинади.

Осма қозиқлар ўткир учлари одатда мустаҳкам грунтга етиб бормайди. Бундай пойдеворларга хос хусусиятлардан энг муҳими – улар орасидаги грунтларнинг пойдевор иш жараёнида қатнашишидир. Бундай пойдеворларда иншоотдан узатилган юк уларнинг бутун танаси бўйлаб грунтга тарқатилади.



3.2 – расм. Пойдеворларда қозиқларнинг жойланиш схемалари;


- а- қаторли;
- б- шахмат шаклида;
- в- қозиқли майдонда қаторли;
- г- қозиқли майдонда шахматсимон;
- д- қаторли қозиқли полоса;
- е – шахматсимон қозиқли полоса.

Устун пойдеворларда эса уларнинг ўткир учлари (б-расм) мустаҳкам грунтга маълум миқдорда кириб бориши шарт. Бундай пойдеворларнинг ишлаш жараёни одатдаги устундан фарқланмайди.


Бир неча қозиқларнинг юқори қисмини бирлаштирувчи ва уларнинг бир хил чўкишини таъминловчи қурилма *ростверк* дейилади.

2. Ростверк турига қараб баланд жойлашган ростверкли пойдеворлар ва паст жойлашган ростверкли қозиқли пойдеворларга бўлинади.

Баланд ростверкли пойдеворлар сув ҳавзаларида жойлашган иншоотлар, кўприк ва бошқа қурилишларда ишлатилади.



3.3 -расм



3.4-расм

Паст ростверкли пойдеворлар оддий шароитларда ишлатилади.

3. Ўқлар йўналиши бўйича қозиқли пойдеворлар тик йўналган ўқли пойдеворлар ва бурчак остида йўналган пойдеворларга бўлинади.

Тик йўналган ўқли пойдеворлар оддий шароитларда ишлатилади. Бурчак остида йўналган пойдеворлар эса аркасимон, гумбазсимон иншоотларда, тиргович деворлар ва ҳакозоларда ишлатилади.

### **3.2. Қозиқли пойдеворларни ўрнатиш**

Қозиқли пойдеворлар асосан грунтга қуидагида ўрнатилади:

1) қоқиб киритиладиган қозиқли пойдеворлар.  
2) сув ёрдамида титратиш йўли билан киритиладиган қозиқли пойдеворлар.

3) эзив (босиб) киритиш;

4) бураб киритиладиган қозиқли пойдеворлар.

1) қоқиб киритиш бу усул ёрдамида ўрнатишга мўлжалланган қозиқ маҳсус қурилмалар ёрдамида тик ҳолатга келтирилиб устидан гурзи ёрдамида қоқилади.

Бу усул қурилиш жараёнида кенг тарқалган бўлиб, унда энг яхши натижа гурзилар қозиқ тепасидан минутига 60 марта ярим метрлик масофада текис ҳаракат қилиши натижасида эришилади. Гурзилар оғирлиги қозиқлар ўлчовига мослаб танланади.

2) сув билан тўйинган қумларда қозиқлар титратиш йўли билан киритилади. Титратиш натижасида сувли қум оқувчан ҳолатга келиб, ишқаланиши камаяди ва қозиқ сувли қум ичига киритилади;

3) эзив (босиб) киритиш. Бу усул динамик таъсир мумкин бўлмаган жойларда кўлланилади.

4) бураб киритиш (пармалаш) усули ёрдамида қозиқ ўрнатиш. Бу усул ёрдамида оғир ҳамда узун қозиқлар қоқилади. Қозиқ устига «Кабестон» деб аталувчи турли тезликларда айлантирувчи мослама ўрнатилади, сўнгра, «Кабестон» ҳаракати натижасида қозиқ бураб киритилади ва лойиҳадаги сатҳга етгандан сўнг «Кабестон»нинг тескари ҳаракати натижасида парма аслаҳаси чиқариб олинади.

#### **Тайёрлаш усулларига қараб:**

1) грунтни ўймасдан босқонлар, титратма ботиргичлар, титрама босиб киргизгичлар ва босим киргизиш конструкциялари ёрдамида ботириладиган қоқма темирбетон, ёғоч ва пўлат қозиқлар, шунингдек грунтни ўймасдан ва қисман ўйиб бетон қоришмаси тўлдирмасдан титрама ботиргичлар билан ботириладиган темирбетон қозиқ-қобиқлар;

2) грунтни ўйиб, ҳамда бетон қоришмаси билан қисман ёки түлиқ түлдириб, титрама ботиргичлар билан ботириладиган темирбетон қозиқ-қобиқлар;

3) грунтни зичлаб киритиш натижасида ҳосил бўлган қудуқларга бетон қоришмаси түлдириш йўли билан грунтга ўрнатиладиган темирбетон қозиқлар;

4) бурғуланган қудуқларни бетон қоришмаси билан түлдириш ёки уларга темирбетон элементлар ўрнатиш йўли билан ҳосил қилинадиган бурғулама темирбетон қозиқлар;

**Пармасимон қозиқлар.** Пармасимон қозиқлар асосан суғиришга ишлайдиган юкларни қабул қилиш учун ишлатилиб, қозик ўзаги ва парракли қисмдан иборат.

Ўзакнинг диаметри паррак диаметрининг (0,3-0,45) қисми қабул қилинади. Парракнинг диаметри 0,4-1,2 метр. Сўғиравчи юкнинг миқдорига ва грунтнинг физик-механик хусусиятларига болик равишда парракнинг диаметри 0,4-1,2 метргача қабул қилинади.

**Қобиқсиз ўрнатиладиган қозиқлар.** Бундай қозиқлар ҳеч қандай қўшимча қобиқлардан фойдаланмай, грунта очилган чуқурларни қатламлаб бетонлаш йўли билан тайёрланади. Бетонни зичлаш мақсадида ўткир ва яssi гурзилардан фойдаланилади.


**Қоқма қозик ва қозиқ-қобиқлар.** Кўндаланг кесими 0,8 м гача бўлган қоқма темирбетон қозиқлар ва диаметри 0,8 м ва ундан катта бўлган қозиқ-қобиқлар қуидагиларга бўлинадилар:

1) кўндаланг кесим шакли бўйича (3.5 -расм).


2) бўйлама кесим шакли бўйича (3.6-расм).

3) ўзаклаш усули бўйича зўриқтирилмаган бўйлама ўзакли кўндаланг ўзакланмаган қозиқлар ва қозиқ-қобиқлар ҳамда олдиндан зўриқтирилган бўйлама ўзакли (мустахкамлиги юқори сим ва сим арқонлардан қилинган) кўндаланг ўзакланган ёки ўзакланмаган қозиқлар ва қозиқ-қобиқлар;


4) тузилиш хусусиятлари бўйича яхлит ва таркибий (айрим қисмлардан йиғилган) қозиқлар;




3.5 - расм. Бурама қозиклар.




3.6 - расм. Қозиқнинг күндаланг кесим шакллари.



3.7 - расм. Қозиқнинг бўйлама кесим шакллари.



3.8 - расм. Бўйлама ва кўндаланг арматураланган қозик.



3.9 - расм. Бўйлама арматуралари олдиндан зўриқтирилган қозик.

5) пастки учининг тузилиши бўйича ўткир ёки ясси учли, ости ясси ёки ҳажмжиҳатдан кенгайган ва пастки учи очиқ ёки ёпиқ, ичи бўш ёки камуфлет қозиқлар.

Барпо этиш усулига кўра тиқма қозиқлар қуидаги турларга бўлинади:

1) пастки учлари грунтда қолдириладиган бошмоқ ёки бетон тиқин билан беркитилган инвентар қувурларни ботириш ва қудуклар бетон қоришимасига тўлган сари бу қувурларни чиқариб олиш йўли билан ҳосил қилинадиган тиқма қозиқлар;

2) зарблаб очилган қудукларга қуюқ бетон қоришимасини тўлдириб пастки учи ўткирланган ва унга титрама ботиргич маҳкамланган қувур қўринишидаги титрама штамп ёрдамида зичлаш йўли билан ҳосил қилинадиган тиқма қозиқлар;

3) грунтда штамплаш йўли билан пирамида ёки конус шаклидаги қудукларни очиб, кейин уларга бетон қоришимаси тўлдириб ҳосил қилинадиган штампли асосдаги тиқма қозиқлар.

Ҳосил қилиш усулига кўра бургулама қозиқлар қуидаги турларга бўлинади:

- 1) чангли-лойли грунтларда ер ости сувлари сатхидан юқорида бурғиланган, деворлари маҳкамланмаган қудуқларни бетонлаб ҳосил қилинадиган, бошқа исталган грунтларда ер ости сувлари сатхидан пастда деворлари лойли қоришка ёки кейин чиқариб олинадиган ҳимоя қувурлари билан мустаҳкамланган қудуқларни бетонлаб ҳосил қилинадиган кенгайиб борувчи ёки ўзгармас кесимли бурғилама-тиқма қозиқлар;
- 2) күп қисмли титрама ўзак қўллаб ҳосил қилинадиган думалоқ кесимли ичи бўш бурғилама-тиқма қозиқлар;
- 3) қудуқ ичига шағални шибалаб тўлдириш йўли билан ҳосил қилинадиган зичланган бурғилама-тиқма қозиқлар;
- 4) бурғуланган қудуқларни портлатиб кенгайтириш ва қудуқларга бетон қориши маси тўлдириш йўли билан ҳосил қилинадиган камуфлет бурғилама-тиқма қозиқлар (3.10-3.11- расмлар);
- 5) бурғуланган қудуқларга майда донли бетон қориши маси ёки цемент қумли қориshmани ҳайдаш йўли билан ҳосил қилинадиган диаметри 0,15-0,25 метрли бурғилама-ҳайдама қозиқлар;
- 6) бурғуланган қудуқларни кенгайтириб ёки кенгайтирмасдан, уларга яхлитладиган цемент-қумли қоришка тўлдириш ва қудуқларга томонлари ёки диаметлари 0,8 м ва катта бутун кесимли цилиндр ёки призма шаклида элементлар тушириш йўли билан ҳосил қилинадиган устун қозиқлар;
- 7) камуфлет таг қисми бурғилама тиқма қозиқлардан («5» бандга қаранг) шу билан фарқ қиласдики, қудуқлар камуфлет кенгайтирилганидан сўнг қудуқларга темирбетон қозиқ туширилади.

### 3.3. Қозиқли пойдеворларни ҳисоблаш

#### Устун қозиқларни ҳисоблаш:

- а) устун қозиқларни юк кўтариш қобилияти унинг остки учидаги грунтнинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлиб қуйидаги формула билан аниқланади:

$$F_d = \gamma_c \cdot R \cdot A \quad (3.1)$$

Бунда:

$\gamma_c = 1$  - иш шароитини ҳисобга оладиган коэффициент;

R - қозиқнинг пастки учидаги грунтнинг ҳисобий қаршилиги;

A - қозиқнинг кўндаланг кесим юзаси.

- б) Темирбетон қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти қуйидагича топилади: 20x20 дан 40x40 гача  $\ell=3\div20$  м.

$$F_{T6} \leq \gamma_c (0,7 \cdot R_{28} \cdot A_6 + R_T \cdot A_S) \quad (3.2)$$

Бунда:


$R_{28}$  – бинонинг 28 кунда кейинги мустахкамлиги;

$A_6$  – бетоннинг юзаси;


$R_T$  – темир ўзакнинг оқувчанлик юзаси;

$A_s$  – арматуранинг кўндаланг кесим юзаси;

0,7 – бир жинслилик коэффициенти.



3.10 - расм. Бурғулама тикма қозиқларнинг тузилиши



3.11- расм. Қайта чиқарилмайдиган қобиқларда камуфлет қозиқ тайёрлаш:

а – портлатгич заряд жойлаштириш;

б – бетон қоришимаси билан тўлдириш;

в – портлатилгандан кейин камуфлет ҳосил бўлиши;

г – тайёрланган қозиқ.

### Устун қозиқлар орасидаги масофани аниқлаши

Устун қозиқли пойдеворнинг чўкиши унинг режадаги ўлчамларига боғлиқ эмас.

Устун қозиқларнинг оралигини оширсак, қозиқли пойдеворларнинг чўкиши камаяди. Агар улар орасидаги масофа 6d

бўлса, уларнинг чўкиши 1-1 га teng бўлади. Устун қозиклар орасидаги оптимал масофа  $a = 3d$  қабул қилинади, агар айлана кесимли бўлса, диаметр ёки квадрат бўлса, унинг томони ҳамда тўғри тўртбурчак кесимли бўлса, катта томони агар устун қозик бўлса  $1,5 d$  катта бўлиши шарт.[10]

### **Осма қозикларни ҳисоблаш**

Осма устун қозикларнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлашнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

### **Куч қўйиб синаши тажриба усули**

Бу усулда устун қозикقا поғонали ортиб борувчи статик куч таъсири этганида унинг чўкиш характери ўрганилади.

Қозикнинг юк кўтариш қобилияти унга таъсири этаётган кучнинг энг каттаси ва критик қийматлари билан белгиланади. Бунда поғонали кучнинг қиймати устун қозикнинг максимал юк кўтариш қобилиятининг  $1/10 \div 1/15$  – миқдорда бўлагига teng келиши керак.

### **Осма қозик ўрнатилаган грунтга қараб унинг юк кўтариши қобили-ягини аниқлашнинг статик усули**

Бу усулда устун қозикнинг ўткир учи ётган текисликдаги грунтнинг ҳисобий қаршилиги ва сирти билан грунт ўртасидаги ишқаланиш қаршилигини ҳисобга олиш назарда тутилади:

$$F_d = \gamma_{\%} (\gamma_{CR} \cdot A \cdot R + U \sum \gamma_{cf} \cdot f_i \cdot h_i) \quad (3.5)$$

Бунда:

$\gamma_c$  – қозикнинг грунтдаги ишлаш шароитини ҳисобга оладиган коэффициент  $\gamma_c = 1$ ;

$\gamma_{CR}$  ва  $\gamma_{cf}$  – мос равишда устун қозикнинг учи ва ён сирти учун ишончлилик коэффициенти;

$R$  – қозикнинг учидағи грунтнинг ҳисобий қаршилигига 11.2-жадвалдан олинади;

$A$  – қозикнинг қатлам қаршилиги юзаси;

$U$  – қозикнинг қатлам қаршилиги периметри;

$f_i$  –  $i$  – қатлам учун қозикнинг ён сиртининг силжишга қаршилиги 11.3-жадвалдан олинади;

$h_i$  – қозик узунлиги бўйича  $i$  - қатлам қалинлиги;

$\gamma_g$  – грунт бўйича ишончлилик коэффициенти,  $\gamma_g = 1,4$ .

### **3.4. Қозикли пойдеворларни лойихалаш**

Босимли миноралар ва сув иншоотлари пойдеворлари.

Лойихалашнинг асосий принциплари.

1. Грунт мувозанат шарти бўйича устун қозиқ ва ростверкни мустаҳкамликка, грунтнинг юк кўтариш қобилияти бўйича лойиҳалаш;

2. Грунт чўкиши бўйича лойиҳалаш.

Қозиқли пойдеворлар қўйидагиларга амал қилган ҳолда лойиҳаланади:

а) муҳандис-геологик, геодезик ва гидрогеологик қидиув ишларининг қурилиш майдони тўғрисидаги аниқ маълумотларига асосан;

б) пойдеворга таъсир этадиган ҳисобий юк миқдорига асосан;

в) лойиҳаланаётган бино ёки иншоотнинг конструктив ва технологик шароитлари ҳақида маълумотларга асосан;

г) мақсади ва эксплуатация шароитларига асосан;

д) қабул қилинган пойдевор вариантларини техник-иқтисодий ечим-ларига асосан;

е) маҳаллий қурилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда.

Юқоригилардан келиб чиқиб, муҳандислик-геологик ва техниковий-иқтисодий асослар етарли бўлмаган ҳолларда қозиқли пойдеворлар лойиҳалашга рухсат этилмайди.

Қозиқли пойдеворлар ҚМҚ 2.02.03-98 «Қозиқли пойдеворлар» кўрсатмаларига асосан лойиҳаланади.

## **IV БОБ. ЧУҚУР ЖОЙЛАШУВЧИ ПОЙДЕВОРЛАР**

### **4.1. Чуқур жойлашувчи пойдеворларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари**

Заминга катта қийматли вертикал ҳамда горизонтал босимларни узатувчи, ўта оғир иншоотларни мустаҳкамлигини таъминлаш учун одатда, уларнинг пойдеворларини етарлича юк кўтариш қобилиятига эга бўлган чуқур жойлашган қатламларга жойлаштириш лозим бўлади.

Бундай чуқур табиий қатламларга етиб бориш учун кўпинча устун қозиқли пойдеворларни қўллаш имконияти бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда маҳсус усуслар билан ўрнатилувчи чуқур жойлаштирилладиган пойдеворлардан фойдаланиш мақсадга мувоффикдир.

Бундай пойдеворларни қўллаш соҳалари қўйидагилар: ер ости қурилишлари, кўприк таянчлари, сув бўйи иншоотлари, индустрiali цехлар ва бошқалар.

Чуқур пойдеворларнинг қўйидаги муҳим хусусиятлари мавжуд:

1. Бунёд этиш жараёнида ҳандақ ёки қудук қазиш шарт эмас.
2. Вертикал юк эса нафақат пойдеворнинг товони билан, балки ён сирти билан ҳам ҳосил қилинади.

3. Горизонтал юкларга яхши қаршилик қиласди.

4. Ситиб (сирпаниб) чиқиши ҳодисаси бўлмайди.

Ҳозирги замонда чуқур жойлаштирилган пойдеворларнинг бир неча турлари мавжуд:

1. Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар.
2. Йиғма темирбетон қобиқлар.
3. Кессон пойдеворлар.

### **4.2. Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар**

Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар ер ости иншоотлари қурилишида, яъни насос станциялари, сув йиғиш иншоотлари, домна печлари қурилишида, узлуксиз пўлат қўйиш ускуналари, ерости гаражлари ва кўприк таянчлари қурилишларида ишлатилади.

Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқ барпо этиш жараёни қўйидагича: ер устида маълум баландликдаги қудуқ тайёрланиб олинади. Қудуқ ичидаги грунт ҳар хил механизмлар билан қазиб олинади. Таянч йўқолган қудуқ ўз оғирлиги таъсирида чуқурлашиб боради.

Лойихадаги чуқурликка етганда грунт қазиш түхтатилиб, қудукнинг ичи маълум баландликкача бетон билан тўлдирилади.


Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудук барпо этиш босқичлари:

- ер юзасида қудук тайёрлаб олиш;
- грейфер ёрдамида грунт қазиб олиш ва қудукнинг пастлашуви;
- ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқни бетонлаш.

Ҳозирги вақтда диаметри 6....70 м ва чуқурлиги 40-70 м гача бўлган ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар барпо этилмоқда. (Адабиётларда D 70 м ва чуқурлиги 70 метрли ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар келтирилган).

Режадаги шаклларига қараб айлана шаклида, тўғри тўртбурчак шаклида, квадрат шаклида ва эллипс шаклида бўлишлари мумкин.


Материалга қараб темирбетондан қилинган, бетондан қилинган, металлдан қилинган, фишт-тошдан қилинган қилинган ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқларга бўлинади.



4.1 - расм. Ўз оғирлиги билан пастланувчи қудук барпо этиш босқичлари:  
а – қудуқнинг остки қисмини ер устида тайёрлаш; б – грейфер ёрдамида грунт қазиш; в – қудуқни бетон билан тўлдириш.

### Ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудуқларни хисоблаш

Пастлашувчи қудуқнинг ўлчамларини аниқлаш учун унинг бўй ўлчамлари (вертикал) одатда геологик кесмалар ёрдамида аниқланади.



4.2 -расм. Ўз оғирлиги билан пастланувчи қудуқларнинг тархдаги шакллари:  
 а – думалоқ; б – квадрат; в – түртбұрчак ; г – ён томонлари айлана шаклида; 1 – девор; 2 – қудуқ ости түшамаси; 3 – күндаланг девор.

Қудуқнинг ўлчамлари куйидаги ифодадан аниқланади:  
 $H=h+0,5 \text{ м.}$

Бунда:

$H$  – қудуқнинг чуқурлиги;

$h$  – қудуқнинг баландлығы;

Қудуқнинг күндаланг кесими куйидаги шартдан аниқланади:

$$N + G = R_s + R_f \quad (4.1)$$

Бунда:

$N$  – иншоотдан таъсир этувчи күч;

$G$  – қудуқнинг оғирлиги;

$R_s$  – қудукнинг остки қисмига нисбатан грунтнинг босими;  
 $R_f$  – ишқаланиш кучи;

$$G = H \cdot A \cdot \gamma \quad (4.2)$$

Бунда:

$A$  – қудукнинг кўдаланг кесим юзаси;

$\gamma$  – қудук материалининг солиштирма оғирлиги;

$$R_s = R_h^x \cdot A \quad (4.3)$$

Бунда:

$R_h^x$  – қудук остки қисмидаги грунтнинг ҳисобий қаршилиги;

$$R_f = U \cdot (H - 2,5) \cdot f_0 \quad (4.4)$$

Бунда:

$R_f$  – ишқаланиш кучи;

$U$  – қудук пойдеворининг периметри,  $U=2\pi r$ ;

$F_0$  – ишқаланиш коэффициенти;

(4.2), (4.3), (4.4) ларни (4.1) га қўйиб қуидагини ҳосил қиласиз:

$$N + H \cdot A \cdot \gamma = R_h^x \cdot A + U(H - 2,5) \cdot f_0 \quad (4.5)$$

Ушбу ифода ёрдамида пастлашувчи қудукнинг кўндаланг кесими аниқланади.

$$A = \frac{U(H - 2,5) \cdot f_0 - N}{\gamma \cdot H - 10R_h^x} \quad \text{ёки}$$

$$A = \frac{N - U(H - 2,5) \cdot f_0}{R_h^x - \gamma \cdot H} \quad (4.6)$$

### 4.3. Кессон пойдеворлар

Ўз оғирлиги билан жойлашувчи қудукларни ўрнатишда сув остидаги грунтлар таркибида йирик тошлар, йирик жинслар учраб қолади, лекин уларни қудук остидан олиб ташлаш имконияти бўлмайди.

Бундай ҳолларда сиқилган ҳаво таъсирида грунт сувларини сиқиб чиқариш имкониятини берувчи маҳсус усти ёпиқ ҳолдаги қудуклар ишлатиш мақсадга мувоффикдир. Бундай қурилма *кессон* деб аталади.

Кессонлар чуқур жойлаштирилган кўприк ости устунлари тагида кенг қўлланилади. Кессонлар асосан бетондан ва темирбетондан ясалади.

Камера ичидаги грунт қазиб олиниши натижасида **кессон камераси** ўз оғирлиги ва **кессон усти пойдевори** оғирлиги билан чуқурлашиб боради. Лойиҳадаги чуқурликка етганда шлюз аппарати ва қувурларни чиқариб олиб камера ва бўшлиқ жойлар бетон билан тўлдирилади. Ишчилар шлюзга кирганида босим аста-секин ортиб боради. Максимал чуқурлик 35-40 м яна кессонга ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуққа таъсир этувчи юқдан ташқари, кессон усти пойдевори терманинг оғирлиги ва сиқилган ҳавонинг босими ҳам таъсир қиласи. Тушиш вақти 5-15 минут бўлса, чиқиш вақти 3....3,5 марта кўпроқ бўлади. Сиқилган босимга ва ташқи босимга мослашиш учун бир марта чуқурлаштириш 0,5м дан ошмаслиги керак. Ҳар чуқурлаштилганидан сўнг қудуқнинг тиклиги ва ҳеч қайси томонга буралиб кетмаслиги текшириб борилади.

*Кессон камераси* ичida иш юритишда **кессоннинг қийшайиб** ҳаво чиқиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Кессон пойдевор барпо этиш тартиби:

- а) кессон камерасини тайёрлаш;
- б) шлюз ва шахтани ўрнатиш;
- в) кессонни чуқурлаштириш ва кессон усти термасининг пойдеворини барпо этиш;
- г) шахтани узайтириш;
- д) кессонни кессон усти термаси билан тўлдириш ва шахта илдизларини чиқариб олиб бўш жойларни бетон қоришимаси билан тўлдириш. Босим миқдори ташқи сув босимидан катта бўлганда камерадан сув бутунлай сиқиб чиқарилади. Қазиб олинган грунтлар ташқарига шахта ва шлюз орқали узатилади.

#### **4.4. «Грунт қаридаги девор» усулидаги пойдевор**


Катта шаҳарларда ер ости қурилишларини тез ривожланиши, қурилиш амалиётига ер ости қурилишлари бунёд этишнинг янги илфор усувларини қўллашни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ва хорижда шартли равища «Грунт қаридаги девор» деб номланган янги усул кенг қўлланилмоқда.

Бу усулнинг моҳияти грунт ичida ҳар хил шаклдаги ҳандақ қазилади. Бунда деворларни турғунлигига тиксотроп хусусиятли

гилли қоришма киритиш билан эришилади. Грунтда қазилган чукур ёки ҳандақ қуйма бетон, йиғма темирбетон, ҳар хил гилли цемент аралашмаси билан түлдирилади. Натижада юк күтәрадиган түсиқ конструкция ёки сув ўтказмайдиган парда ҳосил бўлади.

“Грунт қаридаги девор” усулида барпо этилган конструкцияларнинг асосий турлари 4.3-расмда кўрсатилган.



4.3 – расм. “Грунт қаърида девор” усулида бажариладиган пойдеворларнинг асосий турлари:

а – алоҳида таянчлар остидаги пойдеворлар; б – электр узатиш тизимлари таянч пойдеворлари; в – ер ости иншоотлар.

Очиқ ҳандақда оддий усул билан барпо этишга нисбатан “Грунт қаридаги девор” усулида пойдевор барпо этиш қуйидаги афзалликларга эга: ер қазиш ишлари 5-6 марта қисқаради; пўлат шпунт, ҳар хил шаклли прокат қўллаш ҳожати қолмайди; деворлар орасидаги грунт қазиб олиш осонлашади (экскаватор ёрдамида амалга оширилади).

“Грунт қаридаги девор” усулида пойдевор барпо этиш ўз оғирлиги таъсирида пастлашувчи қудукларга нисбатан 50% арzonлашиб, қуйма бетон, йиғма-қуйма ва йиғма бетондан тайёрланиши мумкин.

Ҳандақ қазиш учун машина ва ускуналар қурилиш майдонининг муҳандислик-геологик шароити ва ишнинг ҳажми билан боғлиқ ҳолда танланади. Грейферлар, кўп чўмичли роторли экскаваторлар, гидромеха-низациялаштирилган ҳандақ қазгичлар, зарб-штангали бурғулаш қурил-малари кенг қўлланилади.

Катта ҳажмдаги ишларни бажариш учун, доимий ишлайдиган ер қазиш машиналаридан фойдаланилади. Икки томонлама кесувчи штангали БМ-0,5/50-2М русумли жиҳоз ёрдамида чуқурлиги - 50 м гача, кенглиги – 0,5 м гача ҳандак қазиш мумкин. СВД-500Р русумли машина ҳам чуқурлиги 50 м гача ва кенглиги 0,7 м гача бўлган ҳандакларни қазиёди.

Кичик ҳажмли ер қазиш ишларини бажаришда цикллик таъсир этадиган жиҳоздан фойдаланилади. Улар билан чуқурлиги 30 метргача, кенглиги 0,6-0,8 метргача ҳандаклар қазилади.

“Грунт қаридаги девор” туридаги пойдеворлар кўпчилик ҳолларда тиргак иншоотлар каби хисобланади.


Хисоблашлар қуйидаги юклар таъсирида амалга оширилади:

1. Ҳандақ ва унинг деворини бетонлашда грунтнинг акс таъсиридаги юкка;
2. Грунт оғирлигидан ҳосил бўладиган ён босимга ва унинг сатҳига таъсир этадиган вақтинчалик юкка;
3. Грунт сувларидан ҳосил бўлган гидростатик босимга ва эксплуатацион юкка.

Тўсиқ деворни мустаҳкамликка ҳисоблашда, упругопластик заминнинг ўзаро таъсиридаги конструкция учун аниқланади.

“Грунт қаридаги девор” усулининг афзаллиги аввалдан мавжуд бўлган бино ва иншоотлар ёнида ер ости иншоотлари барпо этиш мумкин.

Геологик тўрғун бўлмаган (карст, кўчки ва б.) йирик бўлакли грунтларда ва оқувчан консистенцияли грунтларда қўллаш мумкин эмас.



4.4 - расм. Кессон пойдевор барпо этиш тартиби:  
 а – кессон камераси тайёрлаш; б – шлюз жиҳозлари ва шахтани ўрнатиш;  
 в – кессоннинг тушурилиши ва кессон усти пойдеворини ўрнатиш; г – шахтани  
 узайтириш; д,е – кессон бўшликларини тўлдириш.

Ер ости деворлари қуйидаги хандақсимон ва ўзаро кесишиган қозиқлардан ашёлари бўйича: бетон, темирбетон, грунтоцемент ва б., ҳамда тайёрланиши бўйича: яхлит қўйма, йиғма ва йиғма-қўйма бетонларга бўлинади. Яхлит қўйма девор учун В 15 синфли оғир бетон қўлланилади, йиғма қурилмалар В-22,5 дан юқори синфли бетондан фойдаланилади. Каркас учун диаметри 10-30 мм бўлган (А II ва А III) темир ўзак ишлатилади. Кўндаланг темир ўзаклар учун  $\varnothing$  8-20 мм бўлган А I синфли темир ўзак ишлатилади. Ҳимоя қатлами 50 мм катта бўлиши шарт.

#### **4.5. Йиғма темирбетон қобиқлар**

Кўприк устунлари пойдеворларини чуқур жойлашган (30-50 м) мустаҳкам грунт қатламларига ўрнатишда ҳозирги вақтда катта диаметрли устун қозиқ қобиқлардан кенг фойдаланилмоқда.

Бундай қобиқларнинг энг кўп ишлатиладигани алоҳида  $6 \div 10$  метрли бўлаклардан ташкил топган айланана шаклидаги  $D = 0,8 \div 3,0$  м

темирбетон қобиқлардир. В 40 ва ундан юқори синфли бетон тайёрланади.

Кучли титраткич гурзилар ёрдамида, бураб босим остида чуқурлаштирилади. Битта бўлинма чуқурлаштирилгандан кейин иккинчиси ва ҳоказо уланади. Қобиқлар деворининг қалинлиги 12-20 см бўлади.

Аҳоли яшайдиган жойларда қўллаш тавсия этилмайди.

Сув иншоотлари ва кўприк таянчларини қуришда диаметри 4000-5000 мм ли қобиқлар ҳам ишлатилади.

Проф. К.С.Силин томонидан Хитой Халқ Республикасида жаҳонда биринчи марта катта диаметрли қобиқ қўлланган. Собиқ Иттифоқда Волга, Днепр ва Нева дарёларига кўприк қуришда йиғма темирбетон қобиқлар кенг қўлланилган.

Йиғма темирбетон қобиқлар маҳсус титраткичлар ёрдамида грунт ичига киритилади. Вибропогружателларнинг қуйидаги маркалари мавжуд:

ВП – 1 – массаси 4500 кг; ВРП – 15/60 – массаси 5500 кг  
ВП – 3М – массаси 7500 кг; ВРП – 30/120 – массаси 10200 кг;  
ВУ – 1,6 – массаси 11000 кг; ВПМ – 170 – массаси 12500 кг;  
ВУ – 3 – массаси 27600 кг;

Ҳар хил маркадаги тебраткич гурзилар В 401А, В 401Б.

Лойиҳада кўрсатилган белгига етгач, қобиқ ичидағи грунт гидроэлеватор олиб ташланиб, унинг ўрни бетон билан тўлдирилади.

## **V БОБ. ЗАМИН ГРУНТЛАРИНИ СУНЬИЙ МУСТАХКАМЛАШ УСУЛЛАРИ**

Пойдеворнинг асосий ўлчамлари грунтнинг ҳисобий қаршилигига жавоб бермаган тақдирда, уларнинг асосий ўлчамлари пойдеворни кенгайтириш (кўйилиш чуқурлигини ошириш) йўллари билан амалга оширилади. Бироқ, яна бошқа йўли ҳам бор: пойдевор ўлчамларини ошириш ўрнига бўш грунтни бирор қурилиш тадбир чораларини қўллаб унинг юк қўтариш қобилиятини ошириш ва мустаҳкам грунт билан алмаштириш мумкин.

Грунтларни сунъий мустаҳкамлаш усуларининг ҳаммаси 3 гурӯхга бўлинади:

- а) бўш грунтларни анча мустаҳкам грунтлар билан алмаштириш;
- б) грунтларни шиббалаш (зичлаш);
- в) грунтни сунъий қотириш.

### **5.1. Бўш грунтларни алмаштириш**

Бўш грунтларга пойдевор қуришда унинг таг юзаси остидаги бўш грунт олиб ташланиб, ўртача ва йирик донли қум тўлдирилади. Қум тўшама қуидаги усул билан тўлдирилади: 20 см қалинликда қум тўшалиб, сув сепилгач, маҳсус гурзилар ёки титраткичлар ёрдамида шиббаланади.

$$d = \frac{\frac{N}{R_0} - b}{2} \cdot \operatorname{tg} \varphi_n \quad (5.1)$$

Бунда:

d - қум тўшама қалинлиги;


N - заминга узатилувчи юк;

b - пойдевор кенглиги, м;

$\varphi_n$  – қумнинг ички ишқаланиш бурчаги;

$\varphi_n$  – ёстиқнинг бикрлик бурчаги.

Баъзан ёстиқнинг энини қисқартириш мақсадида унинг атрофида сунъий тўсиқлар қилинади. Унинг вазифаси ёстиқдан грунтнинг ён томонга силжишига йўл қўймай, уни чўкиш қийматини камайтиришдан иборат.



5.1 - расм. Кумли ёстикча хисобий чизмаси:  
 $\alpha$  - босимнинг тарқалиш бурчаги,  $30\dots40^0$  га тенг.

## 5.2. Грунтларни зичлаш усуллари

Бўш грунтларни зичлаш устки қатламни ва чуқур қатламни зичлашга бўлинади. Думалаб ҳаракат қиласидан механизмлар билан амалга оширилади. Бир ўтишда 15-20 см чуқурликкача шиббаланади. Бу усул билан 60 см гача шиббалаш мумкин.

Фуқаро, жамоат ва саноат бинолари пойдеворларининг грунтини тифизлашда энг кўп қўлланиладиган усул чуқур қатламни зичлаш усулидир. Бу усулда оғирлик 1-3 тонна ва ундан оғир бўлган темирбетон ёки металл қуйма гурзилар ўзи юрар кран ёрдамида 4-5 м юқорига кўтариб бир ерга 8-10 марта уриб грунт зичланади.

Зичлаш билан бўш тўкиш, ғовак қум ва қаттиқ сиқилувчан лойли ҳамда лёссимон грунтлар зичланади. Бу вақтда сиқилувчан қумли грунтнинг намлик даражаси  $S \geq 0,7$  дан кам бўлмаслиги ва лойли грунтларнинг намлиги эса, ёйилиш чегарасидан  $2\dots3\%$  ошиқ бўлмаслиги керак. ( $W_{opt}=W_p-(1\dots3\%)$ ). Зичлаш натижасида 1,8-2,0 м чуқурликкача грунт зичлашиши мумкин.

Зичланган лёссимон грунтлар зичланган чуқурликкача ўзининг ўта чўкиш хоссасини йўқотади.

Грунтларни зичлаш «рад этиш» гача давом этиши мумкин. Зичлаш жараёнидан кейинги ташлаб юбориш вақтида, ҳар бир ташланган зичлаш таъсирида грунт бир хил думаланса, бу хил зичланаётган грунтнинг рад этиши деб қабул қилинади.

Рад этиш қиймати  $S_r \geq 0,7$  6 м гача:

- кумлар учун 0,5 – 1,0 см,
- лоили грунтлар учун 1,0 – 2,0 см.

Күм ёки грунтдан қилинган (устун) қозик.

### **Чукур қатламли зичлаш**

а) Ёғоч қозик ёрдамида зичлаш.

Бу усул лёссимон грунтларни зичлашда ишлатилади.  $D = 22 \div 24$  см. қозик қоқиши натижасида ён деворлари зичлашади. Кейин қозик чиқариб олинади.

Бўш қолган чукур қаттиқ грунт билан тўлдирилади.

### **Сув ёрдамида титратиб зичлаш**

Бурғга (скважина) ҳамма томонлари тешилган қувур тушурилади. Намлик ошган сари грунт юмшайди, боғланишлар камаяди ва титратгич туширишга имконият яратилади. Кейин грунт янги мустаҳкам зичликка эга бўлади.

Бу усул қумли грунтларни зичлашда ишлатилади.

## **5.3. Грунтларни қотириш усуллари**

Грунтларни қотириш – бу қурилиш мақсадида ишлатиладиган грунтнинг қурилиш хоссаларини табиий ётқизилган ҳолда ҳар хил физик-кимёвий усуллар билан яхшилаш демакдир.

Грунтларни яхшилашдан мақсад уларни қотириш, мустаҳкамлаш, сув ўтказувчанлигини ва сиқилишни камайтириш ва намлик таъсирида уларнинг структурасини бўшашига йўл қўймасликдан иборат.

### **Грунтларни иссиқлик таъсирида қотириши**

Осташев Н.А. таклиф этган бу усулнинг моҳияти қўйидагича: аввалдан тайёрлаб қўйилган бурғ қудуқлар орқали  $600 - 800$   $^{\circ}\text{C}$  ли ҳаво ҳайдалади. Бу усулни қўллаш иссиқ ҳаво бера оладиган корхонага яқин жойдагина мақсадга мувоффик бўлади.

Литвинов И.М. ва бошқалар тавсия қилган иккинчи усул грунт ичидан кавланган бурғ қудуқ ичидаги газсимон, суюқ ёки қаттиқ ёнилғи  $0,15-0,5$  атм. босими остида  $1000$   $^{\circ}\text{C}$  иссиқликка ёндирилади. Бу усул яхши самара беради ва тежамли.

### **Грунтларни суний мустаҳкамлаши**

Грунтларни суний мустаҳкамлаш уларнинг табиий қатламлари шароитида грунтларнинг қурилишга оид хоссаларини турли физик-кимёвий усуллар билан сунъий ўзгартиришдан иборат. Суний мустаҳкамлаш жараённида грунтга муайян реагентлар киритилиши ва уларнинг қотиши ҳисобига грунт зарралари ўртасида мустаҳкам таркибий боғланишлар вужудга келади. Бу грунтларнинг мустаҳкамлиги ортишини, уларнинг сиқилувчанлиги пасайишини, сув ўтказувчанлиги ва ташқи муҳитнинг, айниқса намликтининг ўзгаришига таъсиранлиги камайишини таъминлайди.

Грунтларни инъекцион маҳкамлаш усуллари асосан иншоотларнинг заминларини кучайтириш, янги, шу жумладан ер ости иншоотлари қурилганда мавжуд бино ва иншоотларни ҳимоялаш, сув сизилишига қарши тўсиқлар яратиш учун қўлланилади. Уларнинг қиймати баландлиги туфайли янги ўзлаштирилаётган қурилиш майдончаларида грунтларни суний мустаҳкамлаш усулларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги техник-иктисодий ҳисоб билан асослантирилиши лозим.

### **Грунтларни цементлаш**

Бу усул тўқма грунтлар, тош-шагал чўкиндилари, ўртача ва йирик донадор қумларни мустаҳкамлаш учун, маҳкамланаётган грунтларнинг фильтрация коэффициенти 80 м/сут дан ортиқ бўлганда қўлланилади. Цементлашдан ўпқонларни тўлдириш, ёриқсимон қоятош грунтларни маҳкамлаш ва сув ўтказувчанлигини камайтириш учун ҳам фойдаланилади.

Цементли қоришка одатда цемент ва сувдан таркиб топади, бунда сув ва цемент нисбати 0,4...1,0 ни ташкил этади.

Грунтларни цементлаш учун қўйма инъекторлар ёки бурғиланган қудукларга тушириладиган инъектор-тампонлар қўлланилади. Инъекторлар диаметри 25...100 мм бўлган, 0,5...1,5 м узунликдаги перфорацияланган бўғин билан жиҳозланган қувурлардир. Инъектор грунтга ёки қудукка киритилганидан сўнг қувурга босим остида тоза сув юборилади ва қудук ювилади. Сўнгра қувур орқали цемент қоришмаси босим остида юборилади ва у грунтга кириб, уни цементлайди.

Ўпқонлар ва ёриқсимон қояларни цементлагандага сув ва цемент нисбати унча катта бўлмаган цемент қоришмаси қўлланилади. Бундан ташқари, қориshmaga кўпинча қум қўшилади.

Грунтни суний мустаҳкамлаш радиуси, қоришмани юбориш босими, цемент қоришка сарфи ва цементланган грунтларнинг мустаҳкамлиги синов ишлари жараёнида белгиланади.

Цементлаш усули пойдеворлар конструкциясини кучайтириш учун ҳам қўлланилади. Бунинг учун пойдеворлар танасида шпурлар бурғиланади ва улар орқали пойдевор материали ёки деворига кучли босим остида цемент қоришмаси юборилади.

### **Грунтларни силикатлаши**

Фильтрация коэффициенти 0,5-80 м/сут бўлган қумларни, фидътрация коэффициенти 0,2-2,0 м/сут бўлган ўта чўкувчан серфовак грунтларни ва айрим турдаги тўқма грунтларни кимёвий маҳкамлаш учун қўлланилади. Усулнинг моҳияти шундан иборатки, грунтларга

натрий силикат эритмаси (суюқ шиша) босим остида юборилади. Бу эритма билан ғовакли мұхит түлдирилади ва қотиргич мавжуд бўлган ҳолда вақт ўтиши билан қотувчи гель ҳосил бўлади.

Грунт массивини яхлит мустаҳкамлаш учун инъекторлар шахмат катаклари тартибида жойлаштирилади. Инъекторларнинг қаторлари ўртасидаги масофа қуйидаги формуладан аниқланади:

$$a=1,5r, \quad (12.11)$$

қатордаги инъекторлар ўртасидаги масофа эса қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилади:

$$a=1,73r, \quad (12.12)$$

бу ерда  $r$  – маҳкамлаш радиуси бўлиб, у мустаҳкамловчи қоришмалар рецептураси ва грунтнинг фильтрация коэффициентига қараб 0,3...1,0 м оралиғида ўзгаради.

Мустаҳкамловчи қоришмаларнинг ҳажмлари қуйидаги боғланишдан топилади:

$$V_s=100Vna_s, \quad (12.13)$$

бу ерда  $V$  – мустаҳкамланаётган грунт ҳажми;  $n$  – грунтнинг ғоваклилиги;  $a_s$  – коэффициент бўлиб, у икки қоришмали силикатлашда ҳар бир қоришма учун 0,5; қумларни бир қоришмали силикатлашда – 1,2; ўта чўкувчан лёсс грунтларни силикатлашда – 0,7; қумли грунтларни газли силикатлашда – 0,7; суюқ қум ва ўта чўкувчан лёсс грунтларни силикатлашда – 0,8 деб олинади.

### Қатронлаш

Грунтларни қатрон билан мустаҳкамлаш усули қатронлаш деган ном олган. Унинг моҳияти грунтга ўта молекуляр органик бирикмалар, чунончи: карбамид, фенолформальдегид ва бошқа сунъий қатронларни қотиргичлар – кислоталар, оксидланган тузлар билан қориб киритишдан иборат.

Орадан маълум вақт ўтгач, қотиргичлар билан ўзаро таъсирга киришиш натижасида қатрон полимерлашади. Гель ҳосил бўлиш вақти одатда 1,5...2,5 соатни ташкил этади. Бунда мустаҳкамланиш вақти – 2 суткагача. Қатронлаш усули фильтрация коэффициенти 0,5...25 м/сут бўлган қуруқ ва сувга тўйинган қумларни мустаҳкамлаш учун тавсия этилади.

### Гиллаш ва битумлаш

Гиллаш қумларнинг сув ўтказувчанилигини камайтириш учун қўлланилади. Гиллаш технологияси қумли грунтга ботирилган инъекторлар орқали таркибида монтмориллонит 60% дан кам

бўлмаган бетонитли гилнинг сувли суспенсиясини босим остида юборишдан иборат. Гилли зарралар чўкиб, қум ғовакларини тўлдиради ва натижада унинг сув ўтказувчанлиги бир неча баравар пасаяди.

Битумлаш асосан ёриқсимон қоятош жинсларнинг сув ўтказувчанлигини камайтириш учун қўлланилади. Бу усул қудуқлар орқали ёриқсимон массивга эритилган битум ёки маҳсус битумли эмульсияларни босим остида юборишдан иборат. Бунда тирқишилар ва бўшлиқларнинг тўлиши юз беради ва массив деярли сув ўтмайдиган тус олади.

### **Грунтларни электрокимёвий усулда мустаҳкамлаш**

Бу усул сувга тўйинган чангсимон-лойли грунтларни мустаҳкамлаш учун электроосмос билан уйғунликда қўлланилади. Бунда анодлар орқали грунтга кўп валентли металлар тузларининг сувдари эритмалари узатилади. Бу эритмалар лойли грунт билан бирикиб, гилли зарраларни коагуляциялади. Темир ва алюминий тузлари геллари билан ўзаро цементланган гилли агрегатлар яратилади. Бунда грунтларнинг мустаҳкамлиги сезиларли даражада ортади, уларнинг кўпчувчанлик қобилияти анча пасаяди.

Электрокимёвий мустаҳкамлашда ток кучланиши 80...100 В, ток зичлиги  $5\ldots7 \text{ A/m}^2$ , энергия сарфи мустаҳкамланаётган грунтнинг  $1 \text{ m}^3$  га 60...100 кВт·соатни ташкил этади.

Грунтларни сунъий қотириш бўйича ишлаган собиқ иттифоқ олимларидан: проф. Б.И.Далматов, П.Л.Иванов, В.А.Флорин, проф. Абе-лев М.Ю., Б.А.Ржаницин, Х.А.Аскаров, А.И.Холиқуловларнинг хизматлари катта.

### **Грунтларни термик мустаҳкамлаш**

Бу усул намлиги паст бўлган газўтказувчан чангсимон-лойили грунтларни мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Бу усулдан серғовак лёсс грунтларининг ўта чўкувчанлик хоссаларини бартараф этиш учун айниқса кўп фойдаланилади. Мустаҳкамланувчи қатlam чуқурлиги 20 м га етади.


Термик ишлов бериш усулининг моҳияти шундан иборатки, грунт орқали бир неча сутка мобайнида қиздирилган ҳаво ёки қиздирилган газлар ўтказилади. Скелет таркибига кирувчи айrim минераллар баланд ҳарорат таъсирида эрийди. Бунинг натижасида грунт зарралари ва агрегатлари ўртасида сувга чидамли бўлган мустаҳкам таркибий боғланишлар вужудга келади. Бундан ташқари, қиздириш чоғида грунтлар кимёвий боғланган сувнинг кўпгина қисмини йўқотади ва бу грунтларнинг хоссаларини ўзгартиради,

чўкувчанлик, намланувчанлик ва қўпчувчанликни камайтиради ёки бутунлай бартараф этади.

Грунтга ишлов беришда газлар температураси  $750\ldots850^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Агар газлар температураси бундан баланд бўлса, қудукларнинг деворлари эрийди ва ўзининг газ ўтказувчанлик қобилиятини йўқотади.  $300^{\circ}\text{C}$  дан паст температура шароитида лёсс грунтларининг ўта чўкувчанлиги йўқолмайди.

Грунтларни термик мустаҳкамлашнинг турли усуллари, ускуна ва технологик схемалари мавжуд (5.2-расм).

Цементлаш грунтга цементнинг сувдаги қоришмаси инъектор ёрдамида юборилади. Грунтга юборилган қоришма аста-секин қотиб, грунт билан биргаликда сувда ювилиб кетмайдиган ва фильтрация қобилияти камайган қаттиқ заминга айланади.



5.2 - расм. Гурунларни термик усулда ёкиш қурилмаси схемаси:

1 – компрессор; 2 – совук ҳаво қувури; 3 – ёқилғи солинадиган идиш; 4 – насос; 5 – қувурлар; 6 – пуркагич; 7 – затвор; 8 – бурғу қудуғи; 9 – термик усулда мустаҳкамланган грунту зонаси; а – ўта чўкувчан лёссимон грунт; б – ўта чўжмайдиган грунт қатлами.

Цементлаш ўртача ва йирик заррали донли қумлар учун қўлланилганда яхши самара беради. Цементлаш, айниқса синиқ тошли грунтлар ва ёрилган қоя массаларини қотиришда жуда қўл келади.

## VI БОБ. ЎТА ЧЎКУВЧАН ГРУНТЛАРДА ПОЙДЕВОР БАРПО ЭТИШ

### 6.1. Грунтларнинг ўта чўкувчанлик кўрсаткичлари

Ўта чўкувчан грунтлар деб маълум юк остида сув таъсир эттирилганда лойсимон грунтларда рўй берадиган катта қийматли чўкиш ҳодисасига айтилади.

Ўта чўкиш оддий силжиш ҳодисасидан фарқ қиласи ва грунт структураси бутунлай бузилади. Бундай грунтлар табиий ҳолатда кам намлика эга бўлиб (5 – 7%) етарли микдорда юк кўтариш қобилиятига эгадир. Агар уларга сув таъсир эттирилса, заррачалар орасидаги боғланиш кучлари эриб кетиши натижасида грунт структурасининг бузилиши юзага келади. Хозирги замон қурилиш меъёрлари ва қоидаларида ўта чўкувчан грунтлар тоифасига кириши учун уларнинг намлик даражаси  $S_R \leq 0,6$   $\varepsilon_{st} \geq 0,01$  бўлиши керак. Нисбий ўта чўкувчанлик қўйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\varepsilon_{Si} = (h_{n.p.} - h_{Sat.p}) / h_{n.g.} \quad (6.1)$$

бунда:

$h_{n.p.}$  - табиий намлиқдаги, маълум чуқурликдаги бино қурилгандан кейинги юк таъсиридаги намуна баландлиги;

$h_{Sat.p}$  - сув таъсирида ўта чўкиш содир бўлгандан кейинги намуна баландлиги;

$h_{n.g.}$  - табиий босим  $\sigma_{zg}$  таъсиридаги намуна ( $P_1 = \sigma_{zg}$ ) баландлиги.

Қаралаётган чуқурлик учун:  $\varepsilon_{Si} \geq 0,01$  бўлса, грунт ўта чўкувчан ҳисобланади. Агар  $\varepsilon_{Si} < 0,01$  бўлса, ўта чўкувчан бўлмайди.

Ўта чўкувчанлик қийматига асосланиб лойсимон грунтлар икки турга бўлинадилар.

I тур – уларга ўта чўкувчанлик қиймати 5 см дан кам бўлган грунтлар киритилади.

II тур - ўта чўкувчанлик қиймати 5 см дан ортиқ бўлган грунтлар киритилади.

Юқоридаги турлар асосан заминларнинг муҳофаза тадбирларини қўллашда ишлатилади.

Ўта чўкувчан грунтлар мисолига Марказий Осиёда кенг тарқалган лёсс ва лёссимон грунтларни келтириш мумкин.

Замин бир қанча грунтлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда нисбий ўта чўкувчанлик қийматидан фойдаланилади:

$$\varepsilon_{s\ell} = \sum_{i=1}^n \varepsilon_{s_i} \cdot h_i \cdot k_{s\ell i} \quad (6.2)$$

Бу ерда:

$\varepsilon_{sl}$  – нисбий ўта чўкувчанлик қиймати;

$h_i$  – i қатлам қалинлиги;

$k_{sel}$  – заминнинг ишлаш шароитини хисобга оладиган коэффициент;

n – грунт қатламларининг сони.

## 6.2. Ўта чўкувчан грунтларда пойдевор барпо этиш

Агар юқоридаги ҳисоблар натижасида аниқланган ўта чўкувчанлик қиймати лойиҳадаги иншоот турғунлигига зарарли таъсир кўрсатса, маҳсус тадбирлар қўллаш тавсия этилади. Бу тадбирлар ўта чўкишнинг турига боғлиқ бўлиб, сув таъсиридан ҳимоялаш, ўта чўкувчанликни йўқотиш, маҳсус қурилмалар қўллаш ва ҳоказоларга бўлинади.

I – турга хос ўта чўкувчан грунтларнинг қалинлиги 5 – 6 метрдан ошмаса, қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

а) маҳаллий грунтларни зичлаш орқали пойдевор ости ёстиқлари ўрнатиш;

б) гурзилар ёрдамида зичлаш. Бу усул амалда кенг қўлланилади. Агар 5-6 метрли ўта чўкувчан қатламдан 1–2 метр пойдевор учун зовур қазишига кетса, қолган 3 – 4 метри гурзи ёрдамида мўлжалланган қийматгача зичлаштирилади;

в) ўта чўкувчан қатламни кесиб ўтувчи устун қозиқлар қўллаш;

г) портлаш ёрдамида грунтни ўта чўкувчанлик хусусиятини йўқотиш. Бунда сув ости портлатиш усуллари, кўпинча қўл келади.

II турдаги ўта чўкувчан грунтларда қуйидаги тадбирларни қўллаш тавсия этилади:

а) агар ўта чўкувчан қатлам қалинлиги чуқур бўлмаса, уни бутунлай кесиб ўтувчи қозиқ қўллаш;

б) аралаш усуллар ёрдамида грунт қатламини зичлаш;

в) суюлтирилган шиша (силикат) ёрдамида қотирилади;

г) иссиқлик таъсирида қотирилади.

Ўта чўкувчанликни камайтириш ёки уни бутунлай бартараф этиш тадбирини танлашда уларнинг бир неча турларини техник-иқтисодий нуқтаи назардан таққослаб якуний тўхтамга келинади, шунингдек, мазкур масалани ҳал этишда иншоот заминини сувдан ҳимоялаш ва маҳсус қурилмалари ҳам катта аҳамият касб этади.

Иншоот атрофида сувдан ҳимоя қилувчи йўлкалар ўрнатилади. Улар пойдевор чегарасидан 0,5 метр кенг бўлиб, иморатдан 0,03

қиялик остида жойлаштирилади. Бундай йўлкаларнинг эни 1,2 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Иншоот заминларининг баъзан кутилмаган ҳолатларида намланиш натижасида юз берувчи ўта чўкишдан ҳимоялаш мақсадида қурилмаларда ҳам тадбирлар белгиланади. Масалан, мураккаб шаклдаги биноларни чўкма ёриқлар ёрдамида оддий шаклдаги алоҳида мустаҳкам бўлакларга бўлиш юк кўтарувчи деворлар орасида темир ўзаклар ўрнатиш; пойдеворлар таг юзасини кенгайтириш ва х.к.

Мустаҳкам ва бикр қурилмали иншоотлар (сув кўтарувчи миноралар, темирбетон мўрилар, темир эритувчи ёқилғи хоналар ва бошқалар) одатда нотекис чўкишларни кам сезади. Шунинг учун улардан фойдаланишда маълум даражада чўкишга йўл қўйиш мумкин.

## VII БОБ. ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ЗАМИНЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЛОЙИХАЛАШ

### 7.1. Зилзилабардош заминларни ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг умумий қоидалари

Зилзила – табиий оғат бўлиб, ундан ер шарининг жуда кўп районлари заар қўради. Кучли зилзилалар қуруқликда тоғларнинг емирилиши ва ўпирилишига олиб келиб, бутунлай йўқолиб кетишига ва уларнинг ўрнига янгидан-янги кўллар, ботқоқликлар ҳосил бўлишига, дарё ўзанларини тубдан ўзгаришига ва ҳоказоларга олиб келса, денгиз ва океанларда эса кучли тўлқинлар ҳосил қилиб атроф қуруқликларни ювиб кетмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай оғат натижасида кўплаб кўл меҳнати билан бунёд этилган бойликлар йўқолиб, энг хавфлиси минглаб инсонлар ҳалокатга юз берадилар.

Зилзиланинг энг хавфли томони, унинг тўсатдан юз бериб кўпинча ҳалокатли тугашидир. Бу ҳалокатнинг асосида бино ва иншоотларнинг бузилиши ётади.

Зилзила хавфини йўқотишга ҳозирча эришилмаган экан, унинг таъсирини камайтириш йўлларидан бири зилзилага чидамли бино ва иншоотлар қуришдан иборатдир.

Зилзила юз берадиган районларда қуриладиган бино ва иншоотлар келажакда таъсир этиши мумкин бўлган сейсмик кучларга ҳисобланган бўлиши керак.

Ҳисоблашларда зилзила кучи қўйидагича ифодаланади

$$k_c = \frac{\alpha_{\max}}{g} \quad (7.1)$$

Бунда:

$\alpha_{\max}$  - сейсмик тебраниш,  $\text{мм}/\text{с}^2$ ;

$g$  - жисмнинг эркин тушиш тезланиши  $\text{мм}/\text{с}^2$ .

Зилзила кучини ифодаловчи 12 баллик сейсмик шкала кўрсаткичи мавжуд бўлиб, 6 баллдан кичик таъсир иншоот қурилишида ҳисобга олинмайди, 9 баллдан юқори зилзила бўладиган жойларда қурилиш ишларини олиб борилиши ман этилади.

Зилзила кучлари инерция ҳолатида бўлиб, у юз берган вақтида ер устки қисмининг тебраниши натижасида вужудга келади. Зилзила ўчоғи ниҳоятда мураккаб шароитда ер қатламининг чукур жойларида юз бера-диган суримишлар ва силжишлар маркази (гипоцентр) одатда, 20–50 км ва ундан ортиқ чуқурликда жойлашади.

Маълум чуқурликда юз берадиган силжишлар, ер қатлами бўйича сиқилиб-чўзилувчан бўйлама ва кўндаланг эгилувчан тўлқинлар ҳосил қиласидилар. Бу тўлқинларнинг таралиши тезлиги гаунт турига боғлиқ бў-либ, уларнинг ўртача қийматлари, ўта намли қумлар учун – 15–20 м/сек; йирик сочишларнинг тош, шағаллар учун – 600 – 800 м/сек; лойли грунтлар учун 1400-1800 м/сек; яхлит тоғ жинслари учун – 250 – 4000 м/сек ва ҳоказодан иборат.

### **Тиргович деворларни ва пойдеворларни лойиҳалашда сейсмик кучни ҳисобга олиш**

Ҳисоблашларда сейсмик таъсрнинг ер усти қурилмаларга таъсири ва инерция кучини ер ости қурилмаларига таъсири ҳисобга олинади.

Тиргович деворга таъсир этадиган  $q_{ac}$  ва  $q_{pc}$  жиддий ва пассив босимлар сейсмик таъсирни ҳисобга олиб амалга оширилади.

$$q_{ac} = [1 + K_c \cdot \operatorname{tg} \left( 45^\circ + \varphi_{\gamma_2} \right)] \cdot \sigma_a \quad (7.2)$$

$$q_{pc} = [1 - K_c \cdot \operatorname{tg} \left( 45^\circ - \varphi_{\gamma_2} \right)] \cdot \sigma_p \quad (7.3)$$

Бунда:

$K_c$  - сейсмиклиқ коэффициенти ер қимирилаш кучига боғлиқ бўлади. Масалан, 7 балл-0,025;

8 балл-0,05;

9 балл – 0,10;

$\varphi_1$  – грунтни турғунликка ҳисоблашдаги ички ишқаланиш бурчаги;

$\sigma_a$ ,  $\sigma_p$  – статик ҳолдаги жиддий ва пассив босимлар.

Тўлқин ўтиши натижасида грунтда қўшимча горизонтал нормал  $\sigma_p$  уринма  $\tau_h$  кучланиш ҳосил бўлади, буларни қўйидагича аниқлаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} \sigma_h &= \pm \frac{1}{2\pi} \cdot K_c \cdot \gamma_s \cdot C_p \cdot T_0 \\ \tau_h &= \pm \frac{1}{2\pi} \cdot K_c \cdot \gamma_c \cdot C_s \cdot T_0 \end{aligned} \right\} \quad (7.4)$$

Бунда:

$\gamma_s$  – грунтнинг заррачаларининг солиштирма оғирлиги;

$C_p$ ,  $C_s$  - бўйлама ва кўндаланг тарқалиш тезлиги;

$T_0$  – ер тебранишларининг энг кўп бўлгандаги тебраниш даври.

Бундан ташқари сейсмик куч ҳам ҳисобга олинади:

$$S_{ik} = Q_k \cdot m_i \cdot k_c \cdot \beta_t^0 \cdot \eta_{ik} \quad (7.5)$$

Бунда:

$Q_k$  – к нуқтага қўйилган юкнинг қиймати;

$m_i$  – 1 дан 1,5 гача ўзгарадиган ва бино ва иншоотнинг жавобгарлик синфларига боғлиқ коэффициент;

$\beta_i^0 \cdot \eta_{ik}$  – келтирилган динамик коэффициент. Тиргович девор учун  $\beta_i^0 \cdot \eta_{ik} = 1,5$  тебраниш шаклини ҳисобга олади.

## 7.2. Қурилиш майдонининг зилзилага мустаҳкамлиги

Иншоот заминнинг зилзилага мустаҳкамлигини аниқлашда, тўлқинлар таъсири натижасида ҳосил бўлувчи сейсмик тебранишнинг юқори қиймати ( $a_{max}$ ) асосий роль ўйнайди. Шунинг учун сейсмик тезланишнинг юқори қийматини тўғри ва аниқ белгилаш жуда катта аҳамият касб этади.

Бу мақсадда аҳоли яшайдиган йирик пунктларда, ҳамда катта аҳамиятга эга бўлган саноат ва гидротехника қурилиш обьектларида маҳсус геологик ва гидрогеологик қидирув ишлари олиб борилади. Бу қидирув ишлари натижасида қузатилган район учун йирик масштабли харита тузилиб, унда турли грунтлар ўзига хос баллар билан ифодаланади. Сейсмик хариталар умумий асосга таяниб тузилади. Бунда юқоридагиларни ҳисобга олиб грунтларнинг сейсмик хусусиятлари асос қилиб олинади. «Сейсмомикрорайон» харитаси деб аталувчи бундай хариталардан майдоннинг зилзилага нисбатан мустаҳкамлигини ва қурилиш ишлари олиб бориш учун қулай бўлган майдон ахтаришда фойдаланилади.

Шу атрофда учрайдиган грунтларнинг зилзила балини аниқлашда С.В.Медведев таклиф этган қуйидаги ифодадан фойдаланилади:

$$k = 1,67 [\lg(U_m \cdot \rho_m) - \lg(U_k \cdot \rho_k)] \quad (7.6)$$

Бунда:

$k$  – ҳисоблаш балининг мезон грунтига нисбатан ортиқ ёки камлиги;

$U_k$ ,  $U_m$  – қузатув олиб борилаётган ва мезон грунтларда зилзила тўлқинларининг тарқалиш тезлиги;

$\rho_k$ ,  $\rho_m$  – қузатув олиб борилаётган ва мезон грунтлар заррачаларининг зичлиги.

## 7.3. «Зилзилабардош заминлар» усули

Кейинги вақтда кучли зилзилалар юз берадиган жойларида кўплаб турли иншоотлар бунёд этилиши сабабли уларнинг сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифадир.

Ҳар қандай заминнинг зилзилага мустаҳкамлик ҳолатини аниқлашда грунтларнинг физик-механик ва мустаҳкамлик кўрсаткичларидан фойдланиш мақсаддага мувофиқ бўлиб қолди.

Қурилиш майдонининг зилзилага мустаҳкамлиги “Зилзилабардош заминлар” усулидан топилади [6]. Бу усулга асосан ҳар қандай қурилиш майдонининг зилзилабардошлиги шу майдон ташкил топган грунтларнинг физик-механик ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари ва иншоотда заминга таъсир этувчи босим қиймати ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Бунда қурилиш майдонининг ҳисобий зилзила бали шу майдон жойлашган атроф учун ўрнатилган баллдан ортиқ ёки камлиги сейсмик мустаҳкамлик коэффициенти орқали ифодаланади:

$$k_m = \frac{\alpha_m}{\alpha_c} , \quad (7.7)$$

Бунда:

$\alpha_c$  - қурилиш майдони жойлашган тегра учун белгиланган энг кучли зилзила тезланиши;

$\alpha_m$  - мувозанат тезланиши.

Мувозанат тезланиши деб шундай зилзила тебранишига айтиладики, унинг таъсирида тебранаётган грунт ўз мустаҳкамлигини сақлади. Шунинг учун заминга таъсир этаётган зилзила тезланиши қиймати мувозанат тезланишидан юқори бўлса, у ҳолда грунт ўз мустаҳкамлигини йўқотиб, заррачалар ўртасида ўзаро зичлашув юз беради.

Мувозанат тезланиши қўйидагича аниқланади:

$$a_m = \frac{2\pi \cdot g \cdot (\delta \cdot \operatorname{tg} \varphi_w + c_v)}{\gamma_w \cdot T \cdot U_m} \quad (7.8)$$

Бунда:

$g$  – жисмнинг эркин тушиш тезланиши;

$\delta$  – грунт оғирлигидан ва иншоотдан кузатув олиб борилаётган сатҳга таъсир этувчи тик босим қиймати;

$\varphi_w$  – грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги;

$c_v$  – боғланиш кучи;

$T$  – тебраниш даври;

$U_m$  – зилзила кўндаланг тўлқинларининг тезлиги.

Зилзилага чидамли майдон қидиришда асосан қулай ёки ноқулай грунт шароитларига аҳамият берилади.

Одатда, зилзилага чидамли бўлган қулай грунтларга, бузилмаган яхлит тоғ жинслари, зич жойлашган, кам намли йирик майда

заррачали грунтлар киради. Шу билан бирга тик қияликлар, зах чуқурликлар ва текисликлар, шунингдек, тўла намланган майда заррачали қумлар, пластик ҳолатдаги лойлар, соғ тупроқли грунтлар зилзила жиҳатидан ноқулай деб ҳисобланадилар.

#### **7.4. Зилзила таъсирида грунтларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларининг ўзгариши**

Зилзила юз берган вақтда грунт қатламлари бўйлаб турлича бўйлама, кўндаланг ва ер юзаси бўйича тарқалувчи тўлқинлар ҳосил бўлиб, уларнинг грунт заррачалари ва улар орасидаги сув ва газларга таъсири натижасида сиқилиш-чўзилиш ва силжиш кучланишлари вужудга келади. Бу вақтда грунт эгилувчан деформация таъсирида бўлиши билан бирга, баъзи ҳолларда унинг структураси бузилиб заррачалар ўзаро зичланишлари ҳам мумкин.

Ҳ.З. Расулов ишлаб чиқсан «Намланган грунтлар структурасининг зилзила таъсирида бузилиши» ҳақидаги назарияга асосан ўта намланган заррачалари ўзаро боғланган грунтларга зилзила таъсир этганда, бу таъсир биринчи навбатда грунт заррачаларини бир-бирига боғлаб турувчи куч орқали қабул қилинади. Қачонки бу куч силжитувчи сейсмик кучланишлари таъсирида енгилмас экан грунт квази қаттиқ жисм ҳолида тебранишда давом этади ва грунт заррачалари орасидаги боғланишлар фақат эгилувчан хусусиятга эга бўладилар.

Бундан эса заррачалари ўзаро боғланган грунтлар структурасининг сейсмик кучланиш таъсирида бузилиш табиати тебраниш даврида грунтнинг силжишга қарши мустаҳкамлик кўрсаткичлари ўзгаришига боғлиқ бўлади деган хulosса келиб чиқади.

Грунтларнинг силжишга қарши кўрсаткичлари, уларнинг силжитувчи ташқи кучларга нисбатан бўлган асосий мустаҳкамлиги бўлиб, улар ҳар қандай босимга ва грунт заррачаларининг ўзаро боғланиш ҳолатларига қараб ўзгарувчан бўладилар.

Грунтларнинг силжишга қарши мустаҳкамлиги масаласи заррачалари ўзаро боғланган грунтларда заррачалари боғланмаган грунтларга нисбатан анча мураккабдир. Бу мураккаблик бундай грунтлар заррачалари умумий ҳолда юмшоқ пластик (коллоид  $C_w$ ) ва қаттиқ кристалл ҳолатдаги  $C_c$  боғланиш кучлари билан боғланган бўлиб, уларнинг табиати етарлича ўрганилмагандадир.

Шу билан бирга маълум шароитларда бундай грунтларда юмшоқ пластик, баъзан эса қаттиқ кристалл боғланишлар силжишга мустаҳкам-ликни аниқлашда асосий роль ўйнаши маълумдир.

Турли грунтлар устида олиб борилган кўплаб текширувлар натижасидан шу нарса келиб чиқадики, намланган ва ўта намланган грунтлар силжишга қарши мустаҳкамлик кучини кўпинча юмшоқ пластик ҳолатидаги боғланишлар ҳал қиласи. Шунинг учун силжитувчи сейсмик кучланишлар таъсирида грунтнинг қаршилигини ўрганишда кўпинча юмшоқ пластик боғланишга кўпроқ аҳамият беришга тўғри келади. Юмшоқ пластик боғланишларнинг асосий кучи грунт заррачалари сиртини ўраб турувчи сув қатламларининг ўзаро тортиш кучига боғлиқдир.

### **7.5. Заминаларнинг зилзилабардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар**

Заминаларни зилзилага нисбатан мустаҳкамлигини оширишга қаратилган тадбирлар турличадир. Уларнинг баъзилари замин грунтларининг зилзилага қарши мустаҳкамлигини оширишга йўналган бўлса (грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, яъни  $\phi$  ва С қийматларини сунъий йўллар билан кўпайтириш орқали), бошқалари эса иншоотнинг зилзилага бардошлигини оширишга (иншоотдан узатилаётган тик йўналган кучланишларни ва пойдевор чуқурлигини ошириш йўли билан) қаратилган.

#### **Грунтларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ошириш тадбирлари**

Грунтнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари  $\phi$ ,  $C_w$  ни ошириш бевосита мувозанат тезланиши  $\alpha_m$  нинг ва замин мустаҳкамлик коэффициенти  $k_m$  ни оширади [6]:

$$k_m = \frac{\alpha_m}{\alpha_c} , \quad (7.9)$$

Бунда:

$\alpha_c$  – қурилиш майдони жойлашган жой учун белгиланган энг

кучли зилзила тезланиши;

$\alpha_m$  – мувозанат тезланиши.

Бу мақсадда қуйидаги тадбирлар олиб борилади:

- бўш грунт қатламини зичлаш;

- грунт заррачалари орасидаги боғланиш кучи қийматини кимёвий йўллар билан ошириш;

- грунт заррачалари орасидаги боғланиш кучини иссиқлик таъсирида ошириш;

- ер ости сувларини замин атрофидан четлаштириш ва бошқалар.

## **Иншоот лойиҳаси билан боғлиқ бўлган тадбирлар**

Заминаларнинг зилзилабардошлигини иншоот атрофини қўшимча юлаш ва бўш ғовак грунтлар қатламини қисқартириш йўли билан ҳам ошириш мумкин. Иншоот атрофини қўшимча юлаш усули заминларнинг юк таъсири остидаги қисмининг атроф қисмларига нисбатан мустаҳкамлик хоссасига асосланган. Маълумки пойдевор учун қазилган чукур кўпинча шу жойдан олинган грунт билан тўлдирилади.

Пойдевор атрофига тўкилган грунтларнинг устидан зилзилага кўпроқ чидамли ашёлар билан юлаш мақсадга мувофиқ. Бундай тадбир тўкилган грунтларнинг мувозанат тезланишини ошириб, уларнинг зилзилага мустаҳкамлигини ҳам оширади.

Иншоот атрофини қўшимча юлаш мақсадида, кўпинча шу иншоотнинг атрофига жойлаштириладиган айрим бинолар ёки бу мақсадда йирик тошлар ва зичлаштирилган грунтлар ҳам фойда бериши мумкин.

Бўш ва ғовак грунтлар қатламини камайтирувчи тадбирларга бинокорлик тажрибасида кенг қўлланиладиган пойдевор чуқурлигини ошириш ёки қозиқли пойдевор қўллаш ва ҳоказолар киради.

Чуқур жойлашган пойдеворлар ҳар қандай иншоот учун, саноат ва жамоат, кўприк устуни, сув иншоотлари ва бошқалар учун ҳам жуда қўл келади. Бунда чукур жойлашган пойдеворлар ёрдамида қўшимча ертўлалар ҳосил бўлиб, улар келтирадиган фойдани назарда тутганда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чуқур пойдеворлар қўлланилганда иншоотдан тушаётган босим заминнинг чуқур ва пишиқ, кўп юк кўтарувчи қатламларига узатилиб, бу билан иншоотнинг умумий мустаҳкамлиги таъминланиши шубҳасиз.

Шундай қилиб, чуқур жойлашган пойдеворлар ва устун қозиқлар ишлатишдан асосий мақсад бўш ва ғовак грунтлар қатламини қисқартириш йўли билан заминларнинг зилзилабардошлигини оширишдан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, заминларнинг зилзилабардошлигини оширишнинг юқорида айтиб ўтилган тадбирлари бинокорлик тажрибасида фойдаланиладиган тадбирларнинг айримлари бўлиб, уларнинг сони ҳар бир алоҳида шароитга мос равишда ошиб бориши мумкин.

## **VIII БОБ. ТЕБРАНМА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАР ПОЙДЕВОРЛАРИ**

### **8.1. Машина ва ускуналар заминининг тебраниши**

Динамик кучлар пойдевор орқали заминга узатилади. Натижада машина пойдевор билан биргаликда тебранма ҳаракат қиласи. Тебраниш-нинг сўниши грунтнинг турига боғлиқ бўлади. Куруқ грунтларда сўниш жуда тез бўлади. Сув билан тўйинган грунтларда секин сўнади. ҳозирги замонда динамик таъсирни камайтиргичлар ишлаб чиқариш, майдонни қуритиш ва устун қозиқли пойдеворлар қўллаш ҳам яхши натижалар беради. Барча тарбирлар Курилиш меъёрлари ва қоидалари 2.02.05 – 98 талабларига асосан олиб борилади.

Машина ва ускуналардан тарқалувчи тебранма ҳаракат бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар асосида юзага келади. Маълумки, бўйлама ёки сиқувчи тўлқинлар грунт зарраларини ҳаракат йўналиши бўйлаб тебранишга олиб келади. Кўндаланг ёки силжитувчи тўлқинлар эса грунт зарраларини йўналишга тик равишда ҳаракатга келтиради. Улардан ташқари, сиқувчи тўлқинлар эса ер юзасидаги қатлам йўналишида ҳаракат қиласи.

Грунт сатҳидан бошланган тебраниш чуқурлик бўйлаб тарқалиб сўниб боради. ҳаракатнинг сўниши фанда тебранишнинг декременти деб аталади.

Тебранишларнинг сўниш хусусияти замин грунтларининг турига, уларнинг табиий ҳолатига, қатлам қалинлиги ва бошқаларга боғлиқ. Масалан, қуруқ грунтлардаги тебраниш тез сўнади. Аксинча сувга тўйинган лойли грунтларда эса тебранишнинг сўниши узоқроқ давом этиб, чуқурроқ давом этиб, чуқурроқ масофага тарқалиши қузатилади.

Кўплаб машина ва ускуналардан тарқалувчи тебранишлар, асосан кичик амплитуда бўлиб, уларнинг қиймати микроманометрлар билан ўлчанади. Лекин резонанс ҳодисасига учраш ҳолатлари ҳам тез-тез пайдо бўлиб, унда тебраниш амплитудаси бир неча ўнлаб миллиметрга этиши мумкин. Шунинг учун машина ва ускуналар пойдеворини лойихалашда резонанс ҳодисаси алоҳида ҳисобга олиниши керак.

### **8.2. Машина ва ускуналар пойдеворлари**

Грунтларнинг тебраниши кўпинча замин зўриқишини ортишига сабаб бўлади. Бу эса нохушликларни келтириб чиқаради. Машина ва ускуналар пойдеворлари бетондаги ёки қўйма темирбетондан ва

йиғма қўйма (аралаш) айрим ҳолларда йиғма қилиб ҳам лойиҳаланади.

Йиғма-қўйма пойдеворлар учун қабул қилинган бетоннинг синфи В 12,5 дан кам бўлмаслиги керак. Йиғма пойдеворлар учун эса В 15 дан кам бўлмаслиги керак.

Машиналар остидаги пойдеворларнинг шакли иложи борича оддий бўлиши керак. Ҳар бир машина остига алоҳида ёки бир неча машина остига умумий қилиб лойиҳаланади.

Динамик юклар таъсирида ишлайдиган машиналар ости пойдевор-ларнинг қурилмалари иккита асосий турга ва ром шаклига бўлинади (8.1-расм). Қозиқли пойдеворлар қўйидаги холатларда қўлланилади:

- а) қурилиш майдони ўта ва нотекис чўкувчан грунтлардан ташкил топган бўлса;
- б) майдоннинг кичиклиги туфайли пойдеворларни табиий заминга жойлаштириш имконияти бўлмаса;

### **8.3. Машина ва ускуналар ости пойдеворларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш**

Динамик юк таъсиридаги машина ва ускуналар пойдеворларини лойиҳалашда топшириқда қўйидагилар бўлиши керак:

Машинанинг техник характеристикалари, қуввати, умумий оғирлиги, ҳаракатланувчи қисмининг оғирлиги, зарбининг тезлиги;

Статик юк қўйиладиган жой, ҳамда амплитуда частотаси динамик юкнинг катталиги ва йўналиши ва шу билан бирга пойдевор маҳкамланадиган болтларнинг ҳисобий юклари;

Пойдевор ва заминнинг рухсат этилган чегаравий чўкиш қийматлари;

Пойдеворга машина ва ускуналарни жойлаштириш талаблари;

Алоҳида ҳар қайси машина остига ёки умумий пойдевор;

Пойдевор ўлчамлари чизмалари, ҳамда қўшимча жиҳоз ва коммуникациялар чизмалари ва бошқалар;

Қурилиш майдонининг мұхандис-геологик шароитлари тўғрисида маълумотлар;

Пойдеворни ер ости сувларининг агрессив таъсиридан ҳимоя қилиш талаблари, мойлаш материаллари, ҳарорат ва бошқалар;

Динамик юк таъсиридаги пойдеворлар Қурилиш меъёрлари ва талаблари 2.02.05-98 талабларига асосан лойиҳаланади.

Бундай пойдеворлар 2 та чегаравий ҳолат бўйича, яъни юк кўтариш қобилияти ва деформация бўйича ҳисобланади:

## **IX БОБ. ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ**

### **9.1. Замин ва пойдеворларни таъмирлаш сабаблари**

Саноат корхоналари, жамоат ва туаржой биноларини таъмирлаш масаласи кўрилганда ёки фойдаланишда бўлган бинолар остидан ер ости иншоотларини ўтказиш вақтида, улар яқинида янги бино барпо этишда. Шунингдек иншоот заминида бетўхтов чўкишлар юз берган вақтда пойдеворнинг мустаҳкамлигини ва унинг юк кўтариш қобилиятини қайта баҳолаш талаб этилади. Бундай баҳолаш натижаси қўйилган талабларга жавоб бермаган ҳолларда пойдеворни таъмирлаш масаласи ўртага ташланади.

### **9.2. Замин ва пойдеворларни таъмирлаш усуллари**

Курилиш амалиётида қўлланиладиган замин ва пойдеворларни таъмирлашга оид усуллар турли-туман бўлиб, уларни умумий мақсадга қараб шартли равишда уч турга бўлиш мумкин:

- 1) заминга узатилувчи босим қийматини камайтириш;
- 2) пойдевор ашёсини мустаҳкамлаш;
- 3) замин грунтларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ошириш.

#### **Заминга узатилувчи босимни камайтириши.**

Грунтлар механикаси фанининг асосчиларидан бири К.Терцаги йигирманчи йиллари бошидаёқ «Агар имконият яратилса, ҳар қандай грунт шароитида гарчи у ниҳоятда бўш бўлса ҳам, қанчалик юқори қийматли юк таъсир этишидан қатъий назар мустаҳкам ва турғун заминли бино яратиш мумкин» деб ёзган эди. Бу гапнинг мазмунида икки нарса ётади: биринчиси пойдевор таг юзаси ўлчамларини катталаштириш; иккинчиси эса пойдеворнинг чуқурлашни ошириб, босим қийматини чукур жойлашган мустаҳкам қатламларга узатиш.

Дарҳақиқат, заминга узатилувчи босим қиймати, асосан, пойдевор таг сатҳи ўлчамларига боғлиқ бўлиб, юза ортиши билан босим қиймати камаяди. Лекин пойдевор таг юзаси ўлчамларини катталаштиришда ҳам маълум чегара бўлиб, у бинонинг режа ўлчовлари билан белгиланади.

Пойдевор таг юзасини кенгайтиришни амалда икки усул ёрдамида бажариш мумкин: биринчиси, грунтни қўшимча босим таъсирисиз пойдевор таг юзасини кенгайтириш; иккинчиси эса қўшимча босим таъсирида таг юзани кенгайтириш. Иккала ҳолда ҳам юзасининг умумий майдони ортади. Фойдаланишда бўлган бино пойдеворининг чуқурлигини ошириш анча мураккаб эҳтиёт чораларини кўришни талаб этади, акс ҳолда бино зараланиши мумкин.


Таъмирланувчи пойдеворни маҳсус кўтаргичлар (домкрат)

ёрдамида маҳкамлаб, уни тагидан оз-оз қисмларга бўлиб кавланади. Кавланган қисмга бетон қўйилиб, сўнгра кейинги қисмига ўтилади. Бу ишни пойdevор таг юзаси тўлгунча давом эттирилади.

Саёз пойdevорларнинг чуқурлигини ошириш маҳсадида уларни қозикларга ўтқазиш амалда кенг қўлланилади (9.1-расм). Бунинг учун ҳам икки усул мавжуд. Биринчиси пойdevор танасини тик ва бурчак остида пармалаб (пармалаш диаметри 15-20 см) пуркагичлар ёрдамида юқори босимда суюқ бетон юборилади. Иккинчи усул эса пойdevорни маҳсус кўтаргичлар ёрдамида маҳкамлаб, унинг остига йифма темирбетон қозиклар босиб киритилади.

Грунтларни мустаҳкамлаш усули асосан грунтни сунъий қотириб, юқ кўтариш қобилиятини ошириш. Амалиётда силикатлаш, электрсиликатлаш, иссиқлик таъсирида (термик усул) қотириш, қумли ёстиклар қўллаш ва бошқа усуллар қўлланилади.

Цементлаш пойdevор ашёсининг мустаҳкамлиги етарли бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бунинг учун пойdevор танасига диаметри 25 мм бўлган тешикчалар ҳосил қилиниб, уларга пўлат қувурчалар киритилади ва улар орқали юқори босимда 0,3-0,5 Мпа 1:1 таркибли цемент қоришмаси юборилади.



9.1- расм. Устунни қозикларга осиб қўйиш чизмаси:

1 – қозик; 2 – янги пойdevор; 3 – эски пойdevор;

4 – домкратлар; 5 – устун; 6 – қовирғалар;

7 – тўсин; 8 – тақсимловчи тўсин.

Бетон ва темирбетон қопламалар цементлаш усулинни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Бетон қопламанинг минимал қалинлиги 15 см. кўпчилик ҳолларда 20-30 см қабул қилинади. Бундай қопламалар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин.

### **Замин ва пойдеворларда бурғилама қозиқлар қўллаш**

Бурғилама қозиқлар деворлардан ва пойдеворлардан ҳосил бўлган вертикал юкларни тўлиқ мустаҳкам заминга узатади. Пойдеворни кавламасдан заминларни мустаҳкамлаш учун диаметри 150 мм ли бурғилама қозиқлар ўрнатилади, уларнинг узунлиги 13 метргача бўлади ва 1-1,2 м масофада шахмат шаклида ўрнатилади.

Янги пойдевор ўрнатиш учун пойдевор остидаги грунт қазиб олинади.

Ҳозирги замонда кўпчилик ҳолларда пойдеворларни қозиқларга ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун темирбетон ёки металл қозиқлар домкратлар ёрдамида эзиз киритилади натижада бинодан тушаётган юкни қозиқли пойдеворга узатилади.

### **9.3. Фойдаланилаётган иншоот ёнида пойдевор ўрнатиш**

Аввалдан мавжуд бўлган иншоотларни чўкишга олиб келадиган сабаблар: аввалдан мавжуд бўлган иншоот ёнига пойдевор барпо этишда кўпчилик ҳолларда рухсат этилмаган чўкишларга олиб келади. Бу сабаблар қуйидагилар:

1. Хандақ томонга грунт ўпирилади;
2. Грунт сув таъсирида аввалдан мавжуд бўлган пойдевор остидан грунтнинг ювилиб чиқиши;
3. Шпунт, қозиқ қоқиши натижасида, димлик таъсир ҳисобига боғланышсиз грунт зичланади.
4. Пойдевор остидаги музлаган грунтнинг эриши.
5. Шпунтнинг хандак томонга силжиши.
6. Янги бунёд этилган иншоотдан тушаётган юк таъсирида грунтнинг зичланиши.
7. Қозиқка таъсир этадиган манфий ишқаланишнинг ривожланиши (ўсиши).

Буларнинг энг кўп такрорланиб турадигани шпунтнинг хандак томонга силжишидир.

Шпунт девор олдидағи аввалдан мавжуд бўлган пойдеворнинг мавжудлиги, унинг мустаҳкамлигини таъминлашдан ташкари

горизонтал силжишга ҳам йўл қўймайди. Бу зулфин ёки тиргак қўйиш билан амалга оширилади.

Олтинчи ва еттинчи сабаблар замин грунтларининг деформацияси билан боғлиқдир.

Бунёд этилаётган иншоот қанча оғир бўлса, у аввалдан мавжуд бўлган бинога қанча яқин бўлса, грунтнинг сиқилувчанлиги ва чўкиш воронкаси ҳам шунча катта бўлади.

Аввалдан мавжуд бўлган бино, ер ости коммуникациялари ва бошқа қурилмалар чўкиш воронкасига тушиб, конструкцияларни деформациясига олиб келади.

Биринчи 5 та сабаблар иш бажариш жараёни билан боғлик бўлиб, уни бартараф этиш мумкин. Аввалдан мавжуд бўлган иншоот ёнига, янги пойдевор барпо этилиши натижасида содир бўлган чўкишни бартараф этиш анча мураккаб масаладир.

Чўкиш воронкасини ўлчамлари қўшни пойдевор таъсири усули билан аниқлаш мумкин. Бундай усул сифатида сиқилувчи қатламни чеклаш усулидир.

Қўшни пойдевор таъсирини мутлақ йўқотиш учун у шпунт ёрдамида бўлинади, актив қатламни кесиб ўтадиган қилиб туширилади. Шпунт мустаҳкам грунтга киритилади.

Шпунт девори ҳар томонга ( $0,25 - 0,5$ ) h (бунда h – сиқиладиган қатлам қалинлиги) бўлган шпорли бўлиши керак.


## **Х БОБ КҮПРИК ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ҚОЗИҚЛИ ВА УСТУНСИМОН ПОЙДЕВОРЛАР ТУРЛАРИ**

### **10.1. Қозиқли ва устунсимон пойdevорлар турлари**


Күприк қурилишида қозиқли ва устунсимон пойdevорлар грунт қатлами қалин, бўш ва зичланиши катта бўлган ҳолларда барпо этилади. Улар шунингдек, юқори сатҳда жойлашган, аммо сув чуқурлиги катта ёки сув оқими тубининг ювилиши эҳтимоли кўп бўлган мустаҳкам грунтга ўрнатилади.

Қозиқли ва устунсимон пойdevорларга, яхлит чуқур ўрнатиладиганларга қараганда кам материал сарфланади, уларнинг таннархи нисбатан арzon ва материалнинг мустаҳкамлик даражаси юқори бўлади. Бундай пойdevорлар вазни ва тутиб турувчи элементларнинг ўлчамлари кичик бўлгани сабабли, саноатбоп саналади. Уларни бутунлай ёки қисман йиғма қилиб тайёрлаш мумкин, чуқур пойdevорларни заминларга яхлит қилиб ўрнатилади. Қозиқли ва устунсимон пойdevорлар ўрнатишга, яхлитларга қараганда кам вақт кетади. Кўприксимон ва устунсимон пойdevорни ўрнатиш ишлари ишчилар учун зарарсиз бўлиб, кессон пойdevор нисбатан афзалликлардан биридир. Кўприксимон пойdevорларни бино ва иншоотларда қўллаш қўлами анча кенгайган. Аввал кўприксимон пойdevорлар зичланиши юқори бўлган грунтларда қўлланар эди, кейинги вақтларда биноларнинг кўприксимон пойdevорлари мустаҳкам грунтларда ҳам барпо этилмокда. Бундай грунтларда табиий заминдаги йиғма пойdevор ўрнига кўприксимон пойdevор ўрнатиш, ертўласиз бинолар учун ҳам мақсадга мувофиқдир.


Кўприксимон ва устунсимон пойdevорнинг кенг тарқалишига қурилиш техникасининг умумий ривожланиши сабаб бўлган. Агар аввал қозиқларнинг заминга ўрнатиш чуқурлиги 20 м дан ошмайдиган, битта қозиқнинг юк кўтариш қобилияти эса 1 МН дан ошмаган яхлит кесимли ёғоч ва темирбетон қозиқлар бўлган бўлса, ҳозирги вақтда қозиқ ва устунсимон пойdevорнинг 60 м чуқурликкача ўрнатиш имконини берадиган кучли жиҳозлар яратилган. Бу чуқурлик ҳам техник жиҳатдан чегара бўлмайди. Устунсимон пойdevорларни янада чуқурроққа ўрнатиш ҳоллари ҳам маълум. Катта диаметрли қозиқ ва қобиқларнинг юк кўтариш қобилияти бир неча меганьютонгача етади. Қозиқли пойdevорнинг конструктив элементлари 10.2-расмда келтирилган. Ростверкнинг турига қараб қозиқли пойdevор баланд (10.1 ва 10.2-расм) ва паст (10.3-расм) ростверкли бўлиши мумкин.



10.1-расм. Яхлит кесимли вертикал темирбетон қозиқлы пойдеворлар.  
 а – фасад, б – қозиқлар режаси, 1 – дағал юмшоқ гил; 2 – чангсимон қум, 3 –  
 емирилишдан кейинги туб сатҳи; 4 – худди шу, сув таъсирида умумий емирилишдан  
 сўнг; 5 – кўприкнинг ўқи.



10.2 - расм. Баланд ростверкли, бурама қозиқли кўприк пойдевори таянчи:  
 а – фасад, б – таянчнинг ўқи бўйича кесими; г – ён томондан кўриниши; г – 2,41 м  
 белги бўйича қозик режаси ( сувости бетон кўрсатилмаган; пунктир билан шартли 1,41 м  
 белгидаги таянчнинг контури кўрсатилган); 1 – д = 540 мм бўлган темирбетон ўзакли  
 бурама қозик. 2 – ювилишнинг максимал даражасининг чизиги; 3 – сув ости бетони; 4 –  
 бетон; 5 – бутабетон; 6 – кўприкнинг ўқи;



10.3 - расм. Хлебников услубидаги бурғилаб ўрнатиладиган қозикли аркасimon кўприк таянчининг пойдевори:

а – фасад; б – 3,60 белгидаги қозиклар режаси; 1 – ярим қаттиқ гил,  
3 – арканинг ўки.

Баланд ростверкли пойдеворнинг замин грунти сатҳидан баландда жойлашган. Замонавий кўприк меъморчилигида баланд ростверкли пойдеворлар кенг тарқалган. Уларнинг айниқса сувнинг чуқурлиги жуда катта бўлган ҳолларда қўлланилиши пойдевор ўрнатиш ишлари ҳажмини қисқартиради, таннархини камайтиради ва иш бажариш технологияларини соддалаштиради. Сув билан қопланмаган худудлардаги иншоотлар қурилишида паст ростверкли пойдеворлар кўпроқ қўлланилади.

Сув оқими бор жойларда паст ростверкли пойдеворларни жуда оғир музлик шароитида ва қозикларнинг бетонини тез едирилиб кетишига олиб келувчи сочилувчан грунтлардаги жадал ва узоқ вақт

жойини ўзгартырувчи сув чўкиндилари мавжуд бўлган ҳолларда қўлланилади.

Қозиқли пойдеворлар вертикал ва қия қозиқли қилиб барпо этилади.

Фақат вертикал қозиги бўлган, горизонтал оғирликнинг аҳамияти қозиқлар узунлигининг эркинлиги кам бўлса ва қозиқлар танасининг диаметри катта бўлса баланд ростверкли пойдеворлар қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Қия қозиқларга нисбатан вертикал қозиқларни грунтга ботириш анча енгилроқ. Бундай пойдеворларнинг камчилиги шундаки, қозиқларни жойлаштириш учун режадаги ростверк плиталари янада катта бўлишини талаб қилишидир. Қия қозиқли пойдеворларнинг ростверки режада анча ихчамроқ, чунки бундай ростверкларда фақат вертикал қозиқларга нисбатан замин сатҳидаги қозиқлар орасидаги масофани камроқ олиш мумкин. Вертикал қозиқли пойдеворлар горизонтал оғирлик тушиш даражаси қўпайса, қия қозиқлари мавжуд бўлган пойдеворларга нисбатан кўпроқ деформацияга учрайди.

Паст ростверкли пойдеворларда қозиқлар горизонтал юк ҳаракати остида анча қулай шароитда ишлайди, чунки қозиқлар ҳам, ростверк плитаси ҳам горизонтал кучларга қаршилик кўрсатаётган грунт билан ўралган. Шунинг учун бундай пойдеворларда асосан фақат горизонтал қозиқлар қўлланилади. Вертикал қозиқлар горизонтал кучларни кўп миқдорини тўлиқ қабул қила олмаганда, паст ростверкли пойдеворлардаги қия қозиқларни ишлатишга тўғри келади. Бундай ҳолатлар тиргович деворлар, кўприк ва аркали кўприклар таянчларини ўрнатилишида кузатилади (10.3 - расм).

Устунсимон пойдеворлар тутиб туриш элементлари диаметрининг катталиги ва уларнинг ҳолати вертикал бўлгани билан ажралиб туради. Ишлаб чиқариш жиҳатидан диаметри 1,6 м дан катта бўлган қия устунларни вертикалларига нисбатан ўрнатиш мураккаброқ. Устунсимон пойдеворлар тузилиши (конструкция), устунларнинг грунт ичидаги ишлеш шартлари ва иш технологияси билан қозиқли пойдеворларга ўхшайди. Шунинг учун бундай турдаги пойдеворлар ўртасидаги фарқни шартли белгиласа ҳам бўлади.

Кейинчалик қозиқли пойдеворларга юк кўтарувчи горизонтал ва қия элементлар диаметри 1,6м дан кам, устунсимон пойдеворлар эса – вертикал тўсик қурилмаларнинг диаметри 1,6 м дан кўп бўлган пойдеворларни ажратамиз.


Устунсимон пойдевор устунлар ва ростверкдан ташкил топган (10.4.-расм). Устунсимон пойдеворлар қозиқли пойдеворлардек

баланд (10.4, 10.5-расмлар) ва паст (10.7-расм) ростверкли бўлиши мумкин.


10.1...10.4 - расмлардаги пойдеворларда ростверклар оралиқ сувлар горизонтидан пастроқ жойлашган. Муз юрмайдиган ёки муз юриши суст бўлган дарёларда асоси сув сатҳидан баланд жойлашган ростверклар ҳам қўлланилади. Бундай ҳолда тўсин ўрнатиш ва сув чиқариш қурилмаси шарт эмас. Таянчнинг ташки кўринишини яхшилаш учун устунларнинг сувдан чиқиб турган юқори қисми ростверк периметри бўйича темирбетон қоплама билан қоплаб чиқиш мумкин. Бундай таянчларда ростверкка керакли шакл берилади, унинг материалига эса, устунларнинг юқори қисми материалига ҳам таянчларнинг материалига бўлган талаблар қўйилади. Муз юрадиган дарёлар учун бундай пойдеворлар устунларининг бошмоғини муз таъсиридан ҳимоя қилувчи, устунларга сув сатҳи орқали кийдириладиган темирбетон қопламалар қўллаш таклифлари мавжуд. (10.6 - расм)

Қозиқларни уни мустаҳкам ва кам сиқиладиган қоя ва яримқоя грунтларга етиб бормайдиган осма қозиқли пойдеворларни қозиқлари грунт ичида ишлаш характеристи бўйича ажратиш керак (10.1...10.3.-расмлар).


Устун қозиқли пойдеворларнинг қозиқ учлари қоя ёки яримқоя грунтга таянади. Худди шундай устунлар ости қисми қоя грунтгача етиб бормаслиги (10.4-расм) ёки қоя ичига жойлаштирилган бўлиши мумкин (10.5. ва 10.7 – расмлар).




10.4-расм. Устунлари қоямас грунтга қўйилган қўприк таянчи:  
а – фасад; б – қўприкнинг ўқи бўйлаб кўриниши; 1 – йирик қум; 2 – ярим қаттиқ ва  
қаттиқ гил.



10.5-расм. Устунлари қоя ичига жойлаштирилган кўприк таянчи:  
1 – қоя замин; 2 – шағал; 3 – сувости бетони; 4 – максимал ювилишсатҳи;  
5 – кўприк ўқи.



10.6 - расм. Ростверки сув сатҳидан юқорида жойлашган, ва муз юришидан ҳимояловчи устунлари қопланадиган кутили кўприк таянчининг устунсимон пайдевори:  
1 – тампонаж ҳалқаси; 2 – қутини тўлдирувчи бетон; 3 – «қуруқлигича» жойлаштирилган устуннинг юқори қисмидаги қаттиқ зичланган бетон; 4 – ростверк; 5 – ҳимояловчи блок арматураси; 6 – темирбетон қути; 7 – устуннинг юқори қисмини бетонлаш учун пўлат қоплама; 8 – бурғилама тиқма устун.



10.7 -расм. Устунлари қоя ичига жойлашган паст ростверкли күпприк таянчи:  
а – фасад; б – күпприк ўки бўйича кўриниш.


Устунларнинг пастки қисми қоя орасига жойлаштирилиши бир неча омиллар билан боғлиқ. Қобиқнинг диаметри катта бўлган ва сув остига учи очиқ ҳолда туширилган устунларнинг ўрнатилишида қоянинг устки қатламининг сатҳи нотекис бўлса, қобиқларни қоя устига бир текисда таянишни таъминлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда юк кўтарувчи тутиб турувчи элементларнинг ишончли таянишига эришиш учун устунлар қобиғининг ички бўшлиғи орқали қояни бурғилаб, темирбетон тўлдирувчилар билан тўлдириш керак бўлади. Кўпинча қоянинг устки қатлами синган бўлади ва устуннинг юк кўтариш қобилиятини керакли даражада таъминлаш учун, бу қатламни ўйиб чиқишига тўғри келади. Устун қозиқларни мустаҳкам қоя ичига киритиш, уларни қоя ичидаги сиқилиб туриши учун ҳам керак бўлади, айниқса қоя устидаги грунт қатламининг оғирлик кучи камроқ ёки улар умуман бўлмаса ва пойдеворга тушаётган горизонтал кучлар таъсири кўп бўлганда керак бўлади. Бундан ташқари, қоя ичига устунни жойлаштириш чуқурлигининг ортиши унинг қояли

грунт заминининг ўққа тушадиган оғирликка нисбатан юк кўтариш қобилиятини ошишига олиб келади.

Бетон тўлдирувчи кесимининг юзига тенг бўлган қоянинг устки қатлами сатҳидаги қобиқлар ичидаги устунлар кесимининг юзи (10.5 ва 10.7- расм), юқорида кўрсатилган сатҳ кесимининг юзидан кичик бўлади. Бу сатҳдаги устунга тушаётган юкни қабул қилиш учун, қобиқларни арматура билан мустаҳкамлашга тўғри келади. Ҳозирги вактда қобиқларнинг ташқи диаметри қобиқлар бўшлиғидаги диаметрдан катта бўлган бурғилаш ускуналари яратилган. Бу қобиқларни қоя ичига қудук қазишдан аввал бутунлай жойлаштириш имкониятини беради ва устунни бутун баландлиги бўйича мустаҳкам қиласи. Аксарият ҳолларда қобиқлар тўлдирувчисининг арматура билан мустаҳкамлаш талаб қилинмайди.

Қозиқ ёки устун қозиқ асоси юқори қатламларига нисбатан зичлашмайдиган қояли грунт қатламига таянганда грунтга тушаётган юк (10.8-расм) қоя сатҳи орқали заминга узатилади:  $p=N$

Осма қозиқ ёки устун қозиқнинг юк кўтариш қобилияти замин остида жойлашган қоя грунт ва қозиқ материалининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бундай юк кўтарувчи элементларга барпо этилган пойдеворнинг чўкиши қояли замин чўкиши ва қозиқ танасининг бўйлама деформацияси ҳисобидан зичлашган чўкишларидан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Одатда бу ўлчамлар унчалик катта бўлмайди.



10.8-расм. Устун (а) ва осма (б) қозиқларга таъсир этувчи кучлар схемаси.

Осма қозиққа тушадиган юк грунтга пойдевор таг сатхи сирти ва қозиқнинг ён сирти орқали узатилади. Грунт ичида тенг таъсир этувчи ён томонига тарқалган  $N_b$ , ва қозиққа таъсир этувчи  $No$  реактив кучлар ҳосил бўлади.  $P=N_6+N_0$


Осма қозиқнинг юк кўтариш қобилияти қозиқ атрофидаги грунтнинг хусусияти ва қозиқнинг тагида жойлашган грунтнинг хусусиятларига боғлиқ. Осма қозиқ ёки устуннинг чўкиши унинг бўйлама деформацияси ҳисобига чўкиш ва грунт деформацияси ҳисобидан келиб чиқади, бунда биринчи ўлчам одатда иккинчисидан анча кичик бўлади.

10.1...10.5 ва 10.7-расмларда қозиқли ва устунсимон пойдеворларнинг сув сатҳи ва грунт юзидан пастда жойлашган яхлит ростверклар кўрсатилган. Бундай пойдеворларнинг таянчларига таъсир кўрсатаётган оғирлик катта бўлганда, ҳамда таянчлар баландлиги юқори ва кучли муз оқиш ҳолатларида жойлаштирилади.

Кейинги йилларда нафақат кичик, балки ўрта оралиқли кўприклар пойдевори ва таянчи сифатида қозиқли ва устунсимон пойдеворлар кенг қўлланилмоқда. Бундай конструкциялар техник адабиётларда ростверксиз таянчлар ёки эстакада қўринишидаги кўприк таянчлари деб номланди. Бевосита оралиқ қурилмаларининг таянч қисмларига ўрнатиладиган пойдеворлардаги, бир вақтда пойдеворнинг баланд ростверки бўлади, чунки у қозиқ ёки устунларни бирлаштиради ва уларга қурилмаларидан тушадиган юкни тақсимлайди.

Кичик оралиқли кўприкларда кўприк ўқига кўндаланг бир ёки икки қатор жойлашган яхлит кесимли бўлган (оралиқли) призмасимон қозиқли таянч пойдеворлар қўлланилмоқда. Ўрта оралиқли кўприкларда бундай таянчларни ернинг устки қисмига  $d=0,8$  м бўлган йиғма қозиқ ва яхлит доира кесимли  $d=1,5\dots1,7$  м бўлган яхлит устунлар, ҳамда  $d = 1,2\dots1,6$  м бўлган йиғма темирбетон қобиқли устунлардан жойлаштирилади, пойдевор қисмиде эса  $d = 1,2\dots1,7$  м бўлган (бурғилама тиқма) қозиқ ва устунлардан,  $d = 1,3\dots3,0$  м бўлган темирбетон ва пўлатдан тайёрланган қобиқлар, олдиндан бурғилangan қудукларга жойлаштириладиган қозиқлар.


Муз оқар дарёларда музнинг қалинлиги 0,6 м гача бўлса, узунлиги 12 м дан 33 м гача бўлган кўприкларнинг оралиқ қурилмалари остига таянчларнинг юқори қисми  $d=0,8$  м бўлган йиғма яхлит кесимли айлана шаклидаги таянчлардан ва пастки (пойдевор) қисми турли тўсиб туриш элементлардан ўрнатилади (10.9-расм).



10.9 - расм. Юкори қисми  $d=0,8$  м бўлган йигма айлана кесимли темирбетон устун ва пастки қисми турлича юк кўтарувчи элементлардан ташкил топган кўприкларининг таянчлари:

а – бир устунли; б – диафрагмаси бўлган икки устунли; в – уч устунли.


Бундай таянч пойдеворлар фойдаланиш шароитларига кўра биртўрт устунли бўлиши мумкин. Бир устунлиларидан муз оқиши бўлмаган таянчлар баландлиги 8м гача бўлган, икки-тўрт устунлилари эса – таянчлар баландлиги 14 м гача ва габаритлари Г-11,5 гача бўлганда фойдаланилади. Таянчлар тўсини йигма – бир ва икки бўлимлидир. Устун билан таянчлар пойдевор қисмининг туташиши накладкалар ёрдамида пайвандланади (10.1-расм), ёки стакан услубидаги чок ёрдамида (10.11-расм) амалга оширилади. Сув сатҳидан юқори ва пастроқда жойлашган туташиш бетонини қуруқлигича қобиқ ҳимояси остида зичлаштириб (10.10,а ва 10.11,б-расм), бурғулама тиқма қозиклар бўлганда эса – устуннинг ишчи арматурасига пайвандлаш орқали пўлат қоплама ҳимояси (10.10,в ва 10.11,а-расм) ёрдамида ётқизилади.



10.10 - расм. Накладкалар орқали пайвандланган устун билан боғланган таянчларнинг пойдевор кисми:

а –  $d=1,6$  м бўлган темирбетон қозик-қобиқлардан ташкил топган юк кўтарувчи элемент; б – бурғилаб тушурилган қозик-устунли юк кўтарувчи элемент; в – бурғилаб тўлдирилган қозиқли юк кўтарувчи элемент;

1 – максимал ўпирилиш сатҳи; 2 – сувларнинг ҳисобланган сатҳи; 3 –  $d=0,8$  м бўлган таянч танаси (таянч пойдеворининг устки қисми); 4 – планкалардаги пайвандланган туташиш жойи; 5 – каркасли туташиш жойининг кўшилган қисми; 6 – арматура каркаси; 7 – «қуруқ» ётказилган қаттиқ зичланган яхлит бетон; 8 – қозиқли қобиқ; 9 – ўртача йириклидаги қум; 10 – ВПТ услубида ўрнатилган бетонли (тиқин) қопқоқ; 11 – қоянинг грунтнинг устки қатлами; 12 –  $d = 0,8$  м бўлган устун қозик; 13 – қум-цементли қоришма; 14 – қоянинг устки қатлами; 15 – қозиқнинг арматура каркасига пайвандланган пўлат қоплама; 16 – бетон; 17 – арматура каркаси.



10.11 - расм. Стакансимон пойдеворнинг устки қисми:

а – бурғилаб тўлдирилган юк кўтарувчи элемент; б – қозик-қобиқли устун; 1 – арматурали каркасга пайвандланган пўлат қоплама; 2 – устун; 3,4 – арматура каркаси ; 5 – элементнинг бетон стержени; 6 – тўлдирувчининг арматура каркаси; 7 –  $d = 1,6$  м бўлган қозикли қобиқ; 8 – тўлдирувчи бетони.

Таянчнинг муз босимиға қаршилигини яхшилаш учун, таянчнинг баландлиги катта бўлса, таянчлар оралиғига диафрагмалар ўрнатилади (10.9,б- расм). Муз оқар дарёларда музнинг қалинлиги 1м гача бўлса, кўприк қурилмалар узунлиги 18...42 м ва таянчлар баландлиги 18 м гача бўлса, диаметри 1,2 ва 1,6 м ва деворининг қалинлиги 12 см (10.12-расм) бўлган темирбетон қобиқли бир-уч устунли таянч-пойдеворлар қўлланилади. Сув сатхининг тебраниш зонасида қобиқларнинг бўшлиғи мустаҳкамлиги бўйича В25, синфли совуққа чидамлилиги бўйича F300 ва сув ўтказмаслилиги бўйича W6 гуруҳли қаттиқ бетон билан қуруқлигича тўлдириб зичланади. Баландлиги 15м ва ундан кўп бўлган таянчлар устунларининг орасига ўрнатиладиган диафрагмалар устунларнинг муз босимиға карши ишини яхшилайди. Йиғма диафрагмали устунларнинг қаттиқ яхлит бирикмаларини ўрнатиш учун қўлланиладиган қобиқлар бўлинмаларнинг эни 0,5м бўлган бетонланмаган деразалари бўлади. Таянчларнинг йиғма тўсинларининг устунларни юқори кесимиға ўрнатилишида қобиқлар ботиши режада 10 см гача, баландлиги бўйича – 5 см гача бўлган ноаниқликларни коплашга имконият

беради. Тўсинларнинг устунли яхлит бирикмаларни жойлаш учун мўлжалланган пирамидасимон коваклари бўлади.

Узок Шарқда кўпrik ва осма йўлларнинг кўпи  $d=1,6\text{м}$  ва деворлар қалинлиги 18см бўлган йиғма темирбетон қобиқли устунсимон таянч-пойдеворлардан қурилган. Уларнинг ички бўшлигига арматурали каркас жойлашириб, бетон билан тўлдирилади. Деворлари қалинлашган бутунлай бўш танали темирбетон қобиқли таянч-пойдеворлардан қурилган иншоотлар мавжуд.

Устунсимон таянч-пойдеворлар қурилмалари паст ва баланд ростверкли қозиқли ва устунсимон пойдеворлар таянchlари, ҳамда қўйилган пойдеворлар таянчи ва чукур қўйилган катта пойдеворлардан бир турли ва соддалиги, йиғма темирбетон қўллаш имконияти борлиги, уларни барпо этиш ишлари анча соддалашгани (ер қазиш ва сув ости ишлари бўлмайди) кўп ҳолларда тежамлилиги ва иш жараёни ихчамлиги билан ажralиб туради.


Таянч-пойдеворларнинг камчилиги – уларнинг горизонтал йўналишдаги катта деформацияланиши ва кесими нисбатан кичикрок бўлган қозиқ ва устунсимон қозиқларга тушадиган бевосита таъсири, муз, жойини ўзгартирувчи чўкиндилар ва баъзи иқлимиy омилларидир. Бу нокулай омиллар вақт ўтгач, маҳсус тадбирлар қўлланилmasa, тўсиқ қурилмаларнинг материалининг чириб кетишига олиб келади.

Резинали таянч қисмларга тўсинли қурилмалар таянганда ва тўсин қурилмаларга бир томонлама юк тушириш ҳолларида кўпrikка тушадиган тормоз кучларини кўпrikning барча таяnchlари ва қозиқлари қабул қиласи. Ҳар бир таянч-пойдеворнинг юк қўтариш қобилияти бўйлама йўналишдаги кўпrik тўsin қурилмалари ва таяnchlарнинг бу йўналишдаги ҳар бир таяnch деформацияланиши ва таяnch қисмларининг эгилувчанлиги ҳисобидан топилади. Ғалтаксимон (катковый) таяnch қисмларни қўллашда баъзи ҳолларда бўйлама йўналишили ҳароратлама-қиркилmas тузилишдаги узлуксиз қатнов қисмли қирқма тўсиқ қурилмаларни барча тизимдаги тормозланиш кучларни ўзига оладиган маҳсус анкер таяnchlардаги қўзғалмайдиган таяnch қисмлар ўrnatiш билан бирлашириш мақсадга мувофиқ бўллади. Бундай таяnchlардаги устунлар сони, бошқаларга қараганда, кўпроқ чикади. Зарур бўлса, устунлар икки қатор қилиб жойлаширилади. Жой ўзгартирувчи чўкиндилар таъсиридан емирилиш, ҳамда бевосита муз таъсиридан ҳимоя қилиш учун устунлар пўлат қопламалар билан ўралади. Карчеходли

дарёларда устунлар орасига оқизилган хода синиқлари ва йиқилган дараҳт шохлари тўпланиб қолишининг олдини олиш учун сувнинг чуқурлиги бўйлаб темирбетон ажратувчи деворлар ўрнатилади.

Йиғма темирбетон қобиқлардан ишланган таянч-пойдеворларни ўрнатишда атроф муҳитнинг белгиси ўзгарувчан ҳарорат шароитида ва сув сатҳи ўзгариб турадиган жойларда қобиқлар материалининг чидамлилигини таъминлаш тўғрисида савол туғилади. Ичи бўш ва бетон билан тўлдирилган темирбетон қобиқларда қурилган таянч-пойдеворлардан фойдаланиш тажрибаси кўп ҳолларда қобиқларда деформациялар бўлмаганини кўрсатади. Баъзи ҳолларда тафтишлар ташқи ҳавонинг ҳарорати ўзгарганида тўлдирилган бетон кенгайиши сабабли, ичи бўш қобиқларда эса қобиқлар ичида ҳосил бўлган муз эриб, сув чиқиб кетиши қийинлашганлиги сабабли қобиқларда бўйлама ёриқлар пайдо бўлганини кўрсатади. Тўлдирилган қобиқларнинг ёрилишининг асосий сабаби тўлдирувчи бетоннинг сифати пастлигидадир (унинг зичлиги етарли эмас, юқори сув шимилиши, қобиқларнинг ички сиртида шламсимон қатlam мавжудлиги ва ҳ. к.) Ичи бўш қобиқлардаги ёриқлар ҳосил бўлишини олдини олиш учун уларда грунтнинг музлаш чегарасидан ёки батамом музлаш (ледостав) сатҳидан пастроқда заҳ тортиш тирқишлиари ўрнатилади.


Намунавий (андаза) таянчларда (10.12-расм) уларнинг чидамлилигини ошириш учун пойдеворнинг юқори қисмида қозик-қобиқли бўлинмаларни шу диаметрдаги доира кесимли яхлит йиғма бўлинмаларга алмаштириш ёки таянчнинг бу қисми яхлит қилиб ишланган бўлиши мумкин.



10.12.-расм.  $d=1,6$  м бўлган темирбетон қозиқ-қобиқли устунсимон таянч-пойдеворлар:  
а – диафрагмали икки устуни; б – уч устуни.

Байкал Амур Магистрали қурилишларида олдиндан бурғиланган қудукларга ўрнатилидиган,  $d=0,8$  м бўлган яхлит кесимли тўсиб юк кўтарувчи турувчи элементлардан ташкил топган таянч-пойдеворлар кенг қўлланилган (10.10,б-расм). Замонавий монтаж ва транспорт воситалари узунлиги 15...20м гача бўлган бундай элементлар диаметрини 1,2...1,5м гача ошириш имкониятини беради. Яхлит кесими кенгайтирилган йиғма темирбетон тўсик юк кўтариш қурилмаларнинг қўлланилиши оғир об-ҳаво шароитларида, темирбетон қобиқли таянчларга қараганда, таянч-пойдеворларнинг чидамлилигини оширади.

10.13-расмда йирик панелли бинонинг қозиқли пойдевори конструкцияси кўрсатилган.



10.13 - расм. Деворлар панели ва тўсиқлар плиталари ростверксиз тиргакли йирик панелли бинонинг қозиқли пойдевори:

1 – бош қисми; 2 – техник деворли панели; 3 – ташқи деворли панел; 4 – тўсиқ плитаси; 5 – қозиқ; 6 – ички деворли панел.

## 10.2. Қозиқ ва устунлар конструкциялари

Куйида транспорт қурилишида кўп тарқалган қозиқ ва устунларнинг асосий турлари кўриб чиқилган.

Қозиқ ва устунларнинг замонавий турларини ўрнатиш услуби бўйича икки асосий гурухга бўлиш мумкин: қоқиб киритиладиган ва бурғилаб тўлдирадиган. Биринчи гурухга грунтга тайёр ҳолатда қоқиши, титратиб ботқизиш ва ботириб ўрнатиладиган қозиқлар киради. Қозиқларнинг бу гурухига: ёғоч, яхлит кесимли темирбетон, прокат профилли пўлат, ҳамда ички ковакли бетон билан тўлдирилмаган темирбетон ва пўлат қобиқли қозиқлар киради. Бу гурухга грунтга тайёр ҳолатда бураб ўрнатиладиган бурама қозиқлар ҳам тегишлидир. Биринчи гурухнинг юк кўтариш тутиб туриш элементлари индустрiali тайёрланган конструкциялар бўлади.

Иккинчи гурухга кирадиган бевосита пойдевор қўйиладиган жойда грунтга ўрнатиладиган қозиқ ва устунлар киради. Бунинг учун турли йўллар билан қудуклар бурғиланади ёки кавланади ва улар бетон билан тўлдирилади. Зарур бўлса қудукларга арматура каркаслар

қўйилади. Бундай қозиклар давлатимиз ва чет эл бинокорлик соҳасида кенг тарқалган.

Бурғилаб ўрнатадиган қозик ва устунларни қудукларни бетон билан тўлдириш услуби бўйича яна қудукларни зичланмайдиган бетон билан тўлдириш ва зичланадиган бетондан тайёрланадиган элементларга бўлиш мумкин. Техник адабиётларда биринчиси заводда тайёрланган қозик ва иккинчиси эса бурғилаб ўрнатиладиган деб аталади.

Биринчи гурухдаги бурғилаб ўрнатиладиган қозикнинг юк кўтарувчи элементлари учун қудуклар буралиш ва зарбалаш ускуналари ёрдамида қазилади, сўнг эса уларни, кўпинча ВПТ услуби билан, ҳаракатчан бетонли қоришма билан тўлдирилади. Шунингдек, бурғилаб ўрнатиладиган қозик ва устунлар қозик орасини юк кўтарувчи элементларни ўрнатишда барча операциялар бажарилишини таъминлайдиган маҳсус универсал ускуналар ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчи гурухдаги қозикларнинг ўрнатилишида грунт ичига инвентар пўлат қобиқ жойланади, сўнг уни чиқариб, ҳосил бўлган бўшлиқни бетон билан тўлдирилади. Бундай қозикларга тез-тез зичланадиган қозиклар, Франки қозиклари, тебраниш технологияси бўйича тайёрланадиган қозиклар киради.

Қозикларни бевосита пойdevor ўрнатиш жойида бетонлаб тўлдирилган юк кўтарувчи элементларнинг, қоқиб киритилганларига нисбатан каттагина камчиликлари борлигини кўрсатди. Бурғилаб ўрнатиладиган қозиклар яхлит конструкцияларга тегишилдир. Уларни бетонлаш жараёнида бетонлаш ишларининг сифати қаттиқ назорат килиниши зарур. Меъморчилик амалиётида бурғилаб ўрнатиладиган қозикларнинг сифатсиз ўрнатилиш ҳоллари ҳам маълум. Бу ҳолат айниқса чиқариб олинган инвентар қобиқлар ёрдамида, уларни бетонлаш қоидаларига риоя килинмаганда кузатилади. Бунда узулишлар, маҳаллий торайишлар ва ғоваклар ҳосил бўлган.

Барча яхлит конструкциялар каби, бурғилаб ўрнатилган қозикларнинг камчилиги шундаки – улар оғирликни бошидан эмас, балки бетон зарур бўлган мустаҳкамликка эга бўлгандан сўнг қабул қила олади.

Шу билан бирга бурғулаб ўрнатиладиган қозиклардан юк кўтарувчи элементлари қоқиладиганларга қараганда бир қатор устунликларга эга. Бурғилаб ўрнатиладиган қозик ва устунларни, тўғри келадиган замонавий бурғилаш ускуналардан фойдаланса, катта чуқурликларга, ҳар кандай грунт ҳатто грунтда қаттиқ қояли ва

яrimқояли қатламлар бўлса ҳам ўрнатиш мумкин. Бундай ҳолларда қоқиладиган қозиқларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, чунки уларни грунтга ботириш қийин ёки мумкин эмас.

Бурғилаб ўрнатиладиган қозиқларнинг афзаллиги шундаки, уларни тайёрлашда пастки қисмини анча кенгайтириш мумкин, шунда қозиқларнинг грунтга нисбатан юк кўтариш қобилияти кескин кўтарилади. Нихоят, бурғилаб ўрнатилган юк кўтарувчи элементларни ўрнатишида, қоқиладиган ёки титратиб ботириладиган тайёр қозиқлар сингари атрофидаги грунтнинг тебраниши пайдо бўлмайди. Бундан келиб чиқиб, уларни авария ҳолатидаги иншоотлар пойдеворини мустаҳкамлаш ва грунт тебранишларига сезгир мавжуд бўлган иншоотлар яқинида ўрнатиладиган пойдеворларга нисбатан қўллаш мумкин.

Кўрсатилган икки асосий гурухлар оралигидаги жойни темирбетон ва пўлат қобиқлар эгаллайди. Уларни йифилган ҳолда грунтга жойлаштириб, бўшлиқлари бутунлай ёки қисман бетон билан жойида тўлдирилади.

Дастлаб бурғиланган қудуқларга жойланадиган қозиқ ва қобиқлар кўринишидаги юк кўтариш элементларини ҳам ажратиб кўрсатиш лозим. Олдиндан бурғиланган қудуқларга қўйиладиган қозиқлар доимий музликдаги грунтга ўрнатиладиган пойдеворларда кенг қўлланади. Бу услубдан мусбат хароратли, ҳаракатланиш қийин бўлган грунтларда қуриладиган қозиқ ва қобиқли кўприклар таянчларининг пойдеворларида қўлланилади.

**Темирбетон қозиқлар.** Бундай қозиқларнинг ёғоч қозиқлар сингари камчиликлари йўқ. Уларни қоқиши, титратиши, ботириши ёки грунтда олдиндан бурғиланган қудуқларга жойлаштириши орқали ўрнатилади.

Темирбетон қозиқларнинг асосий камчилиги уларнинг оғирлигидир. Узунлиги ва кўндаланг кесимининг ўлчамлари катта бўлганлиги сабабли қозиқларни кўтариш ва ботириш учун оғир кран ва қозиқ қоқиши ускуналар керак бўлади, шунинг учун бундай қозиқларнинг узунлиги 20м дан ошмайди.

Кўприк қурилишларида қўндаланг кесимлари 30x30, 35x35 ва 40x40см бўлган оддий ёки олдиндан зўриқтирилган квадрат кесимли призмасимон темирбетон қозиқлар кенг қўлланилади.

Узунлиги 4...17 м ва ёриқларнинг рухсат берилган кенглиги 0,2мм дан ошмаслиги керак бўлган оддий темирбетон ёриқларга чидамсиз кўприк қозиқлари паст ростверкли пойдеворларда қўлланилади. Уларни арматура миқдори, монтаж юкламалардаги


қозиқлар мустаҳкамлиги шартларидан белгиланиб, минимал бўлади. Уларнинг ишчи арматураси қозиқ кесимларининг бурчакларида жойлашиб, А-II синфли доиравий профилли тўртта ўзакдан иборат бўлади. Қозиқларни оддий иқлим шароитида ва шимолда ташки ҳаво ҳарорати – 40<sup>0</sup>С дан паст бўлган худудларда қўлланилади.

Ёриқларининг рухсат берилган кенглиги 0,1мм дан ошмайдиган зўриқтирилмаган ёрикларга чидамли кўприк қозиқларини (10.15-расм) баланд ростверкли пойдеворлар ва эстакада типидаги кўприкларнинг таянч-пойдеворларида қўлланилади. Улар ҳам оддий иқлим шароити ва шимолда қўллаш учун тайёрланади. Оддий иқлим шароити учун мўлжалланган бундай кўприк қозиқлари бўйича маълумотлар 10.1 ва 10.2-жадвалларда келтирилган.

Барча кўприк қозиқларнинг ишчи арматурасининг ҳимоя қатлами мавжуд, оддий иқлим шароити учун – 30мм, шимолда қўллаш учун – 50мм.

Ҳар бир қозиқка белги қўйилади. Масалан, қозиқнинг СМ12-35Т4 (10.15-расм) белгиси: С – қозиқ; М – кўприкка оид; 12 – узунлиги, м (L); 35 – кесим тарафи, см; Т – ёрикка чидамли; 4 – арматуралаш турининг рақамини билдиради. Ёрикларга чидамсиз қозиқ белгиларида Т ҳарфи ва охирги рақам туширилади. Шимолда қўллаш учун мўлжалланган қозиқларда арматуралаш турини кўрсатувчи рақамдан сўнг С ҳарфи қўшилади. Қозиқ қоқилаётганда уни копёрга узатиш учун маҳкамлайдиган мослама ва ташиш ва омборда сақлаш учун кўтарганда керак бўлган икки илмоғи мавжуд.


Қозиқларни қаттиқ грунтга ўрнатганда шикастланишдан сақлаш учун улар устки қисми пайвандланган тўр билан арматураланади. Ўрнатиш вақтида энг кўп таранглик қозиқлар охирида пайдо бўлади. Буни инобатга олиб, бу жойларда кўндаланг арматуранинг қадами кичиклаширилади.



10.14-расм. Күндаланг кесими 35x35см бўлган оддий темирбетон призмасимон кўприк қозиқ :

а – CML-35T4 қозиқнинг арматурали чизмаси; б – қозиқнинг учи; 6 ва 7- арматуралаш турлари.

Бир хил кесимли паст ва баланд ростверкли транспорт ишоотлари пойdevорлари учун мўлжалланган олдиндан зўриқтирилган призмасимон қозиқлар, зўриқтирилмаган қозиқлардек, узунлиги 8м дан 20м гача узунликка эга бўлиб, В35 синфли бетондан тайёрланади. Қозиқларнинг диаметри 12мм дан 20мм гача бўлган А-IV синфидаги даврий профилли арматура ёки диаметри 5мм бўлган Вр-II гуруҳидаги даврий профилли ўта чидамили сим билан арматураланади. Баланд ростверкларда фақат таёқчасимон арматурали қозиқлар қўлланилади (10.16-расм).



10.15-расм. CH-12-35 баланд ростверклар учун олдиндан зўриқтирилган темирбетон қозик:

а – қозик ўки бўйича бўйлама кесим; б – қозик учини арматуралаш.


Устки қатлами бўш грунтли, таги чуқур бўлмаган мустаҳкам қоясиз грунтли жойларда остки қисми кенгайтирилган яхлит кесимли қоқиладиган қозиклар қўлланилади. Кенгайганлиги ҳисобига бундай қозикларнинг грунт қаршилигига нисбатан ўққа тушадиган оғирликка тарқайдиган юк кўтариш қобилияти анча ошади. Лекин уларнинг горизонтал қучларга нисбатан қаршилиги камаяди, чунки қоқилганидан сўнг қозиклар атрофида кенгайган жойдан юқорида грунт зичлигининг камайиш ҳолати юзага келади.

### **Йиғма темирбетон қобиқлар.**

Транспорт қурилишида юк кўтарувчи элементлари ҳалқасимон кесимли темирбетон ичи бўш алоҳида қисмлардан йиғиладиган қозиқли ва устунсимон пойdevорлар кенг тарқалган (10.16-расм). Қобиқлар диаметри катта бўлса, қисмлари грунтга ботган сари улаб борилади. Кичик диаметрли қобиқлардан иборат қозикларнинг

Йириклашган йифимини бирданига түлік узунлиги бўйлаб ўрнатишдан аввал олиб бориш мумкин. Қобиқлар деворининг қалинлиги кам ва алоҳида қисмлаб жойлаш имкони бўлгани сабабли бу конструкцияларни қўллаб 30...50м ва ундан ҳам кўп чуқурликкача етиши мумкин. Ўрнатилгандан сўнг қобиқлар бўшлифи бетон (зарур бўлса арматуралаб), кум билан тўлдирилади ёки бўшлигича қолдирилади.

Лойиҳаларда кўприк қурилишида қўлланиладиган темирбетон қобиқлар ташқи диаметри 0,4 ва 0,6м бўлса ичи бўш айлана қобиқ, диаметри 1,2...3 м бўлса қозик-қобиқлар деб номланади.



10.16-расм. Тұташын жойи фланец-болтли йиғма темирбетон көбіндер:

a –  $d=0,6m$ ; б –  $d=1,6m$ .

**10.1 - жадвал**

Қозиқнинг кўндаланг кесими, см	Кесим юзаси, м <sup>2</sup>	Кесимнинг инерция моменти, м <sup>4</sup>	Узунлиги, м	Бетон синфи	Армату- ралаш тури
30 x 30	0,09	0,000675	4....8 9....12	B20(250) B25(300)	1...4
35 x 35	0,1225	0,001251	6....12 13 14 15....16	B25(300) B30(350) B30(350) B30(350)	2....7 2....7 3....7 4....7
40 x 40	0,16	0,002133	8....12 13 14, 15 16, 17 18	B30(350) B35(400) B35(400) B35(400) B35(400)	3....8 3....8 4....8 5....8 6....8

**10.2 - жадвал**

Арматуралаш тури	Ишчи арматура	Ишчи арматуранинг кўндаланг кесим юзаси
1	4Ø20	12,56
2	4Ø25	19,63
3	4Ø28	24,63
4	4Ø32	32,17
5	12Ø20	37,70
6	8Ø28	49,26
7	12Ø25	58,91
8	12Ø28	73,89

### 10.3-жадвал


Ташки диаметр, M	Дөвөрни калинглиги, см	Секция узуунлиги, M	Кобикни кесим юзаси, M <sup>2</sup>	Ядронинг кесим юзаси, M <sup>2</sup>	Кобик кесим инерция моменти, M <sup>4</sup>	Ядро кесими инерция моменти, M <sup>4</sup>	Ишчи арматура сони, дона	Арматура радиуси, см	1 пм учун бетон сарфи, M <sup>3</sup>	1 пм учун бетон сарфи, M <sup>3</sup>	1 секция учун масса		Арматура фоизи пайванц пайванц богти	1 метр учун арматура сарфи фланец- богти	1 метр учун арматура сарфи пайванц пайванц	
											фланец- богти	пайванц богти				
0,4	8	4...12	0,08042	0,04524	0,001094	0,000163	8	15,7	0,08	35	38	2	18,2	16,8	21,3	20,2
0,6	10	4...12	0,15708	0,12566	0,005105	0,001257	16	25,0	0,15	67	72	2	24,7	23,8	41,0	38,5
1,2	12	6...12	0,40715	0,72382	0,060095	0,041692	40	53,7	0,40	211	180	1,5	47,8	31,7	46,0	46,0
1,6	12	4...12	0,55795	1,45267	1,153770	0,167929	56	73,7	0,53	291	269	2	97,3	73,5	129,8	87,3
3	12	6	1,08573	5,98285	1,127643	2,484435	108	143,7	1,05	567	-	1,5	180,5	177,8	121,3	102,0
												2	251,8	248,0	180,8	171,0
												3	233,2	-	288,8	-
												5	375,2	-	513,5	-

10.3-жадвалда кўприк қурилишида қўлланадиган қобиқларнинг асосий хусусиятлари келтирилган. Металл сарфи жадвалда оддий темирбетонли қобиқлар учун берилган. Қобиқ оддий ва олдиндан зўриқтирилган темирбетондан В35 синфли бетондан тайёрланади. Диаметри 1,2м бўлган қобиқларни тўлдирувчи бетон синфи камида В20 бўлиши, диаметри 1,6 ва 3м бўлса, камида В25 бўлиши керак. Диаметри 0,4 ва 0,6м бўлган оддий бетонли қобиқларда арматуралаш фоизи  $\mu = 2; 2,5; 3\%$  бўлган арматуралашнинг уч тури, ундан катта диаметрли қобиқларда эса – тўртинчи тури ( $\mu = 1,5; 2; 3$  ва  $5\%$ ) кўзланган. Қобиқларни арматуралашнинг керакли тури ишлатиш юкларига тушадиган пойdevор ва таянчлар таркибидаги юк кўтариш элементлари ҳисобидан белгиланади. Бунда  $\mu = 1,5\%$  бўлган қобиқлар технологик элементлар сифатида қўллаш учун мўлжалланган, ва уларнинг арматураси тутиб туриш элементлар мустахкамлигини ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Олдиндан зўриқтирилган темирбетон қобиқларда арматуралашнинг тури бўлади ( $\mu = 3\%$ ).

Берилган диаметрли қобиқлар қисмларидаги ишчи арматурасининг сони ва улар жойлашиш радиуси арматуралаш фоизидан қатъий назар бир хил қабул қилинади. Қобиқларнинг ҳархил арматураланиши турли диаметрли арматурани қўллаш ҳисобидан келиб чиқади (16мм дан 25мм гача).


Оддий темирбетон қобиқларда А-II синфли даврий профилли ишчи арматурадан, олдиндан зўриқтирилганда эса – А-IV синфли арматурадан фойдаланиш кўзланган.



10.17-расм. Темирбетон қозиқли қобиқлар қисмларининг туташиш жойлари:  
а – фланец-болтли; б – пайвандли.


Диаметри 1,6 м гача бўлган оддий темирбетон қобиқлар қисмларини бирлаштириш учун фланец-болтли ёки пайвандли туташишлар қўлланади (7.18-расм). Олдиндан зўриқтирилган темирбетонли ва диаметри 3 м бўлган оддий темирбетонли қобиқлар фланец-болтли туташиш орқали бирлаштирилади. Фланец-боллари туташиш қобиқларни ўрнатиш жараёнида улаш учун қулай. Пайвандли йириклишган бирлаштириш учун маъкул, чунки у камроқ металл сарфланишини таъминлайди ва фланец-болтлига қараганда қаттикроқ бўлади. Қобиқли тўтиб юк кўтарувчи туриш элементининг қисмларга таксимлашда туташишлар сони минимал чиқишига интилиш шарт, чунки бунда металл сарфланиши қисқаради ва қобиқларни йиғиш ва ўрнатиш ишларининг қийинлиги камаяди.

Қобиқлар  $d \leq 0,6\text{м}$  бўлган қозиқлар одатда учлари ёпиқ ҳолда ўрнатилади, бунинг учун 10.18-расмда кўрсатилган пойнаклар қўлланилади.



10.18-расм. Диаметри 0,6 м бўлган доира кесимли думалоқ ғовакли қозик учи  
қурилмалари:  
а-пўлат кесимли яхлит; б-тагидан ювиб кетиш тешиги билан.

Катта диаметрли қобиқлар ўрнатишда грунт қаршилигини камайтириш ва бутунлигини сақлаш учун 10.20-расмда кўрсатилган пичоқ турларидан биттаси қўлланади.



10.19-расм. Кобиккинг остики кисми курилмалари:  
а – зич бөйгленишили ва сочишувчан грунтларга ботириш учун; б – бүш грунтларга ботириш учун  
в – коя грунтлар учун

Диаметри 0,4...1,6м бўлган қобиқ қисмлари центрифугаларда, диаметри 3 м бўлганлари эса – тик металл тебранувчи қолипларда ишлаб чикарилади.

10.16-расмда кўрсатилган қобиқлардан ташқари кўприк қурилишларида деворларининг қалинлиги 15...20см бўлган ва қобиқларнинг ташқи ва ички контурлари арматураланган (иккитали, кўшма арматураланган) қобиқлар ҳам қўлланилади.

### **Пўлат ва пўлатбетон қозиқлар.**

Бундай қозиқлар пўлат прокат профиллардан (кўпроқ қўштавр кесимли қозиқлардан фойдаланилади) ёки пўлат қувурлардан тайёрланади. Бу қозиқларнинг афзалликлари: вазни кичикилиги, тайёрлашнинг соддалиги, ташишнинг қулайлиги ва юқори сифатлилиги, бу сифатлари грунтга ўрнатишда шикастланишининг олдини олади.

Юқори сифатли ва кўндаланг кесимининг юзи кичик бўлганлиги натижасида қозиқларни қаттиқ қатламли грунт ва қоя ва яримқоя грунтнинг бўш қатламидан ўтиб, мустаҳкам қатламга ўрнатиш мумкин.

Пўлат қозиқларнинг камчилиги – металл сарфининг кўплиги ва унинг емирилишидир.

Емиришнинг сув ва грунтдаги энг катта тезлиги 0,1...0,2мм/йил, намлиги ўзгарувчан худудда эса 0,4...0,5мм/йил. Ҳозирги вақтда, қурилиш шароитларини инобатга олиб, транспорт иншоотлар пойдеворлари ва таянчларида пўлатларнинг емирилиш тезлиги ҳақида маълумотлар аникланмаган.


Қозиқ ва пўлат қобиқларни коррозиядан ҳимоялаш учун бўёқ, сакич ва битумли турли қопламалардан фойдаланилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пўлат қозиқларни қаттиқ гил ва зич сочиувчан грунтларга ўрнатишда бу қопламаларга зиён этиши мумкин.

Бундай қозиқларни мустаҳкам ва сиқилувчан грунтларга ўрнатиш, ҳамда остки қисми кенгайтирилган қозиқлар ўрнатишда унумли фойдаланилади.

Ўрнатиш жараёнида грунти олиб ташланадиган ичи бўш, диаметри 1020...1422 мм бўлган катта пўлат қобиқларнинг барча турлари, шу жумладан шағал-тошли грунтларга, яхлит кесимли темирбетон қозиқлар ва темирбетон қобиқлар ўрнига муваффақият билан ўрнатилмоқда.

Пўлат қобиқларнинг афзаллиги улар сув сатҳи ўзгарувчан бўлган худудларда, грунтнинг музлаш чукурлиги ва сув усти (грунт усти) худуди чегарасида, йиғма темирбетон қобиқлар сингари атроф


мухитнинг ҳарорати ва намлигининг ўзгариши сабабли ёриқлар ҳосил бўлмайди. Аммо емирилишга қарши қопламаларнинг унумсизлик ҳолларида ва емирилиш тезлиги қутилганидан катта бўлса, пўлат қобиқларни технологик элементлар ўрнида кўриб, барча хизмат кўрсатиш юкламасини темирбетон тўлдирувчисига қаратиш керак. Қобиқ ўрнатилганидан сўнг у бетон билан тўлдирилади. Деворларнинг қалинлиги 8...16 мм бўлган диаметри 426...1422 мм қобиқлар кўпроқ кўлланади. Металл қобиқлар узунлиги 6...10 м бўлган қисмлардан йифиласди (10.20-расм). Мазкур қисмлар электр пайванд орқали бирлаштирилади.



10.20-расм. Пўлат бетон қозиқ қурилмалари:  
1 – қозиқ учи; 2 – қозиқ танаси; 3 – қоплама ёрдамида улаш; 4 – қоплама; 5 –  
пайванд чоки; 6 – бетон. Пўлатбетон қозиқ қурилмалари

**Бурма қозиқлар.** Бундай қозиқлар кўприк, эстакада, гидротехника ва бошқа иншоотлар пойдеворларини ўрнатишда қўлланилади.

Қозиқнинг пастки қисмидаги пармасимон металл паррак бўлиб (10.21-расм), у қозиқни айланма ҳаракатлар орқали ўрнатишга имкон беради. Иш жараёнида паррак анча оғирликни грунтга узатиб юборади, чунки унинг диаметри қозиқ диаметридан катта бўлади. Курилиш амалиётида бурама қозиқлар парракларининг диаметри 3 м гача бўлиб, 50 м гача бўлган чукурликкача ўрнатилган ҳоллари маълум. Бурама қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти 15 МН гача етади.



10.21-расм. Металл бурама қозиқ:  
1 – қозиқ учи; 2 – паррак; 3 – бошлиқ; 4 – қозиқ танаси.

### Бурама қозиқ

Бурама қозиқларни сиқилувчан ва юмшоқ ва қаттиқ лойли грунтларда кўллаш мумкин. Қозиқнинг кенгайган қисмининг юк кўтариш қобилияти юқори бўлган (юмшоқ ва қаттиқ лойли, зич қумли грунт) грунтларгача олиб бориб ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бурама қозиқлар махсус механизм – кабестан ёрдамида ўрнатилади. Қозиқларни тик ва қия (қиялиги 3:1гача) ҳолатда ўрнатиш мумкин. Парраклар кўпинча қуйма ва пайвандланган қилиб тайёрланади.

Пармасимон паррак, пичоқли қисмидан ташқари, бутун айланасига мос келиши керак. Маҳкамланиш шартига кўра пармасимон парракнинг диаметри қозиқнинг стержени диаметридан 4,5 мартадан ошмаслиги керак. Бурама қозиқлар металл ва темирбетон ўзакли бўлади. Танаси пўлат қобиқли қозиқларнинг камчилиги уларнинг емирилишга қаршилиги пастлигидир. Қозик танасини емирилишдан ҳимоялаш учун маҳсус қопламалар қўлланади.

Металл бурама қозиқлар суғириб олувчи кучларни қабул қила олгани учун, уларни қўпинча анкер мосламалар сифатида қўллаш мумкин.

**Бурғилаб ўрнатиладиган қозик ва устунлар.** Бундай тўсиқ қурилмалари кўпгина кўприк ва бошқа транспорт иншоотлар қурилишларида муваффақиятли қўлланаб келинган.


Бурғилаб ўрнатиладиган қозик ва устунларни ўрнатишда бурғилаш учун турли бурғиловчи ускуналар ҳамда бурғилашдан ташқари қозик ва устунлар ўрнатиш ишларнинг барча ёки кўп қисмини бажара оладиган ускуналар қўлланади.

Кавак деворларни ўпирилишдан сақлаш учун гил қоришимаси, кавакдаги сувнинг босимини юқори қилиш, ҳамда тўсиб турувчи қувурлар ёрдамида мустаҳкамланади. Зич намлиги кам лойли грунтда кавак деворлари ва кенгайтирилган жойлар мустаҳкамланмаса ҳам бўлади. Бурғилаб ўрнатиладиган қозиқларнинг бўшликлар деворлари ва кенгайган жойларини гилли қоришма ёрдамида мустаҳкамланиши дағал юмшоқ лойли, ҳамда кумли дағал-юмшоқ грунтларда қўлланади. Гил қоришимаси кавак ва кенгайган жойларни бурғилаш ва бетонлаш жараёнида ўпирилишдан сақлаш қобилияти кавак деворлари лойланиши ва уларга қоришма устунининг босимиға асосланган. Кавак деворларини сочилувчан грунтда сув босимини ошириш йўли билан мустаҳкамлашда кавакдаги сув сатҳи иш жараёнининг барча даврида ер ости сувлари сатҳидан 3,5...5 м га баланд бўлиши шарт. Бундай услуб қўпинча кўприк пойdevорларининг таянчлари ёки кўприк йўллари таянчларини сув сатҳидан юқорида жойлашган грунт сатҳига ўрнатишда қўлланади.


Тўсиб турувчи қувурлари ҳимояси остида қозик ва устунлар учун кавак бурғилаш сувнинг чуқурлиги катта, тош-шағал қатламли, окувчан лойли грунт қатлами, карстли бўшликлар мавжуд бўлган ва барпо этилган иншоотлар яқинида олиб бориладиган ишлар шароитида амалга оширилади. Тўсиб турувчи қувурлар грунт ичида қолиб, тўсиқ қурилмаларнинг таркибиға кириши мумкин. Қозик ва

устунлар ўрнатиш учун қўлланадиган маҳсус ускуналардаги инвентар қувурлар одатда нафақат кавак деворларини мустаҳкамлаш учун, балки тўлдирувчи бетонни сифатли жойлаш учун ҳам қўлланилади. Бундай қувурлар ичидаги бўшлиқ бетонланиб бўлгандан кейин грунтдан чиқариб олинади.

Собиқ СССРда ва айниқса Ғарбий Сибирда қўпгина қўприк, қўприк йўллар ва эстакадалар пойдеворлари Е.Л.Хлебников услубидаги бурғилаб ўрнатиладиган қозиқларни қўллаш орқали барпо этилган (ЦНИИС услуби). Бундай қозиқларни ўрнатишда, у тик ёки 4:1 (3:1) гача бўлган қияликда бўлса ҳам, универсал тўлиқ айланали СССМ-680 копёр базасида монтаж қилинган ЦНИИС услубидаги агрегат қўлланилади (10.22-расм). Ускуна стерженининг диаметри 1,3...1,5 ва кенгайтирилган жойи диаметри 3,5м гача бўлган қозиқларни 40м гача чукурликкача ўрнатиш имконини беради (10.24-расм). Устун стерженининг минимал диаметри чўмичли бурғининг кенглигидан аниқланади.




10.22-расм. Остки кисми кенгайтирилган бурғилама козикнинг тузилиш схемаси  
 а – бурғилашнинг бошланиши; б – бурғилашнинг тутагилиши; в – каркас курилмаси; г – козикни бетонлаш; 1 – гилкоригич; 2 – элак; 3 – гиљ коришмаси баки; 4 – бошкарув пульти; 5 – колпёр; 6 – коришима узатиш кувури; 7 – ротор; 8 – кескич; 9 – бурғилаш устуни; 10 – насос; 11 – бурғи устуни йўнантитригичи; 12 – пичокли устун; 13 – сув остида бетонлаш учун бункер.



10.23-расм. Е.Л. Хлебников тизимидағы қозықнинг геометрик кенгайтириладиган қисмининг ўлчамлари чизмаси


Кавак ва кенгайтирилган жой бўшликларини маҳсус ротор ускунаси ёрдамида бурғиланади. Бурғиланиш жараёнида грунт айланадиган чўмичли бурғи билан майдаланади ва чиққан грунт билан тўлиб боради (10.24-расм). Бурғи юқорига кўтарилилганида қисмлаб грунтдан бўшатилади. Ускуна механизми қоя ва қаттиқ грунтни бурғилаш имконини беради.

Кенгайган жой кенгайтирувчининг пичоқларини очиш йўли билан бурғиланади (10.24-расм). Қозиклар тик ҳаракатланувчан қувур усули билан бетонланади. Бетонлашдан аввал бўшлиқقا арматура каркас туширилади. Ҳимояловчи қатlam қалинлиги камида 10 см қилиб белгиланади. Даврий профилли арматура қўллаш уни, сувости услубида гил қоришини қатлами остига қўйилган бетон билан жипсланишини таъминлайди. ЦНИИС агрегатининг иш унумдорлиги – сменасига  $5\dots10\text{m}^3$  бўшлиқ; копёр вазни – 60 т, осма ускуна вазни – 16 т.



10.24-расм. Е.Л. Хлебников тизимидағи қозиқ тайёрлаш учун кенгайтиргич ва кескич схемаси: 1 – кенгайтиргич; 2 – цилиндрсімон кескич; 3 – остки қисми кесувчи цилиндрсімон кескич

Транспорт қурилишларида стерженининг диаметри 1,7м, кенгайтирилган жойининг диаметри 3,5м гача, чуқурлиги 30,5м гача бўлган қозиқларни жойлаш учун хозирги вақтда ДЭК-25 занжирли кран асосидаги МБС-1,7А бурғилаш машинаси қўлланилади (10.25-расм). Қоя бўлмаган грунтлар бу машина ёрдамида кўтарма туви бўлган чўмичли бурғи ёки шнейк қурилмаси орқали ишлаб чиқарилади. Мустаҳкам грунтдан ўтиш учун махсус грейфер, қоя грунтлар учун эса – зарба билан ҳаракатланувчи ускуна қўлланилади. Ускуна пичоқлари очиладиган кенгайтиргич билан жиҳозланган.



10.25-расм. МБС-1,7А русумли бурғилаш машинаси:

1 – экскаватор , 2 – экскаватор хартуми, 3 – телескопли штанга, 4 – ротор, 5 – грейфер.

Кўприк қурилишида қўлланадиган ДЭК – 25 крани базасида МБУ – 1,2М бурғилаш машинаси МБС – 1,7А машинасининг осонлаштирилган варианти ҳисобланади. У чуқурлиги 32м гача, диаметри 1,2м, кенгайтирувчisi 2,2м гача бўлган кавакларни бурғилаш учун мўлжалланган. Бу икки ускунанинг камчилиги улар қия каваклар бурғилашга мослашмаганлигидир.

Ҳозирги вақтда, ЦНИИС услубидаги ускуналар (10.25-расм) саноат миқёсида ишлаб чиқарилмаслиги сабабли, транспорт қурилишида кенгайган ўқчали қия бурғилаб ўрнатиладиган қозиклар учун мослашган машиналарга талаб туғилди. Бундай қозиклар катта оралиқли, уларга тушадиган горизонтал оғирлик таъсиридаги, кўприк таянчлари пойдеворларида, ҳамда режасида кичик ўзгариши бўлган ростверкларни тузиш учун зарурдир. Сўнгги ҳолатда қозикларнинг

қиялиги грунтда рухсат этилган оралиқда кенгайтирилған ўқчалар үрнатиш учун керак.

Хозир  $d=1,2; 1,5$  ва  $1,7\text{м}$ , чуқурлиғи 40, 30 ва 24м, қиялиги 5:1 ва пастки қисми 3,5м гача кенгайтирилған каваклар учун мослашған, синовдан ўтаётған, МБ – 4000 бурғилаш қурилиш машиналари ишлатилмоқда. Диаметри 1м, чуқурлиғи 20 м гача, пастки қисми 2,5 м гача кенгайтирилған ва қиялиги 5:1 бўлған қудуқлар учун мослашған МБНА – 1 бурғилаш машинаси ҳам яратилди. 50 м чуқурликдаги кенгайтирилған жой диаметри 3,5м гача, тик қобиқлар танасининг диаметри 1,6м бўлған чўмич бурғили 1,3/3,5 кенгайтирувчи ишлаб чикарилган.

Кўпгина чет эл фирмалари ҳам бурғилаб үрнатиладиган қозиқлар учун комплекс ишларни бажарадиган универсал ускуналар ишлаб чиқарди. Чет эл ускуналардан Ўзбекистонда транспорт қурилишида «КАТО» япон фирмасининг машиналари кўпроқ қўлланилади. Диаметри 1,2; 1,5 ва 1,7м ва чуқурлиғи 40, 30 ва 20м бўлған транспорт иншоотларнинг пойдевор ва таянч-пойдеворларидағи тик бурғилаб үрнатадиган қозиқ ва устунлар учун «КАТО-30ТНС» дастгоҳи қўлланилмоқда. Бу дастгоҳнинг ишлаш услуби «Беното» француз фирмасининг дастгоҳи ишлаш услубига ўхшайди. Кўрсатилган дастгоҳлар кавак бурғилаш, грунт олиб ташлаш ва йиғма инвентар металли тўсиб турувчи қувур үрнатиш ишларини бирлаштириб ўтказиш имконини беради. «КАТО – 30ТНС» дастгоҳи асосан қоямас грунтда бурғилаб үрнатиладиган юқ кўтариш элементлари учун мўлжалланган. Дастгоҳнинг ҳаракатланувчи қисми занжирли ва гидравлик юритгичли бўлади. Дастгоҳнинг грейфер ва тўсиб турувчи қувурларсиз вазни 39,24т.

Охирги вактда транспорт қурилишида янада универсал ва кучли «КАТО-50ТНС-YS» дастгоҳи қўлланилмоқда. Бу ускуна вертикал ва қиялиги (4:1 гача) чуқурлиғи 50м ( $d = 1,5\text{м}$ ) ва 35м ( $d = 1,7\text{м}$ ), кенгайиши 3,5м гача бўлған қудуқларни үрнатиш учун мўлжалланган.

Диаметри 0,45; 0,65; 0,96...1,1м, чуқурлиғи 18 м гача бўлған вертикал қудуқлар бурғилаш ва бурғилаб үрнатиладиган қозиқлар үрнатиш учун транспорт қурилишида «КАТО» PF1200 – YS фирмасининг универсал бурғилаш машинаси қўлланилади. Унда бир нечта бурғилаш мосламалари: чўмич-бурғи, грейфер, шарли, шнейкли бурғи. Машина қоялардан тортиб барча турдаги грунтларни бурғилаш учун мослашған. Шарли бурғилаш машинаси билан ишлашда шламни олиб ташлаш учун вакуумли сўрувчи дастгоҳ қўлланади.

## **Инвентар қувурларни олиб ташлаб, кавакларни зичланадиган бетон билан түлдириш орқали тайёрланадиган қозиқлар**

Бу қозиқларни тайёрлаш технологик схемалари бир нечтадир. Давлатимизда бу гурухдаги қозиқларнинг тез-тез зичланадиган тури қўлланилади. Уларни учи ёпиқ ҳолда грунтга маҳсус гурзи орқали қоқиладиган диаметри 35...40 см бўлган пўлат инвентар қувур ёрдамида тайёрланади. Қувурнинг пастки қисми, у қоқилгандан сўнг грунт ичидаги қолган темирбетон бошмоққа эркин тиради. Бетон қувурни оралаб кўтариб тушириш ҳаракати ва болғанинг зарбалари натижасида зичланади.

Чет элда тайёрланиш технологияси ўхшаш бўлган Франки қозиқлари кенг тарқалган. Қозиқларнинг тайёрланиш технологияси кетма-кетлиги 10.28-расмда кўрсатилган. Тўсиб турувчи қувур остики қисмини 0,8...1,0 м гача зичланганда тиқин ҳосил қиласиди, қуруқ бетон қоришмаси билан түлдирилади. Қувур бетон тиқинга тушган зичловчи зарблари остида ботиб, тўсиб турувчи қувурни ортидан эргаштириб кетади. Лойиҳадаги белгига етгач, қувур копёрга илинади. Тиқин қувур ичидан катта баландликдан ташланадиган зичловчи билан чиқариб ташланади. Қозиқнинг остида бетон қоришма зичланиши натижасида мустаҳкам пойдевор ҳосил бўлади.

Тўсиб турувчи қувур зичланадиган бетон билан түлдирилиб, кавак ичидан аста-секин ташқарига тортиб олинади. Қувур ичига арматура каркас қўйиш мумкин. Қозиқнинг танаси нотекис шаклда бўлади. Тўсиб турувчи қувурнинг ташқи диаметри – 46 см.


Қозиқларни ҳам тик, ҳам горизонтал ҳолатда ўрнатиш мумкин. Френки қозиқларини тўсиб турувчи қувурни барча грунтларга ўрнатиш мумкин.

Учи ёпиқ инвентар қувурни қоқиши ва қозиқ қоқишида қаттиқ бетон қоришмани зичлаш жараёнида грунт атрофга тарқаб, янада кўпроқ зичланиш ҳосил бўлади. Бунинг натижасида, ҳамда қозиқлар ён томони нотекис бўлганлиги учун, уларнинг юк кўтариш қобилияти туташиб туриши ҳисобига грунтнинг ён томонлама қаршилиги, бурғилаб тўлдирилган қозиқларга қараганда, кўпроқ бўлади, чунки бурғилашда атрофдаги грунт зичланмайди ва улар зичланмайдиган бетон билан тўлдирилади.

Аммо, Франки қозиқлари ва тез-тез зичланадиган қозиқларни ўрнатиш инвентар қувурнинг тортиб олиш ва ҳосил бўлган бўшлиқни бетон қоришма билан тўлдириш жараёни технологиясини қаттиқ назорат қилишни талаб қиласиди. Бетон қоришмасининг

сифатсиз тайёрланиши, қувурга бетон узатиши тезлигидаги ва уни чиқарып олишда керакли қоидаларга амал құлмаслик қозық танасида камчиликлар ҳосил бўлишига олиб келади: маҳаллий торайиш ва ҳатто қозық танаси яхлитлигининг бузилиши ва ҳ.к. Шу сабабли тез-тез зичланувчи қозықлар кенг тарқалмади.

Куйма қозықлар шунингдек инвентар қувурларни титратиши технологиясидан фойдаланиб тайёрланади. Бу ҳолда инвентар қувур грунтга титратиб ўрнатувчи ёки титратувчи гурзи ёрдамида ўрнатилади. Сўнг қувурга арматура каркас ўрнатилади ва баландлиги бўйлаб кам харакатланувчи бетон қоришимаси билан тўлдирилади. Қувур титратиб олиб ташланади, бу бетон қоришимасининг зичланиши ва уни қувурнинг ички томонидан сирғаниб чиқишини таъминлайди. Титратиб тўлдирилган қозықларнинг остки қисмини кенгайтириб тайёрлаш ҳам мумкин, бунинг учун қозықнинг остки қисмини қаттиқ бетон зичлайдиган титратиб зичловчи машина ёрдамида кенгайтирилади.



10.26-расм Франки қозигининг тайёрлаш тартиби

Қозықларни ҳам тик, ҳам горизонтал ҳолатда ўрнатиш мумкин. Франки қозықларини тўсиб турувчи қувурни барча грунтларга ўрнатиш мумкин.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Грунтнинг меъёрий ва ҳисобий музлаш чуқурлиги деб нимага айтилади?
2. Пойдевор чуқурлигига таъсир этадиган омилларни айтиб беринг.
3. Пойдеворларнинг турларини айтиб беринг.
4. Табиий заминда саёз жойлашган пойдевор қандай турларга бўлинади?
5. Қайси ҳолларда тасмасимон ва алоҳида турувчи пойдеворлар қўлланилади?
6. Қандай грунтларда яssi тўқима пойдеворлар қўлланилади?
7. Қандай ҳолларда тасмасимон пойдеворларда чўкиш чоклари қўлланилади?
8. Темирбетон ва бетон пойдеворларнинг қандай афзаллиги бор?
9. Йирик бўлакли бинолар остига қўйиладиган пойдеворларни санаб беринг.
10. Пойдеворларда қийшайиш бурчаги нима учун аниқланади?
11. Тиргак пойдевор билан устун ости пойдеворининг қандай фарқи бор?
12. Марказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворларни эзилишга ҳисоблаш тартибини ёзиб беринг.
13. Номарказий сиқилишга ишлайдиган пойдеворларни ҳисоблаш тартибини ёзиб беринг.
14. Грунтларни сунъий зичлаш усусларини айтиб беринг.
15. Қандай грунтларни зичлаш учун қайси усул қўлланилишини айтиб беринг.
16. Қандай ҳолларда қумли ёки шағалли ёстиқ қўлланилади?
17. Қандай ҳолларда қумли ёстиқча қўллаш тавсия этилмайди?
18. Қозиқли пойдеворларни лойиҳаларини аниқлашда қозиқлар орасидаги кичик масофа қандай аниқланади?
19. Осма қозиқнинг юқ кўтариш қобилияти нималарга боғлик ва қандай аниқланади?
20. Устун қозиқнинг юқ кўтариш қобилияти қандай аниқланади?
21. Ростверк нима? Унинг вазифасини айтиб беринг.
22. Лёсс грунтларда нисбий ўта чўкиш нима?
23. Қандай ҳолларда ўта чўкувчан грунт қатлами кесиб олиб ташланади.
24. Лёсс грунтларга қурилиш қуришда қандай сувдан ҳимоя қилиш чора тадбирлари қўлланилади?

25. Чуқур жойлаштириладиган пойдеворлар турларини айтиб беринг.
26. Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуклар қандай ҳолларда қўлланилади. Барпо этиш жараёнини айтиб беринг.
27. Йиғма темирбетон қобиқлар нима ва қандай ҳолларда қўлланилади? Грунтга қандай киритилади?
28. Кессонлар нима, қандай ҳолларда қўлланилади?
29. Кессон пойдевор барпо этиш жараёнини айтиб беринг (чизиб беринг).
30. Кессон пойдеворлар барпо этишда қандай хавфсизлик техникаларига риоя қилиш керак?
31. Машина ва ускуналар остидаги пойдеворлар ҳақида гапириб беринг. Қандай машина ва ускуналар пойдеворга кўп динамик таъсир узатади?
32. Тебраниш частотаси, амплитудаси ва тебраниш даври нима?
33. Хусусий ва мажбурий тебранишлар нима?
34. Замин ва пойдеворни сунъий мустаҳкамлаш усулларини айтиб беринг.
35. Янги пойдевор ўтказиш нима, қандай амалга оширилади?
36. Пойдевор товонини кенгайтириш қандай ҳолларда бажарилади?
37. Темирбетон қоплама ва кучайтиришни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг?

## Илова 1 1-жадвал

Иншоотнинг хусусиятлари	Ташқи пойдеворларга ёндош хонада ҳавонинг ўртача суткалик хисобий температурасида коэффициент $k_h$ , $^{\circ}\text{C}$				
	0	5	10	15	20 ва юкори
Ергўласиз полли:					
Грунт устидаги Грунт	0,9	0,8	0,7	0,6	0,6
устидаги тўсинли	1,0	0,9	0,8	0,7	0,6
Иссик					
қилинган цоколь	1,0	1,0	0,9	0,8	0,7
устидаги ораёпма					
бўйича	0,8	0,7	0,6	0,5	0,4
Ертўла ёки техник ертўла					
Изоҳлар:					
1.	1-жадвалда келтирилган коэффициент $k_h$ нинг қийматлари деворнинг ташқи ёни билан пойдевор четигача масофа $a_f < 0,5$ м бўлган пойдеворларга тегишли; агар $a_f \geq 1,5$ м бўлса, коэффициент $k_h$ нинг қиймати 0,1 га ортади, лекин $k_h = 1$ қийматидан катта бўлмайди; оралиқ ўлчам $a_f$ да коэффициент $k_h$ нинг қиймати интерполяция бўйича аниқланади.				
2.	Ташқи пойдеворларга ёндош хоналарга ертўлалар ва техник ертўлалар, улар бўлмаган ҳолда биринчи қаватдаги хоналар киради.				
3.	ҳаво температурасининг оралиқ қийматларида коэффициент $k_h$ 1-жадвалда кўрсатилган энг яқин кичик қийматгача яхлитланади.				

## 2-жадвал

Пойдевор товони остидаги грунтлар	Ер ости сувларининг сатҳи жойлашган чуқурликка қараб пойдеворларни чуқурлиги, $d_w$ , м,	
	$d_w \leq d_f + 2$	$d_w > d_f + 2$
Қоятошли, қум тўлган йирик бўлакли, шағалли қум, йирик ва ўртача йирик қум Майда ва чангсимон қум Оқувчанлик кўрсаткичи $I_L < 0$ қум Шунинг ўзи, $I_L \geq 0$ да қумли лой, лойлар, шунингдек чангсимон лой тўлган йирик бўлакли грунт ёки тўлдиргичнинг оқувчанлик чегараси $I_L \geq 0,25$ бўлганда шунинг ўзи, $I_L < 0,25$	$d_f$  камидা $d_f$ шунинг ўзи -    -  -    - -    -	$d_f$ га боғлиқ эмас  шунинг ўзи шунинг ўзи $\geq d_f$  шунинг ўзи $\geq 0,5 d_f$
<p><b>Изоҳлар:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Пойдеворларни жойлаштириш чуқурлиги музлаш ҳисобий чуқурлиги <math>d_f</math> га боғлиқ бўлмаган ҳолларда ушбу жадвалда кўрсатилган тегишли грунтлар камидা музлаш ҳисобий чуқурлиги <math>d_m</math> гача чуқурликда ётиши лозим.</li> <li>Ер ости сувлари сатхининг вазияти КМҚ 2.02.01-98 “Бино ва иншоотлар заминлари” нинг 2.17-2.21-бандлардаги кўрсатмаларни ҳисобга олиб қабул қилиниши лозим.</li> </ol>		

3-жадвал

Ички ишқаланиш коэффи- циенти, $\phi_{II}$ , град	Коэффициентлар			Ички ишқа- ланиш бур- чаги, $\phi_{II}$ , град	Коэффициентлар		
	$M_\gamma$	$M_q$	$M_c$		$M_\gamma$	$M_q$	$M_c$
0	0	1,00	3,14	23	0,69	3,65	6,24
1	0,01	1,06	3,23	24	0,72	3,87	6,45
2	0,03	1,12	3,32	25	0,78	4,11	6,67
3	0,04	1,18	3,41	26	0,84	4,37	6,90
4	0,06	1,25	3,51	27	0,91	4,64	7,14
5	0,08	1,32	3,61	28	0,98	4,93	7,40
6	0,10	1,39	3,71	29	1,06	5,25	7,67
7	0,12	1,47	3,82	30	1,15	5,59	7,96
8	0,14	1,55	3,93	31	1,24	5,95	8,24
9	0,16	1,64	4,05	32	1,34	6,34	8,55
10	0,18	1,73	4,17	33	1,44	6,76	8,88
11	0,21	1,83	4,29	34	1,55	7,22	9,22
12	0,23	1,94	4,42	35	1,68	7,71	9,58
13	0,26	2,05	4,55	36	1,81	8,24	9,97
14	0,29	2,17	4,69	37	1,95	8,81	10,37
15	0,32	2,30	4,84	38	2,11	9,44	10,80
16	0,36	2,43	4,99	39	2,28	10,11	11,25
17	0,39	2,57	5,15	40	2,46	10,85	11,73
18	0,43	2,73	5,31	41	2,66	11,64	12,24
19	0,47	2,89	5,48	42	2,88	12,51	12,79
20	0,51	3,06	5,66	43	3,12	13,46	13,37
21	0,56	3,24	5,84	44	3,38	14,50	13,98
22	0,61	3,44	6,04	45	3,66	15,64	14,64

Илова 2  
1-жадвал

$\xi = 2z/b$	Пойдевор учун коэффициент $\alpha$						тасма- симон $\eta \geq 10$
	Дума- лоқ	томонларни нисбати $\eta = \ell/b$ ли түртбұрчак					
		1,0	1,4	1,8	2,4	3,2	5
0	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000	1,000
0,4	0,949	0,960	0,975	0,975	0,976	0,977	0,977
0,8	0,756	0,800	0,848	0,866	0,876	0,879	0,881
1,2	0,547	0,606	0,682	0,717	0,739	0,749	0,754
1,6	0,390	0,449	0,532	0,578	0,612	0,629	0,639
2,0	0,285	0,336	0,414	0,463	0,505	0,530	0,545
2,4	0,214	0,257	0,325	0,374	0,419	0,449	0,470
2,8	0,165	0,201	0,260	0,304	0,349	0,383	0,410
3,2	0,130	0,160	0,210	0,251	0,294	0,329	0,360
3,6	0,106	0,131	0,173	0,209	0,250	0,285	0,319
4,0	0,087	0,108	0,,145	0,176	0,214	0,248	0,285
4,4	0,073	0,091	0,123	0,150	0,185	0,218	0,255
4,8	0,062	0,077	0,105	0,130	0,161	0,192	0,230
5,2	0,053	0,067	0,091	0,113	0,141	0,170	0,208
5,6	0,046	0,058	0,079	0,099	0,124	0,152	0,189
6,0	0,040	0,051	0,070	0,087	0,110	0,136	0,173
6,4	0,036	0,045	0,062	0,077	0,099	0,122	0,158
6,8	0,031	0,040	0,055	0,064	0,088	0,110	0,145
7,2	0,028	0,036	0,049	0,062	0,080	0,100	0,133
7,6	0,024	0,032	0,044	0,056	0,072	0,091	0,123
8,0	0,022	0,029	0,040	0,051	0,066	0,084	0,113
8,4	0,021	0,026	0,037	0,046	0,060	0,077	0,105
8,8	0,019	0,024	0,033	0,042	0,055	0,071	0,098
9,2	0,017	0,022	0,031	0,039	0,051	0,065	0,091
9,6	0,016	0,020	0,028	0,036	0,047	0,060	0,085
10,0	0,015	0,019	0,026	0,033	0,043	0,056	0,079
10,4	0,014	0,017	0,024	0,031	0,040	0,052	0,074
10,8	0,013	0,016	0,022	0,029	0,037	0,049	0,069
11,2	0,012	0,015	0,021	0,027	0,035	0,045	0,065
11,6	0,011	0,014	0,020	0,025	0,033	0,042	0,061
12,0	0,010	0,013	0,018	0,023	0,031	0,040	0,058

Изоҳлар:

- 1- жадвалдағи белгилар:  $b$  – пойдевор эни ёки диаметри,  $\ell$  – пойдевор узунлиғи.
- А Юзали мунтазам күпбұрчаклы шаклидаги товонли пойдевор учун  $\alpha$  нинг қиймати

$r = \sqrt{A/\pi}$  радиуслы думалоқ пойдеворлар каби қабул килинади.

3.  $\xi$  ва  $\eta$  нинг оралиқ қийматлари учун коэффициент интерполяция бўйича аниқланади.

Илова 3  
1-жадвал

### Йирик бўлакли грунтларнинг ҳисобий қаршилиги $R_0$

Йирик бўлакли грунтлар	$R_0$ қиймати, кПа ( $\text{кгк}/\text{см}^2$ )
Тўлдиргичли майда шағалли грунтлар:	
Шағалли грунтлар:	
қумли	600 (6)
chanгsimon - лойли, оқувчанлик чегараси:	
$I_L \leq 0,5$	450 (4,5)
$0,5 < I_L \leq 0,75$	400 (4)
Тўлдиргичли йирик шағалли грунтлар:	
қумли	500 (5)
chanгsimon-loyli, oқuvchanlik chegarasi:	
$I_L \leq 0,5$	400 (4)
$0,5 < I_L \leq 0,75$	350 (3,5)

2-жадвал

### Қумли грунтларнинг ҳисобий қаршилиги $R_0$

Қумлар	$R_0$ нинг қиймати, кПа ( $\text{кгк}/\text{см}^2$ ) қумларнинг зичлигига қараб	
	Зич	Ўртacha зичлиги
Йирик	600 (6)	500 (5)
Ўртacha йирик	500 (5)	400 (4)
Майда:		
намлиги кам	400 (4)	300 (3)
нам ва сувга тўйинган	300 (3)	200 (2,0)
Чангсимон:		
намлиги кам	300 (3)	250 (3)
нам	200 (2)	150 (1,5)
сувга тўйинган	150 (1,5)	100 (1)

3-жадвал

### Чангсимон-лойли (ўта чўкмайдиган) грунтларнинг хисобий қаршилиги $R_0$

Чангсимон-лойли грунтлар	ғоваклик коэффициенти $e$	$R_0$ нинг қиймати, кПа ( $\text{кгк}/\text{см}^2$ ) грунт оқувчанлик кўрсаткичидаги	
		$I_L=0$	$I_L=1$
Лойли кум	0,5	300 (3)	300 (3)
	0,7	250 (2,5)	200 (2)
Қумли лой	0,5	300 (3)	250 (2,5)
	0,7	250 (2,5)	180 (1,8)
	1,0	200 (2)	100 (1)
Лойлар	0,5	600 (6)	400 (4)
	0,6	500 (5)	300 (3)
	0,8	300 (3)	200 (3)
	1,1	250 (2,5)	100 (1)

4-жадвал

### Ўта чўкадиган грунтларнинг хисобий қаршилиги $R_0$

Грунтлар	$R_0$ , кПа ( $\text{кгк}/\text{см}^2$ ), қуидаги грунтлар учун			
	куруқ ҳолатдаги табиий грунт зичлиги, $\rho_d \text{т}/\text{м}^3$		куруқ ҳолатдаги табиий грунт зичлиги, $\rho_d \text{т}/\text{м}^3$	
	1,35	1,55	1,60	1,70
Лойли кум	300 (3)	350 (3,5)	200 (2)	250 (2,5)
	150 (1,5)	180 (1,8)		
Қумли лой	350 (3,5)	400 (4)	250 (2,5)	300 (3)
	180 (1,8)	200 (2)		

Изоҳ. Суратда намлик даражаси  $S_r \leq 0,5$  бўлган хўлланмаган ўта чўкадиган грунтларга тегишли  $R_0$  қийматлари келтирилган; маҳражда бўлган шундай грунтларга, шунингдек, хўлланган ўта чўкадиган грунтларга тегишли  $R_0$  қийматлари келтирилган.

## 5-жадвал

**Түкма грунтларнинг ҳисобий қаршилиги  $R_0$** 

Грунтлар тавсифи	$R_0$ , кПа ( $\text{кг}/\text{см}^2$ )			
	Йирик, ўртача ва майда кумлар, шлаклар ва х., намлик даражаси		Чангсимон лойли қум, кумли лой, лой, кул ва х., намлик даражаси	
	$S_r \leq 0,5$	$S_r \geq 0,8$	$S_r \leq 0,5$	$S_r \geq 0,8$
Бир меъёрда режалаб зичлаб кўтарилиган тўқмалар	250 (2,5)	200 (2,0)	180 (1,8)	150 (1,5)
Грунтлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари: зичланган	250 (2,5)	200 (2,0)	180 (1,8)	150 (1,5)
зичланмаган	180 (1,8)	150 (1,5)	120 (1,2)	100 (1,0)
Грунтлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари: зичланган	150 (1,5)	120 (1,2)	120 (1,2)	100 (1,0)
зичланмаган	120 (1,2)	100 (1,0)	100 (1,0)	80 (0,8)
Изоҳлар:				
1. Ушбу жадвалдаги $R_0$ қийматлари таркибида органик моддалар $I_{om} \leq 0,1$ бўлган тўкма грунтларга тегишли.				
2. Ҳам яхши ўрнашмаган тупроқ, грунт ва ишлаб чиқариш чиқиндилари учун $R_0$ қийматлари 0,8 коэффициент билан қабул қилинади.				

6-жадвал  
*(Тавсия қилинувчи)*

**ЗАМИННИНГ ЧЕГАРАВИЙ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИ**

Иншоотлар	Замининг чегаравий деформацияланиши		
	Чўкиш-ларнинг нисбий фарқи, $(\Delta s/L)_u$	Қийша-йиши $I_u$	Ўртача чўкиш $\bar{s}_u$ (қавс ичидаги энг катта $s_{max,u}$ ), см
1. Тўлиқ каркасли (синчли) бир қаватли ва кўп қаватли ишлаб чиқариш ва фуқаро бинолари: темирбетон пўлат	0,002 0,004 0,006	— — —	(8) (12) (15)
2. Конструкцияларида нотекис чўкишлардан зўрикиш вужудга келмайдиган бинолар ва иншоотлар			
3. Кўтарувчи деворлари қўйидагилардан бўлган кўп қаватли кераксиз бинолар: йирик панеллар арматурасиз йирик блок ёки фиштдан шунинг ўзи, арматурали, темирбетон белбоғли	0,0016 0,0020 0,0024	0,005 0,005 0,005	10 10 15
4. Темирбетон конструкцияларидан қилинган элеватор иншоотлар: битта пойдевор плитали, монолит (яхлит) конструкциянинг ишчи бино ва силос корпуси шунинг ўзи, йифма конструкцияли алоҳида турган монолит конструкцияли силос корпуси шунинг ўзи, йифма конструкцияли алоҳида турган ишчи бино	— — — —	0,003 0,003 0,004 0,004	40 30 40 25

5. Мўрилар, баландлиги H, м:				
H ≤ 100	—	0,005	40	
100 < H ≤ 200	—	1/(2H)	30	
200 < H ≤ 300	—	1/(2H)	20	
H > 300	—	1/(2H)	10	
6. Баландлиги 100 м гача бўлган бикр иншоотлар, 4 ва 5-бандда кўрсатил-ганлардан ташқари	—	0,004	20	
7. Антеннали алоқа иншоотлари:				
минораларнинг таналари, ерга улан-ган	—	0,001	10	
шунинг ўзи, электр изоляцияланган	0,002	—	—	
радио минораси	0,0025	—	—	
қисқа тўлкинли радио минораси	0,001	—	—	
минора (алоҳида блоклар)				
8. Ҳаво электр узатиш линияларининг таянчлари:				
тўғри оралиқли	0,003	0,003	—	
анкерли, анкерли-бурчак, оралик-бурчак, охирги,	0,025	0,0025	—	
очик тақсимлаш қурилмаларининг портлари				
маҳсус ўтиш таянчлари	0,002	0,002	—	
Изоҳлар:				
1. Ушбу илованинг 3-бандида кўрсатилган биноларнинг нисбий эгилиши (қайрилиши) чегаравий қийматлари 0,5 (s/L)и га тенг деб қабул қилинади.				
2. Чўкишларни ҳисобий фарқи (s/L) ни аниқлашда ушбу илованинг 8-бандида L учун горизонтал юкламалар йўналишида пойдеворлар блокларининг ўқлари орасидаги масофа тортқилари бор таянчларда эса сиқилган пойдевор ва анкер орасидаги масофа қабул қилинади.				
3. Агар замин қалинлиги бир текис грунтлардан горизонтал (қиялик қўпи билан 0,1) қилинган бўлса, энг катта ва ўртacha чўкишларнинг чегаравий қийматларини 20% оширишга рухсат берилади.				
4. Шишувчи грунтлардан иборат замин кўтарилишининг чегаравий қийматларининг қуий-дагича қабул қилишга рухсат берилади: ушбу иловада келтирилган деформациялар чегаравий қийматининг 25% ўлчамида-энг катта ва ўртacha кўтарилиши, 50% ўлчамида – бинонинг нисбий нотекис чўкиши (нисбий эгилиш).				
5. Ушбу илованинг 1-3 бандларида кўрсатилган, яхлит плиталардан иборат пойдеворли иншоотлар учун ўртacha чўкишларнинг чегаравий қийматларини 1,5 марта катталаштирига рухсат берилади.				
6. Иншоотларнинг айрим турларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш тажрибасини умумлаштириш асосида ушбу иловада кўрсатилганлардан фарқ қиладиган заминлар деформацияси чегаравий қийматларини қабул қилишга рухсат берилади.				

## АДАБИЁТЛАР

1. Берлинов М.В., Ягупов Б.А. Расчет оснований и фундаментов М.: Стройиздат. 2004. 272 с.: ил.
2. Веселов В.А. Проектирование оснований и фундаментов (Основы теории и примеры расчета). Учебное пособие для ВУзов – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Стройиздат, 1990 г. 304 с.:ил.
3. Далматов Б.И. Механика грунтов, основания и фундаменты. Л.: Стройиздат, 1988 г. 415 с.
4. Далматов Б.И., Морарескул Н.Н., Науменко В.Г. Проектирование фундаментов зданий и промышленных сооружений. М.: Высш.шкл., 1986 г. 239 с.
5. Сайфиддинов С. Замин ва пайдеворлар ўқув қўлланма, ТАҚИ, Тошкент, 2003. 105 бет.
6. Расулов X.З. Грунтлар механикаси, замин ва пайдеворлар - Олий ўқув юрти қурилиш ихтисослиги талабалари учун дарслик. Тошкент Ўқитувчи, 1993 й. 240 бет.
7. Механика грунтов, основания и фундаменты: Учеб. пособие М55 для строит.спец.вузов/С.Б.Ухов, В.В. Семенов, В.В. Знаменский и др.; Под ред. С.Б. Ухов. 4-е изд., М.; Высш. шк., 2007. 566 с.:ил.
8. Швецов Г.И. Инженерная геология, механика грунтов, основания и фундаменты. М.: Высш. шк. 1997 г. 296 с.
9. ҚМҚ 2.02.01-98 Бино ва иншоотлар заминлари. Ўзб. Рес. Дав архитектқурилиш қўмитаси, Тошкент, 1999 й. 144 бет.
10. ҚМҚ 2.02.03-98 Қозикли пайдеворлар. Ўзб. Рес. Давархитект қурилиш қўмитаси, Тошкент, 1999 й. 134 бет.
11. ҚМҚ 3.02.01-97 Тупроқ, иншоотлар, замин ва пайдеворлари. Ўзб. Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, Тошкент, 1998 й. 234 бет.
12. ҚМҚ 2.01.01-94 Лойиҳалаш учун иқлимий-геологик маълумотлар. Расмий нашр. Ўзб.Рес.Давархитектқурилиш қўмитаси, Тошкент, 1998 й. 31 бет.
13. ҚМҚ 2.01.07-96 Юклар ва таъсирлар. Ўзб. Рес. Давархитект қурилиш қўмитаси, Тошкент, 1996 й. 126 бет.
14. ҚМҚ 2.03.01-96 Бетон ва темирбетон конструкциялари. Ўзб. Рес. Давархитектқурилиш қўмитаси, Тошкент, 1996 й.
15. Цытович Н.А. Механика грунтов: Краткий курс: Учебник. Изд. 4-е.-М.: Издательство ЛКИ, 2008. 272с. (Классика инженерной мысли: Строительство).

## МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
I-БОБ. Пойdevор лойиҳалашдаги асосий хусусиятлар.....	4
1.1. Замин ва пойdevорларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари.....	4
1.2. Пойdevорлар заминини юк кўтариш қобилияти бўйича ҳисоблаш.....	7
1.3. Пойdevор лойиҳалаш учун зарур бўладиган материаллар.....	9
1.4. Пойdevор чукурлигини белгилаш.....	11
1.5. Пойdevорлар турлари.....	14
II-БОБ. Табиий заминда саёз жойлашган пойdevорлар.....	17
2.1. Табиий заминда саёз жойлашган пойdevорларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари.....	17
2.2. Марказий юк таъсиридаги бикр пойdevорларнинг таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш.....	18
2.3. Номарказий юк таъсиридаги бикр пойdevорларнинг таг юзаси ўлчамларини ҳисоблаш.....	23
2.4. Эгилишга ишлайдиган пойdevорларни лойиҳалаш асослари.....	26
2.5. Ертўла пойdevорини ҳисоблаш.....	29
III-БОБ. Қозиқли пойdevорлар.....	31
3.1. Қозиқли пойdevорларнинг турлари.....	31
3.2. Қозиқли пойdevорларни ўрнатиш.....	34
3.3. Қозиқли пойdevорларни ҳисоблаш.....	39
3.4. Қозиқли пойdevорларни лойиҳалаш.....	42
IV-БОБ. Чуқур жойлашувчи пойdevорлар.....	43
4.1. Чуқур жойлашувчи пойdevорларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари.....	43
4.2. Ўз оғирлиги билан пастлашувчи қудуқлар.....	43
4.3. Кессон пойdevорлар.....	46
4.4. Грунт қаридаги девор.....	47
4.5. Йиғма темирбетон қобиқлар.....	50
V-БОБ. Замин грунтларининг сунъий мустаҳкамлаш усуллари.....	52
5.1. Бўш грунтларни алмаштириш.....	52
5.2. Грунтларни зичлаш усуллари.....	53

5.3. Грунтларни қотириш усуллари .....	54
VII боб. Ўта чўкувчан грунтларда пойдеворларни барпо этиш.....	59
6.1. Грунтларнинг ўта чўкувчанлик кўрсаткичлари.....	59
6.2. Ўта чўкувчан грунтларда пойдевор барпо этиш.....	60
VII-боб. Зилзилабардош заминларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш.....	62
7.1. Зилзилабардош заминларни ҳисоблаш ва лойиҳалашнинг умумий қоидалари.....	62
7.2. Курилиш майдонининг зилзилага мустаҳкамлиги.....	64
7.3. Зилзилабардош заминлар усули. ....	64
7.4. Зилзила таъсирида грунтлар мустаҳкамлик кўрсаткичини ўзгариши.....	66
7.5. Заминларнинг зилзилабардошлигини оширишга қаратилган тадбирлар.....	67
VIII-боб. Тебранма ҳаракатланувчи машина ва ускуналар пойдеворлари.....	69
8.1. Машина ва ускуналар заминининг тебраниши.....	69
8.2. Машина ва ускуналар пойдеворлари.....	69
8.3. Машина ва ускуналар ости пойдеворларини лойиҳалаш ва ҳисоблаш.....	70
IX-боб. Замин ва пойдеворларни таъмирлаш.....	71
9.1. Замин ва пойдеворларни таъмирлаш сабаблари.....	71
9.2. Замин ва пойдеворларни таъмирлаш усуллари.....	71
9.3. Фойдаланилаётган иншоот яқинида пойдевор ўрнатиш.....	73
X-боб. Кўприк қурилишларида ишлатиладиган қозиқли ва устунсимон пойдеворлар турлари.....	75
10.1. Қозиқли ва устунсимон пойдеворлар турлари.....	75
10.2. Қозиқ ва устунлар конструкциялари.....	92
Назорат саволлари.....	118
Илова 1.....	120
Илова 2 .....	123
Илова 3.....	124
Адабиётлар.....	129

Мұхаррир:

Т.И. Умурзокова

Нашрға рухсат этилди 09.11.2009

Хажми 8 б. т.

Қоғоз бичими 60×84/16 Адади 15 нусха Буюртма № 8/11

ТошТЙМИ босмахонаси Тошкент ш., Одилхўжаев кўчаси, 1